

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида
УЎК: 336.713:336.76(575.1)**

САРИМОВ ШАХБОЗАЛИ СОАТАЛИ ЎҒЛИ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ РЕСУРС БАЗАСИ БАРҚАРОРЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: Холмаматов Фарҳоджон Кубаевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор**

Тошкент шаҳри – 2025 йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ РЕСУРС БАЗАСИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЛМИЙ- НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ.....	13
1.1. Тижорат банкларининг ресурс базаси барқарорлигини таъминлаш хусусидаги илмий-назарий қарашлар.....	13
1.2. Тижорат банклари молиявий ресурсларини ташкил этишнинг иқтисодий-ҳуқуқий асослари.....	31
1.3. Тижорат банкларининг ресурс базаси барқарорлиги бўйича илғор хориж амалиёти.....	46
Биринчи боб бўйича хулоса.....	63
II БОБ. МАМЛАКАТ БАНК ТИЗИМИ МОЛИЯВИЙ РЕСУРС БАЗАСИ ТАРКИБИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИНГ АМАЛИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ.....	68
2.1. Ўзбекистон банк тизимининг молиявий ресурслари таркиби ва жорий ҳолати таҳлили.....	68
2.2. Банкларнинг молиявий ресурслари барқарорлигига таъсир этувчи омилларнинг эконометрик таҳлили	87
2.3. Тижорат банкларининг ресурс базаси барқарорлигини стресс-тест орқали аниқлаш ва таъминлаш таҳлили.....	92
Иккинчи боб бўйича хулоса.....	108
III БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ РЕСУРС БАЗАСИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ.....	113
3.1. Тижорат банкларининг ресурс базаси барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммолар.....	113
3.2. Банкларнинг ресурс базаси барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш йўллари.....	123
Учинчи боб бўйича хулоса.....	133
ХУЛОСА	137
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	142

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда тижорат банклари ресурс базаси барқарорлигини таъминлаш орқали уларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш, банкларнинг ликвидлигини ошириш, банк операциялари самарадорлигини кўтариш, банкларнинг даромадини яхшилаш орқали рентабеллик даражасини ошириш ҳамда инвесторларни жалб қилиш алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жаҳон банки маълумотларига кўра, «2023 йилда банк депозитларининг ялпи ички маҳсулотга нисбати Японияда 259,6 фоиз, Жанубий Кореяда 160 фоиз, Испанияда 119,7 фоиз, Австралияда 112,3 фоиз, Бельгияда 120,6 фоиз, Францияда 106,7 фоиз, Италияда 103 фоизни ташкил этган. Шунингдек, банк капитали бўйича Хитойнинг ICBC банки 523,4 млрд АҚШ доллари, АҚШнинг JP Morgan Chase & Co банки 277,3 млрд АҚШ доллари, Франциянинг Credit Agricole Group банки 125,1 млрд АҚШ долларини ташкил этган.»¹. Тижорат банкларининг ресурс базаси барқарорлигини таъминлаш банк маҳсулотлари ва хизматлар сифатини ошириш, банкларнинг молиявий натижаларини яхшилаш, рақамли иқтисодиёт шароитида инновацион банк хизматлари бозорида ўз мавқеини ошириш, банк рискларини камайтириш орқали банк фаолиятини кенгайтиришни тақозо этмоқда.

Жаҳонда тижорат банклари ресурсларини самарали ташкил этиш ва уларнинг барқарорлигини доимий равишда таъминлашга йўналтирилган илмий ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Банкларда жалб қилинган ва жойлаштирилган ресурсларнинг мустаҳкамлигини аниқлашда банк ликвидлилик даражасининг ўзгариши ёки регулятор банк томонидан белгиланган меъёрий кўрсаткичлар нормативи динамикасини таҳлил қилиш, банкларда ресурсларни оқилона жойлаштиришда жалб этилган маблағлар бўйича ўртача ўлчанган фоиз ставкасининг ўсиш суръатига нисбатан жойлаштирилган маблағлар бўйича ўртача ўлчанган фоиз ставкасининг ўсиш

¹ <https://www.worldbank.org/en/topic/sme/finance>

суръатини таъминлаш билан боғлиқ муҳим масалалар борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда “банк секторини ислоҳ қилиш орқали банкларнинг молиявий барқарорлигини ошириш, ресурсларнинг оптимал даражасини ва диверсификациясини таъминлаш, банкларда актив ва пассивларни самарали бошқариш тизимларини жорий этиш, давлат улуши мавжуд тижорат банкларини трансформация қилиш орқали банк тизимида соф рақобатни шакллантириш, самарали молиявий ресурсларни бошқаришнинг замонавий моделларини қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республикада «банкларнинг капиталига қўйиладиган минимал талабларни, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг халқаро иқтисодий ташкилотларга қўшилиши ва республика банк тизимининг халқаро молия тизимига интеграциялашувини ҳисобга олган ҳолда ошириш»², «энг яхши халқаро тажриба асосида депозитларни ҳимоялаш тизимини изчиллик билан ривожлантириш»³ вазифалари белгиланган. Мазкур вазифалар ижросини таъминлашда банкларнинг ресурс базаси таркибини оптималлаштириш, барқарор ресурс манбаларини кўпайтириш орқали банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирларини қўллаш долзарб масалалардан биридир»⁴.

Ўзбекистон Республикасининг “2019 йил 11 ноябрдаги ЎРҚ-582-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги, 2019 йил 5 ноябрдаги ЎРҚ-580-сон «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 27 декабрдаги ПФ-227-сон “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «2020-

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги Фармон // Қонун ҳужжатлари маълумотлар миллий базаси, 12.05.2020 й.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги Фармон. Қонун ҳужжатлари маълумотлар миллий базаси, 12.05.2020 й.

⁴ www.lex.uz маълумотлар базаси.

2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сон “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2023 йил 24 мартдаги ПҚ-102-сон «Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сон «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади”⁵.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тижорат банкларининг ресурс базаси барқарорлигини таъминлашнинг алоҳида олинган назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар – Qian Long Kweh, Wen-Min Lu, Kaoru Tone, Hsian-Ming Liu, G.Dess, T.Lumpkin, V.Rosenberg, C.Richard, N.Martin, G.Ivatury, R.Klingebiel, Э.Долан, Жан Матук, Э.Родэ, Д.Полфреман, К.Барлтроп ва Д.МакНотон ҳамда бошқа олимларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган⁶.

⁵ www.lex.uz маълумотлар базаси

⁶Kweh, Q.L., Lu, W.M., Tone, K. et al. Evaluating the resource management and profitability efficiencies of US commercial banks from a dynamic network perspective. *Financ Innov* 10, 19 (2024).; Dess, G., Lumpkin, T., & Eisner, B. (2010). *Strategic Management: Creating Competitive Advantages*. 5th ed. New York: McGraw-Hill Irwin; Rao, P.M. (2013). *Sustaining Competitive Advantage in a High-Technology Environment: A Strategic Marketing Perspective*. *Advances in Competitiveness Research*.; Sarker, A.E. (2013). The Secrets of success: the Grameen Bank experience in Bangladesh. *Labour and Management in Development Journal*. 2(1). 109-128.; Rosenberg, V. and Richard, C. (2010). *Measuring Results of Microfinance Institutions - minimum indicators that donors and investors should track - a technical guide*, Consultative Group to Assist the Poor. Washington D.C: The World Bank.; Martin N. Mbugua, Margaret Oloko, Jared Deya. (2022) *Financial Resources as a Strategic Driver on Performance of Agency Banking in Commercial Banks in Kenya*. *International Journal of Innovative Technologies in Social Science*. 4(36). doi: 10.31435/rsglobal_ijitss/30122022/7888.; Ivatury, G. & Timothy, L. (2006). *Use of Agents in Branchless Banking for the Poor: Rewards, Risks, and Regulation*. Washington D.C: Prentice Hall.; Klingebiel, R. and Rammer,

МДХ олимларидан О.Лаврушин, Ф.Мишкин, С.Вайн, В.Усоскин, Н.Соколинская, Г.Коробова, Г.Белоглазова, Г.Пановаларнинг илмий-тадқиқот ишларида учрайди⁷.

Маҳаллий иқтисодчи олимларидан Ш.Абдуллаева, А.Омонов, Ф.Холмаматов, У.Ортиқов, Ж.Обиджонов, У.Азизов, С.Ходиев, И.Жўраев, А.Раҳимовлар томонидан бевосита ва билвосита тадқиқ қилинган⁸.

Ушбу мавзу доирасида амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари ва олиб борилган илмий-назарий изланишларда, айнан тижорат банкларининг ресурс базаси барқарорлигини таъминлаш масалалари комплекс ва тизимли тарзда тўлиқ ўрганилмаган. Мазкур ҳолат диссертация ишида тадқиқ қилинган илмий-амалий муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг долзарблик даражасини белгилаб беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий-

С., 2014. Resource allocation strategy for innovation portfolio management. Strategic management journal, 35(2), pp.246-268.; Эдвин Дж. Долан и др. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. – СПб.: “Санкт-Петербург Оркестр”, 1994. – С. 90-93.; Жан Матук. Финансовые системы Франции и других стран. Том I. Пер. с англ. – М.: «Финстатинформ», 1994. С. 25.; Родэ Э.М. Банки, биржи, валюты современного капитализма. – М.: «ФиС», 1986. С.42.; Полфреман Д. Форд Ф. Основы банковского дела. Пер. с англ. – М.: ИНФРА-М, 1996. – С. 110.; Крис Дж. Барлтон и Диана МакНотон. Банковские учреждения в развивающихся странах. Материалы ИЭР. Том II. Всемирный банк. Вашингтон, Д.С., 1992.С.101.

⁷ Лаврушин О.И. Деньги, кредит, банки: Учебник / Под ред. засл. деят. науки РФ, д-ра экон. наук, проф. О.И.Лаврушина. –М.: КНОРУС, 2016.- 576 с.; Мишкин Ф.С. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых циклов. 7-е изд. Пер. с англ. – М.: ООО «И.Д.Вильямс», 2013. – С.295.; Вайн С. Оптимизация ресурсов современного банка. – М.: Альпина Паблишер, 2013. – С.150-151.; Усоскин В.М. Современный коммерческий банк. – М.: ИПЦ «Вазар-Ферро», 1994. - С. 106-109.; Соколинская Н.Э. Проблемы менеджмента кредитного портфеля в современных условиях//Банковское дело. – Москва, 1999. - №9. – С. 18-19.; Коробова Г.Г. Банковское дело. Москва. Экономистъ.2003.-с.213.; Белоглазова Г.Н.Банковское дело Организация деятельности коммерческого банка. Учебник. Москва. Высшее образование.2009.-с.141.; Панова Г.С. Кредитная политика коммерческого банка. – М.: ИКЦ «ДИС», 1997. – С. 194.

⁸ Ш.Абдуллаева, Омонов А. Тижорат банклари капитали ва уни бошқариш.Т.:, «Иқтисод - Молия»2006,10-бет.; Холмаматов Ф.К. Банк тизими барқарорлигига банк капиталининг таъсири таҳлили // «Агроиқтисодиёт» журналы, №2, 2023. – Б. 144-147.; У.Ортиқов. Тижорат банкларининг молиявий ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация автореферати. –Т.: 2023, БМА, 56 б.; Обиджонов Ж., Азизов У. Молиялаштиришни такомиллаштириш йўлида //Ўзбекистон кишлок хўжалиги. –Тошкент, 2000. -№4. –Б.12-14.; Ходиев С.М. “Совершенствование депозитной политики коммерческих банков в условиях либерализации экономики”. автореферат дис. ... канд. экон. наук. Ташкент, 2010. – 19 стр.; Жураев И.И. Ўзбекистон республикаси тижорат банклари депозит базасини мустаҳкамлаш. иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 26 б.; А.М.Раҳимов. Тижорат банклари депозит базаси ва уни кенгайтириш йўллари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент 2019 йил. 23-бет.

тадқиқот ишлари режасига мувофиқ амалга оширилаётган илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тижорат банкларининг ресурс базаси барқарорлигини таъминлашга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш хусусидаги илмий-назарий қарашлар эволюциясини тадқиқ этиш;

тижорат банклари молиявий ресурсларини ташкил этишнинг иқтисодий-ҳуқуқий асосларини очиқ бериш;

тижорат банкларининг ресурс базаси барқарорлиги бўйича илғор хориж амалиётини тадқиқ қилиш асосида мамлакат банк тизими учун зарурий тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон банк тизимининг молиявий ресурслари таркиби ва жорий ҳолати таҳлилини амалга ошириш;

банкларнинг молиявий ресурслар барқарорлигига таъсир этувчи омилларни эконометрик таҳлилини амалга ошириш ва модель ишлаб чиқиш;

тижорат банкларининг ресурс базаси барқарорлигини стресс-тест орқали аниқлаш ва таъминлаш таҳлили амалга ошириш;

банкларнинг молиявий ресурслари барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммолар ва уларни такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган хулоса ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тижорат банкларида молиявий ресурсларни шакллантириш ва унинг барқарорлигини таъминлаш механизми танланган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, тижорат банкларининг ресурс базаси барқарорлигини таъминлаш жараёнида вужудга келадиган молиявий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот методлари. Диссертацияда гуруҳлаш, таққослаш, илмий тафаккур, иқтисодий-статистик, эмпирик баҳолаш, корреляцион-регрессион

таҳлил, башоратлаш тадқиқот объектлари ва олинган натижаларни баён қилиш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

банкларнинг ресурс базаси мустаҳкамлигини аниқлашда стресс-тест ўтказиш параметри сифатида бошқа банкларга жойлаштирилган депозитлар қолдиғининг 20 фоизи қайтариб олиниши – пессимистик сценарий, 25 фоизи қайтариб олиниши – критик сценарий ва 30 фоизи қайтариб олиниши ва активларга жойлаштирилмаслиги – катастрофик сценарий деб белгилаш таклиф этилган;

депозит сертификат сақловчиси сертификатни муддати тугагунга қадар қайтариб беришни талаб қилганда, у банкни омонатни олишни мўлжаллаётган санадан камида бир ой олдин хабардор қилиши ва депозитга талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлар бўйича тўланадиган фоизлар миқдорида тўлаш таклиф этилган;

банкнинг ресурс базасида энг кўп улушга эга бўлган 3 та йирик миждозларининг муддатли ва жамғарма ҳисобрақамларидаги маблағлар 6 ойгача бўлган муддатда олиб чиқиб кетилиши ва банк томонидан миждозларга кредитлар ажратиш ҳажми 50 фоизга, кредитлар қайтиши 0,5 фоизга камайишини стресс-тестнинг бир омилли сценарий параметри сифатида киритиш таклиф этилган;

банкларда ресурсларни оқилона жойлаштиришда жалб этилган маблағлар бўйича ўртача ўлчанган фоиз ставкасининг ўсиш суръатига нисбатан жойлаштирилган маблағлар бўйича ўртача ўлчанган фоиз ставкасининг ўсиш суръатини камида 20 фоиз бўлишини таъминлаш асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

банкларда жалб қилинган ва жойлаштирилган ресурсларнинг мустаҳкамлигини аниқлашда банк ликвидлилиқ даражасининг 10 фоизга ўзгариши ёки Марказий банк томонидан белгиланган меъёрий кўрсаткичларга 5 фоиз пунктига яқинлашганда, ўзгариш сабабларини аниқлаш мақсадида 3

ойлик ликвидлилик нормативи динамикасини таҳлил қилиш таклифи амалиётда фойдаланилган;

банк капитали барқарорлигини таъминлашда I даражали капиталнинг рискка тортилган активлар суммасига нисбати 12,5 фоиздан, I даражали асосий капиталнинг етарлилик коэффиценти 9 фоиздан пасайганда риск-аппетит меъёрининг “огоҳлантириш” тоифасига киритиш таклифи амалиётда қўлланилган;

банк ресурсларини самарали жойлаштиришда мижознинг бир ойлик кредит тўловлари ҳамда бир ойлик пул тушумлари нисбати 200 фоиздан юқори бўлганда “барқарор”, 150-200 фоиз бўлганда “яхши”, 100-150 фоиз бўлганда “қониқарсиз”, 50-100 фоиз бўлганда “ёмон” ва 50 фоиздан кам бўлганда “банкротлик ёқасида”, деб таснифлаш таклифи амалиётга жорий этилган;

миллий ва хорижий валютада депозитларни жалб этишда жами депозитлардаги филиаллар улушини ошириш, филиаллар кесимида ажратиладиган кредитлар миқдоридан келиб чиққан ҳолда жалб қилинадиган депозитларга ойлик режалар ўрнатиш таклифи амалиётда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларни банкларда молиявий ресурсларни жалб қилиш ва унинг барқарорлигини таъминлаш механизмлари илмий-назарий асосларининг тадқиқига, ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш натижаларига ҳамда Ўзбекистон Республика Марказий банки статистик маълумотлари ва тижорат банкларининг фаолиятига оид бўлган амалий маълумотларнинг таҳлилларига асосланганлиги ҳамда жаҳон расмий статистик маълумотномаларидан олингани, шунингдек, тадқиқот хулосалари ва таклифларининг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертация ишида олинган илмий хулоса ва таклифлардан келажакда Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари

амалиётида молиявий ресурслар барқарорлигини таъминлашнинг самарали йўлларины такомиллаштиришга қаратилган махсус илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади. Ишлаб чиқилган ва илмий томондан асосланган илмий таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилиниши республика банк тизимида молиявий ресурсларни шакллантириш ва унинг барқарорлигини таъминлашга, рақамли иқтисодиёт шароитида инновацион банк хизматларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация ишида ишлаб чиқилган тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, мамлакатда фаолият юритаётган тижорат банклари, банк иши мутахассисларини малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказларида, шунингдек, Олий таълим муассасаларида банк ишига тегишли фанларни ўқитишда фойдаланиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тижорат банкларининг ресурс базаси барқарорлигини таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

банкларнинг ресурс базаси мустаҳкамлигини аниқлашда стресс-тест ўтказиш параметри сифатида бошқа банкларга жойлаштирилган депозитлар қолдиғининг 20 фоизи қайтариб олиниши – пессимистик сценарий, 25 фоизи қайтариб олиниши – критик сценарий ва 30 фоизи қайтариб олиниши ва активларга жойлаштирилмаслиги – катастрофик сценарий деб белгилаш таклифи акциядорлик тижорат «Алоқабанк»нинг 2023 йилга мўлжалланган “Банк фаолиятини стресс-тестдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Акциядорлик тижорат «Алоқабанк»нинг 2024 йил 10 декабрдаги 05-04/4716-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида, тижорат банкини стресс-тестдан ўтказиш тартиби янада такомиллаштирилган, банкнинг молиявий ресурслари барқарорлиги мустаҳкамланган, 2023 йилда банкнинг мажбуриятлари таркибида банклараро депозитларнинг улуши 10,4 фоиз ёки 1395,4 млрд сўмни, улардан олинган фоизли даромадлар эса 13,9 фоизга ошиб, 43,3 млрд сўмни ташкил этган.

депозит сертификат сақловчиси сертификатни муддати тугагунга қадар қайтариб беришни талаб қилганда, у банкни омонатни олишни мўлжаллаётган санадан камида бир ой олдин хабардор қилиши ва депозитга талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлар бўйича тўланадиган фоизлар миқдорида тўлаш таклифи акциядорлик тижорат «Алоқабанк»нинг 2023 йилга мўлжалланган банкнинг «Эмиссия сиёсати»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Акциядорлик тижорат «Алоқабанк»нинг 2024 йил 10 декабрдаги 05-04/4716-сонли маълумотномаси). Натижада, банкнинг барқарор ресурслар ҳажми ва даромадлилиги ошган, банк харажатлари камайиши ҳисобига молиявий ҳолати яхшиланган. Шунингдек, банкнинг юридик миждозлардан жалб қилган миллий валютадаги депозитлари ҳажми 3,1 фоизга ошиб 4736 млрд сўмни ташкил этган ва миллий валютадаги депозитларнинг ўртача тортилган ставкаси 17,7 фоизни ташкил этган.

банкнинг ресурс базасида энг кўп улушга эга бўлган 3 та йирик миждозларининг муддатли ва жамғарма ҳисобрақамларидаги маблағлар 6 ойгача бўлган муддатда олиб чиқиб кетилиши ва банк томонидан миждозларга кредитлар ажратиш ҳажми 50 фоизга, кредитлар қайтиши 0,5 фоизга камайишини стресс-тестнинг бир омилли сценарий параметри сифатида киритиш таклифи акциядорлик тижорат «Алоқабанк»нинг 2023 йилга мўлжалланган “Банк фаолиятини стресс-тестдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Акциядорлик тижорат «Алоқабанк»нинг 2024 йил 10 декабрдаги 05-04/4716-сонли маълумотномаси). Натижада, 2023 йилда банк фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари сезиларли даражада яхшиланган, хусусан, банк жами даромадлари олдинги йилга нисбатан 145,2 фоизга ошган ва 3392,2 млрд сўмни ташкил этгани ҳолда рентабеллик кўрсаткичи 11 фоиз бандга ошиб 21,8 фоиз, соф фоизли маржа эса 0,3 фоиз банд ошиб 4,6 фоизни ташкил этган.

банкларда ресурсларни оқилона жойлаштиришда жалб этилган маблағлар бўйича ўртача ўлчанган фоиз ставкасининг ўсиш суръатига нисбатан жойлаштирилган маблағлар бўйича ўртача ўлчанган фоиз ставкасининг ўсиш

суръатини камида 20 фоиз бўлишини таъминлаш таклифи акциядорлик тижорат «Алоқабанк»нинг 2023 йилга мўлжалланган банкнинг «Активлар ва пасивларни бошқариш сиёсати»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Акциядорлик тижорат «Алоқабанк»нинг 2024 йил 10 декабрдаги 05-04/4716-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида, банк активлари ва пасивларининг сўндирилиш муддатлари бўйича ўзаро мувофиқлиги таъминланган. Шунингдек, банкнинг чакана кредитлар қолдиғи 3081,2 млрд сўм ва улар бўйича ўртача фоиз ставкаси 16,9 фоизни, аҳоли омонатлари қолдиғи эса 3033,1 млрд сўм ҳамда улар бўйича ўртача фоиз ставкаси 16,9 фоизни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 3 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, учта боб, 8 та параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, унинг ҳажми 144 бетдан иборат.

I БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ РЕСУРС БАЗАСИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

1.1. Тижорат банкларининг ресурс базаси барқарорлигини таъминлаш хусусидаги илмий-назарий қарашлар

Тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш масаласи нафақат банклар фаолиятида, балки бутун иқтисодиётда доимо энг долзарб масалалардан бири бўлган. Шунинг учун мазкур масала доимий равишда хорижлик ва маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан илмий асосда тадқиқ қилинган ҳамда тегишли илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

АҚШлик иқтисодчи профессор Ф.Мишкиннинг хулосасига кўра, “тижорат банкларининг ресурсларидан самарали фойдаланишда молиявий инновацияларга асосий эътиборни қаратиш лозим. Фоиз ставкаларининг сезиларли даражада тебраниши янги молиявий маҳсулотларга бўлган талабнинг ўзгаришига бевосита ва кучли таъсир қилувчи муҳим иқтисодий омил ҳисобланади”⁹. Муаллифнинг фикрига кўшилган ҳолда айтиш мумкинки, банклар фаолиятида инновацияларни молиялаштириш, уларга ресурсларни катта қисмини ажратиш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади. Банкларнинг муваффақиятли фаолияти айнан инновацияларни жорий қилиш билан асосланади. Лекин бунинг салбий жиҳатлари ҳам мавжуд, барча инновацион лойиҳалар ҳам доимо муваффақиятли бўлмайди ва бундай лойиҳаларни молиялаштириш банкларга катта зарар келтириши мумкин. Хусусан, АҚШнинг энг йирик банкларидан бири бўлган, активлари ҳажми бўйича 16-ўринда турувчи банки Silicon Valley Bank 2023 йилда банкротликка юз тутди. Бунинг асосий сабаби, банк инновацияларга асосланган стартаплар ва IT-компанияларни молиялаштиришга жуда кўп ресурс сарфлаганлигидир.

⁹ Мишкин Ф.С. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых циклов. 7-е изд. Пер. с англ. – М.: ООО «И.Д.Вильямс», 2013. – С.295.

Қолаверса, олимнинг фоиз ставкалари тўғрисида тадқиқотлари жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, бозор иқтисодиётида фоиз ставкалари банкнинг молиявий ҳолатига, янги маҳсулот турларига, банк фаолияти сифатига тўғридан тўғри таъсир этади. Юқоридаги фикрларнинг жамланмаси ва натижаси сифатида Silicon Valley Bankнинг банкротликка учрашининг иккини сабаби айнан фоиз ставкалари эканлигини инобатга олсак, олимнинг фикрлари тўлиқ ўз исботини топади, яъни “Silicon Valley Bank Федерал резерв фоиз ставкаларини оширишни бошлашдан олдин катта миқдордаги облигацияларни сотиб олди. Фоиз ставкалари ошгани сайин, янги чиқарилган давлат облигациялари бўйича даромадлилик юқори бўлганлиги сабабли, банк активлари жозибадорлиги пасая бошлади”¹⁰.

Банк соҳасида таниқли бўлган олим О.Лаврушин банк ресурсларини мустаҳкамлашнинг асосий талаблари ва мезонлари сифатида қуйидагиларни эътироф этган:

“банк тизимидаги тизимли рискларни тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича комплекс ёндашувларни ишлаб чиқиш;

молиявий барқарорликнинг сифат ва миқдорий индикаторларини ишлаб чиқиш;

тизимли рискларни сценарийли моделлаштиришдан фойдаланиш;

тижорат банкларини стресс-тестлаш амалиётини ривожлантириш”¹¹.

Лаврушиннинг фикрига кўра, банкларнинг ресурс базасини мустаҳкамлашда рискларни самарали бошқариш тизимини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилувчи индикаторларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш зарур эканлигини таъкидлайди. Қолаверса, тизимли рискларни моделлаштиришни ҳам таклиф этганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Фикримизча, олим молиявий ресурсларни нафақат самарали бошқаришни ва

¹⁰ <https://meduza.io/feature/2023/03/11/v-ssha-obankrotilsya-silicon-valley-eto-krupneyshiy-krah-banka-s-2008-goda>

¹¹ Устойчивость банковской системы и развития банковской политики. Монография. Под ред. Проф О.И. Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2016. – С. 131-140

барқарорлигини таъминлашни, балки келажакда уларни прогноз қилишни ҳам назарда тутати. Стресс-тестлаш амалиётидан фойдаланиш эса банк ресурсларини келажакда қанча чиқиб кетиши мумкинлигини олдиндан хабардор қилиш имкониятини беради ва банк бунга қарши тегишли чоратадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятини тақдим этади. Шу жиҳатдан олимнинг фикрлари жуда ўринли ва мамлакатимиз банк амалиётида бугунги кунда тижорат банклари томонидан ресурслар базасини мустаҳкамлаш ва уларни бошқаришда ушбу усуллардан самарали фойдаланиб келмоқда.

АҚШлик таниқли иқтисодчи олим Эдвин Дж. Долан “тижорат банкларининг ресурсларидан самарали фойдаланишда асосий эътибор юқори ликвидли активлар билан юқори даромадли активлар ўртасидаги нисбатнинг оқилона даражасини таъминлаш лозим”¹², деб ҳисоблайди. Олимнинг фикрларига кўра, тижорат банклари бир вақтнинг ўзида ҳам ликвидлилигини таъминлай олиши, ҳам банк имкон қадар юқори даражада даромад олишга қаратилиши лозим. Бизга маълумки, банк активларида ликвидлилик-даромадлилик-рисклилик дилеммасига асосан ликвидлилик ўз навбатида даромадлиликка тескари пропорционал. Фикримизча, тижорат банкларининг асосий мақсади даромад олишга қаратилганлигини инобатга олсак, мазкур фикр жуда ўринли ҳисобланади, чунки дунёда ушбу боғлиқликнинг стандарт шартлари ёки универсал формаси мавжуд эмас.

Проф. В.М.Усоскиннинг фикрига кўра, “трансакцион депозитлардан ресурс сифатида фойдаланиш тижорат банкларининг ликвидлилигига жиддий зиён етказди. Шу сабабли, Гласс-Стиголл қонунига асосан 1933 йилда трансакцион депозитларга фоиз тўлашнинг таъқиқланиши оқилона тадбир ҳисобланади. Лекин муддатли ва жамғарма депозит ҳисобрақамларига тижорат банклари томонидан тўланадиган фоиз ставкаларининг юқори чегарасининг белгиланиши тижорат банкларининг депозит базасига салбий

¹² Эдвин Дж. Долан и др. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. – СПб.: “Санкт-Петербург Оркестр”, 1994. – С. 90-93.

таъсир қилади”¹³. Олимнинг ушбу фикрлари банк ресурслари таркибида жалб килинган ресурсларнинг, хусусан, депозитларнинг аҳамиятига бағишланган. Республикамиз тижорат банклари ресурсларининг асосий қисми депозитлардан иборат эканлигини инобатга оладиган бўлсак, мамлакатимиз банк амалиёти учун муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, транзакцион депозитлардан фойдаланиш ресурс танқислиги пайтида трансформация рискинни келтириб чиқариши ҳам мумкин.

Проф. О.И. Лаврушиннинг фикрига кўра, “кредитнинг самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими мавжуд бўлиб, улар орасида муаммоли кредитлар ва кредитларнинг даромадлилигини тавсифловчи кўрсаткичлар муҳим ўрин эгаллайди”¹⁴. Олимнинг ушбу хулосасини қуйидаги фикрлар билан изоҳлаш мумкин, яъни банк молиявий ресурсларининг асосий қисми банкларда кредит операцияларига жойлаштирилади. Шу жиҳатдан, кредитларга оқилона жойлаштирилган ресурслар уларнинг самарадорлигини оширади ва барқарорлигини кафолатлайди.

Проф. Н.Э. Соколинскаянинг хулосасига кўра, “рискларни диққат билан кузатиш, сифатли кредит йиғма жилдини шакллантириш, кредитлаш жараёнини бошқариш учун яхши маълумотлар базасига эга бўлиш кредитнинг сифат мазмунини таъминлашнинг асосий жиҳатлари ҳисобланади”¹⁵. Ушбу олим ҳам юқоридаги хулосаларни тасдиқлайди ва унга қўшимча равишда банкларда ресурсларни бошқаришда рискларга алоҳида эътибор беришни таъкидлайди.

Фикримизча, банкларда молиявий ресурсларни шакллантириш ва уларни жойлаштиришда рискларнинг аҳамияти жуда катта бўлганлиги сабабли, рискларни камайтиришда кредит тарихини эътиборга олишни ва кредитлашда уни мезон сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

¹³ Усоскин В.М. Современный коммерческий банк. – М.: ИПЦ «Вазар-Ферро», 1994. – С. 106-109.

¹⁴ Лаврушин О.И. Банковское дело: современная система кредитования. – М.: КНОРУС, 2008. – С.36-37.

¹⁵ Соколинская Н.Э. Проблемы менеджмента кредитного портфеля в современных условиях//Банковское дело. – Москва, 1999. - №9. – С. 18-19.

С. Вайн ўз тадқиқотлари натижаларига асосланган ҳолда, “кредитларнинг самарадорлигини таъминлашда кредитлар бўйича ташкил этиладиган захираларнинг даражасини муҳим ўрин тутишини эътироф этган”¹⁶. Унинг фикрича, банкнинг кредит портфели сифати пасайганда банк харажатлари ошади, бу эса қўшимча ресурслар талаб қилади. Фикримизча, банк активларининг сифат даражаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банк аниқ мажбурий меъёрларни ўрнатган пайтда ушбу фикр жуда ўринлидир. Мамлакатимиз қонунчилигига асосан, ҳозирда тегишли тоифаланган активларга нисбатан захира ташкил этилиши лозим. Бунда стандарт кредитларга нисбатан қолдиқ сумманинг 1 фоизи, субстандарт кредитларга нисбатан 1 фоиз, қониқарсиз кредитларга нисбатан эса 25 фоиз, шубҳали кредитларга нисбатан 50 фоиз ва умидсиз кредитларга нисбатан 100 фоиз захира шакллантирилади. Агарда ушбу захираларнинг суммаси қанчалик кўп бўлса, шунга мос равишда банк ресурслари ҳам камаяди. Энг асосийси, ушбу захираларни ташкил этиш мажбурий ва уларни ишлатиб бўлмайди.

Халқаро таъмирлаш ва тараққиёт банки экспертларининг тавсиясига кўра, “тижорат банклари кредит портфелининг сифатини таъминлашда кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг меъёрий даражаларини таъминлаш ва кредитлардан олинадиган фоизли даромадларнинг барқарорлигига эришиш муҳим аҳамият касб этади”¹⁷. Ушбу гуруҳ экспертларининг хулосасига кўра, тижорат банклари кредит портфелининг сифатини таъминлашда кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг меъёрий даражаларини таъминлаш шарт, бу эса банкнинг фоизли даромадларига ўз таъсирини кўрсатади.

Эйхенгрин ва Хаусманн томонидан амалга оширилган тадқиқотларнинг натижалари кўрсатдики, “ривожланаётган мамлакатларда молия бозорларининг ривожланмаганлиги инвестицияларни молиялаштириш учун

¹⁶ Вайн С. Оптимизация ресурсов современного банка. – М.: Альпина Паблишер, 2013. – С.150-151.

¹⁷ www.worldbank.org – Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки

зарур бўлган узоқ муддатли ресурсларни жалб этиш имконини бермайди. Натижада узоқ муддатли инвестицион лойиҳаларни қисқа муддатли кредитлар ҳисобидан молиялаштириш ҳолатлари юзага келади. Бу эса, трансформация ва ликвидлилик rischi муаммосининг чуқурлашишига олиб келади”¹⁸. Дарҳақиқат, молия бозорларининг ривожланмаганлиги, хусусан, фонд бозори ва капитал бозорлари даражасининг пастлиги ва самарасизлиги банкларда қўшимча молиявий ресурсларни жалб қилиш имкониятини пасайтиради. Фикримизча, қўшимча ресурс мавжуд бўлмаганда ёки етарли даражада бўлмаганда банк узоқ муддатли активларга транзакцион депозитлардан ёки қисқа муддатли молиявий маблағлардан фойдаланишга мажбур бўлади. Бу ўз навбатида, трансформация riskини келтириб чиқаради ва молиявий ресурсларни қайтаришда банкларда ликвидлилик даражаси пасайиши мумкин.

Бир гуруҳ хорижлик олимлар Qian Long Kweh, Wen-Min Lu, Kaoru Tone ва Hsian-Ming Liуларнинг таъкидлашича, “тижорат банкларининг ресурс базаси мустаҳкамлигини ўлчаш учун динамик тармоқ тузилмаси билан маълумотларни қамраб олиш таҳлили (data envelopment analysis (DEA)) моделидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, банк ресурслари барқарорлигига таъсир этувчи асосий омиллар бошқарув сифати, активларнинг сифати ва ликвидлилик коэффициенти, дея таъкидлайди”¹⁹. Олимларнинг тижорат банклари ресурс базаси мустаҳкамлигини ўлчаш учун динамик тармоқ тузилмасидан фойдаланиш фикрига қўшилиш мумкин.

Фикримизча, улар банк ресурслари барқарорлигига таъсир этувчи омилларни санаб ўтган, аммо ушбу омилларга банк капитали ҳажми, банкнинг даромади ва riskларни бошқариш сиёсатини ҳам қўшиш мақсадга мувофиқдир.

¹⁸ Барро Дж.Р., Салаи-и-Мартин Х. Экономический рост. Пер. с англ. – М.: БИНОМ, 2010. – С.118.

¹⁹ Kweh, Q.L., Lu, W.M., Tone, K. *et al.* Evaluating the resource management and profitability efficiencies of US commercial banks from a dynamic network perspective. *Financ Innov* **10**, 19 (2024). <https://doi.org/10.1186/s40854-023-00531-0>

Оксфорд луғатига кўра, “молиявий ресурслар - бу самарали фаолият юритиш учун шахс ёки ташкилот томонидан жалб қилиниши мумкин бўлган пул, материаллар, ходимлар ва бошқа активлар захирасидир”²⁰.

Яна бир гуруҳ хорижий олимларнинг фикрига кўра, “Молиявий ресурслар муҳим ташкилий ресурслардир. Ҳеч бир ташкилот молиявий манбаларсиз муваффақиятга эришмаган. Шу сабабли, муассасалар, фирмалар, ташкилотлар ва хўжалик юритувчи субъектлар ўз фаолиятини яхшилаш ва молиявий рискларга дучор бўлишни камайтириш учун молиявий менежментни кўриб чиқишлари зарур”²¹. Ушбу олимлар молиявий ресурсларни ташкилий ресурслар сифатида баҳолайди, уларни самарали бошқаришда молиявий менежментни биринчи ўринга қўяди. Фикримизча, молиявий ресурсларни бошқариш, уларни тасарруф этишда ташкилотларга боғлиқ бўлмаган жиҳатлари эътибордан четда қолган. Хусусан, ташқи омилларни инобатга олиш зарур.

Маҳаллий иқтисодчилардан У.Ортиқовнинг хулосасига кўра, “банк ресурслари - бу банк сиёсати доирасида банк фаолиятини амалга ошириш учун ишлатилиши мумкин бўлган, банкнинг ўз маблағларидан ва жалб қилинган маблағларидан ташкил топган, банкнинг даромад олишига асос бўлувчи захира ва имкониятларнинг йиғиндисидир”²². Муаллиф банк ресурсларига банк фаолиятини ташкил этувчи манба сифатида қарайди. Аммо унинг банкнинг даромад олишига асос бўлувчи захира ва имкониятларнинг йиғиндисидир, деган фикрларига қўшилмаймиз. Чунки банк захиралари эркин молиявий ресурс ҳисобланмайди ва ундан фойдаланишнинг қатъий ва аниқ тартиби мавжуд. Қолаверса, банк захираларини ташкил этиш банкнинг

²⁰ A Dictionary of Finance and Banking (6 ed.) Oxford University Press. 2014. // Print ISBN-13: 9780199229741. - DOI: 10.1093/acref/9780199229741.001.0001

²¹ Dess, G., Lumpkin, T., & Eisner, B. (2010). Strategic Management: Creating Competitive Advantages. 5th ed. New York: McGraw-Hill Irwin; Rao, P.M. (2013). Sustaining Competitive Advantage in a High-Technology Environment: A Strategic Marketing Perspective. Advances in Competitiveness Research.; Sarker, A.E. (2013). The Secrets of success: the Grameen Bank experience in Bangladesh. Labour and Management in Development Journal. 2(1); 109-128.

²² У.Ортиқов. Тижорат банкларининг молиявий ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация автореферати. –Т.: 2023, БМА, 56 б

фойдасини камайтиради, бу эса банкнинг ресурслар билан боғлиқ имкониятларини пасайтиради.

Россиялик иқтисодчи олим профессор В.М.Усоскин “банк капиталига банкнинг молиявий ресурсларининг муҳим ва ажралмас таркибий қисми сифатида қарайди”²³. Дарҳақиқат, банк капитали банкнинг молиявий ресурслари ичида энг барқарори, энг биринчи шакллантириладиган маблағлари ҳисобланади. Шу жиҳатдан олимнинг фикрларига қўшилиш мумкин.

Банк ишига оид илмий изланишлари билан обрў қозонган таниқли иқтисодчи олим Жан Матук “банк капиталига унинг тўловга қобилигини таъминловчи бирламчи восита сифатида қарайди”²⁴. Мазкур фикр банк капиталининг муҳимлигини таъкидлайди, банк капиталининг ҳимоя функцияси жиҳатидан тўғри талқин этилган.

Проф. Г.Г.Коробованинг фикрича: “Депозитлар- тижорат банкларининг ресурсларини жалб қилишнинг асосий туридир”²⁵. Муаллиф банкнинг ресурслари орасида асосий бўлган депозитларга нисбатан фикр билдирган бўлиб, ривожланаётган мамлакатлар учун ўринли ҳисобланади. Чунки банкларда фонд бозори ёки капитал бозори етарлича ривожланмаган ҳолатларда ресурс жалб қилишнинг имкониятлари чекланган ва бунда депозит асосий ресурс сифатида майдонга чиқади. Фикримизча, депозитлар банклар учун доимо манфаатли ресурс бўлмаслиги мумкин, чунки депозитлар асосан аниқ муддатли бўлади ва уларга нисбатан фоиз тўланишини инобатга олсак, банк харажатларини оширади.

Проф. Г.Н.Белоглазованинг фикрига кўра: “Банк депозитлари бўш пул маблағларини жалб қилишнинг оддий шакли ҳисобланиб, маблағларнинг сақланиш муддатининг эгилувчанлиги, қайтариш шартлари, фоиз ҳисоблаш

²³ Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: Управление и операции. М.: «Вазар-Ферро», 1994. С. 92.

²⁴ Жан Матук. Финансовые системы Франции и других стран. Том I. Пер. с англ. – М.: «Финстатинформ», 1994. С. 25.

²⁵ Коробова Г.Г. Банковское дело. Москва. Экономистъ.2003.-с.213.

тартиби ва қайтарилиши билан фарқланади”²⁶. Олиманинг фикрига кўра, депозитлар банклар учун қулай бўлган ресурс жалб қилишнинг шакли бўлиб, унинг турларига алоҳида эътиборни қаратади.

Э.М.Родэ “депозитлар ўз ичига, жамғарма сертификатларидан ташқари – барча муддатли ва муддатсиз омонатларни олади”²⁷, даб таъкидлайди. Муаллифнинг фикрига кўра, банк депозитларига талаб қилиб олингунча, жамғарма ва муддатли депозитларни киритади. Депозит(жамғарма) сертификатлари эса депозит манба сифатида қаралмайди. Ривожланган давлатларда депозит сертификатлари қимматли қоғоз сифатида талқин этилади. Мамлакатимиз амалиётида депозит сертификатлари депозит сифатида қабул қилинсада, лекин уни амалга ошириш тартиби алоҳида низом билан тартибга солинади. Депозит сертификатларини амалда бўлиши “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 24 сентябрда 1859-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Банкларнинг депозит (омонат) сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисида”ги Низом асосида ташкил этилади”²⁸.

Проф. Г.С. Панованинг фикрига кўра, “тижорат банклари депозит базасининг етарлилигини таъминлаш учун трансакцион депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғининг 30 фоиздан ошишига йўл қўймаслик, депозитларнинг кредит операцияларига йўналтирилган қисмига нисбатан Германия банк амалиёти тажрибаларига таянган ҳолда лимитлар жорий қилиш лозим. Германияда муддатли депозитларнинг 60 фоизи, трансакцион депозитларнинг 10 фоизи кредит операцияларига йўналтирилади”²⁹. Муаллифнинг фикри асосан ривожланган давлатлар банк амалиёти учун ўринли ҳисобланади, унга банк ресурслари таркибида депозитларга нисбатан чекловлар ўрнатишни таклиф этади, ресурсларни жойлаштиришда эса актив операция турларига лимитлар ўрнатиш

²⁶ Белоглазова Г.Н.Банковское дело Организация деятельности коммерческого банка. Учебник. Москва. Высшее образование.2009.-с.141.

²⁷ Родэ Э.М. Банки,биржи, валюты современного капитализма.-М.: «ФиС», 1986. С.42

²⁸ <https://lex.uz/docs/1394598>

²⁹ Панова Г.С. Кредитная политика коммерческого банка. – М.: ИКЦ «ДИС», 1997. – С. 194.

лозимлигини таъкидлайди. Аммо унинг фикрларига тўлиқ қўшила олмаймиз, чунки ўтиш даври иқтисодиётидаги мамлакатларда ресурсларни жалб қилиш билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Агарда лимитлар ўрнатадиган бўлса, банкнинг молиявий ҳолати пасайиши мумкин, бу эса ресурсларни янада камайишига олиб келади.

Д.Полфреман ва Ф.Фордларнинг фикрига кўра, “тижорат банклари депозит базасининг етарлилиги ва барқарорлигини таъминлашда асосий эътибор йирик депозитларга қаратилиши лозим. Уларнинг фикрига кўра, миқдори 10 минг фунт стерлингдан кам бўлмаган ва икки йилгача муддатга қатъий белгиланган фоиз ставкаларида жалб қилинадиган муддатли депозитлар Англия тижорат банклари депозит базасининг барқарорлигини таъминлашда муҳим рол ўйнайди”³⁰. Депозитлар орасида энг барқарор бўлган депозитлар муддатли депозитлар эканлигини инобатга олсак, уларнинг фикрлари ўринли ҳисобланади.

Фикримизча, бунда олимларнинг депозитларнинг кафолатлаш тизимини назардан четда қолдирган, чунки чет эл амалиётида депозитларни кафолатлашнинг табақали тизими мавжуд. Мамлакатимиз банк амалиётида жисмоний шахсларнинг омонатлари тўлиқ кафолатланган 3 та давлатдан (Ўзбекистон, Беларус ва Туркменистон) бири бўлиб турибди, бошқа давлатларда эса омонатларни кафолатлашнинг максимал чегараси белгиланган. Ушбу амалиёт 2007 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини юмшатиш, банкларга бўлган ишончни ошириш, банк омонатчилари ўз маблағларини олиб кетилмаслигини олдини олиш ва банк ресурсларини барқарорлаштириш мақсадида қўлланилган. Унга кўра, аҳоли омонатлари суммаси, валютаси ва муддатида қатъий назар 100 фоиз, яъни тўлиқ Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган эди. Аммо, 2024 йилда “Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси томонидан “Банклардаги омонатларни ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни

³⁰ Полфреман Д. Форд Ф. Основы банковского дела. Пер. с англ. – М.: ИНФРА-М, 1996. – С. 110.

лойихаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди. Мазкур Қонун лойиҳаси Жаҳон банки экспертлари билан биргаликда илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартлар асосида бу борадаги қонунчиликни ҳозирги кун талабларига мувофиқлаштириш мақсадида ишлаб чиқилган”³¹. Унга кўра, кафолатланган омонат миқдориға нисбатан чекловлар ўрнатилади ва бу чекловнинг максимал суммаси 200 миллион сўмни ташкил этиши кўзда тутилган. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг банклардаги маблағларини кафолатлаш таклиф қилинган. Бундан кўриш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси банк амалиётида омонатларни кафолатлашнинг замонавий тизимиға ўтилмоқда ва ўйлаймизки, бу банкларнинг молиявий ресурсларини барқарорлигини таъминлашға ижобий таъсир қилади, уларнинг барқарорлигини таъминлашға хизмат қилади.

Проф. В.М. Усоскиннинг фикриға кўра, “трансакцион депозитлардан ресурс сифатида фойдаланиш тижорат банкларининг ликвидилигига жиддий зиён етказади. Шу сабабли, Гласс-Стиголл қонунига асосан 1933 йилда трансакцион депозитларға фоиз тўлашнинг таъқиқланиши оқилона тадбир ҳисобланади. Лекин муддатли ва жамғарма депозит ҳисобрақамларига тижорат банклари томонидан тўланадиган фоиз ставкаларининг юқори чегарасининг белгиланиши тижорат банкларининг депозит базасига салбий таъсир қилади”³². Муаллиф талаб қилиб олингунча депозитлардан узок муддатли банк актив операцияларига фойдаланиш банкнинг ликвидилигига салбий таъсир қилишини айтади, қўшимча равишда трансформация рискинни келтириб чиқаради. Мамлакатимиз банк амалиёти учун муҳим аҳамият касб этади, чунки аксарият банкларда транзакцион депозитларнинг улуши нисбатан юқори. Шунингдек, муддатли ва жамғарма депозитлар бўйича фоизларни максимал даражасини белгилаш бўйича чекловларға қарши чиқади, яъни банк депозит базасини мустаҳкамлигини пасайтиради. Фикримизча, олим депозитларнинг барқарорлиги бўйича, уларнинг фоиз

³¹ https://cbu.uz/oz/press_center/news/1836671/

³² Усоскин В.М. Современный коммерческий банк. – М.: ИПЦ «Вазар-Ферро», 1994. - С. 106-109.

ставкаси бўйича хулосаларини илгари суради, аммо депозитларнинг суммаси, муддат ва уларни кафолатлаш тизимини назардан четда қолдирган. Бизга маълумки, хориж амалиётида депозитларни суғурталаш ёки кафолатлашнинг максимал суммаси ёки табақалашган тизими мавжуд.

Америкалик иқтисодчилар Крис Дж. Барлтроп ва Диана МакНотоннинг фикрича, “банк капитали банк фаолиятида юзага келадиган турли хил кўзда тутилмаган ҳолатларнинг олдини олиш учун етарли резерв бўлиши билан бирга, ўзгарувчан шароитга мослашишда юзага келадиган тўловга қобилиятсизликни бартараф қилишда ёрдам беради ва банк капиталининг ҳажми ҳар бир мамлакатда банк тизими ҳамда унинг иқтисодининг ривожланишига қараб турлича бўлишини таъкидлашган. Шунингдек, банк капиталига «қимматли» манба сифатида ҳам таъриф берган»³³. Олимнинг банк капитали ҳақида фикрларига қўшилиш мумкин, чунки банк капиталига унинг функциялари ва хусусиятлари жиҳатидан ёндашган. Бизга маълумки, банк капиталининг асосий функцияларидан бири бу ҳимоя функцияси ҳисобланади ва банк фаолиятида юзага келадиган ҳар қандай салбий ҳолатларда “ҳимоя ёстиқчаси” вазифасини бажаради. Шунингдек, банк капитали ҳар қандай мажбурий тўловларга тобе бўлмаслиги керак ва узоқ муддатли бўлиши талаб этилади.

Фикримизча, муаллифнинг банк капиталини қимматли ресурс деган фикрлари бироз мунозарали ҳисобланади, чунки банк капитал ўз маблағлари бўлганлиги сабабли у арзон ресурс ҳисобланади.

Республикамиз иқтисодчи олимларидан Ш.З.Абдуллаева ва А.А.Омонов банк капиталининг иқтисодий мазмунига қуйидагича таъриф берган: «Тижорат банкларининг капитали барқарор манба бўлиб, банкнинг операцион жараёнида кутилмаганда юзага келадиган зарарларни қоплаш имконини берувчи ўзига хос ҳимоя воситасидир»³⁴. Банк иши бўйича етакчи

³³ Крис Дж. Барлтроп и Диана МакНотон. Банковские учреждения в развивающихся странах. Материалы ИЭР. Том II. Всемирный банк. Вашингтон, Д.С., 1992.С.101.

³⁴ Ш.Абдуллаева, Омонов А. Тижорат банклари капитали ва уни бошқариш.Т.: «Иқтисод - Молия»2006,10-бет

олимларимизнинг фикрларига кўра, банк капитали банкнинг турли зарарлардан сақлайдиган барқарор манбаси ҳисобланади, қолаверса, банк капиталининг барқарорлиги банкнинг молиявий барқарорлигини ҳам акс эттиради, унинг рейтингини оширишда ёки банк фаолияти самарадорлигини баҳолашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, банк молиявий барқарорлигини акс эттирувчи CAMELS рейтинг тизимининг ҳам биринчи ва энг асосий компоненти банк капитали ҳисобланади. Шу жиҳатдан муаллифларнинг фикрига қўшилиш мумкин. Бизнинг фикримизча, олимлар банк капиталининг таркибига етарлича эътибор қаратмаган, хусусан, иккинчи даражаси капитал таркибида субординар қарзлар гарчи капитал бўлсада, уларни барқарор деб айтиш қийин. Чунки субординар қарзлар аниқ муддатга чиқарилади ва уларнинг сўндирилиши натижасида банкнинг капитал базаси пасайиши мумкин.

В.Розенберг ва С.Ричардларнинг таъкидлашича, “банкларда молиявий бошқарувнинг мантиқий асоси қисқа ва узок муддатли фойдаланиш учун маблағларни жалб қилиш ва молиявий маблағлардан тўғри фойдаланишни кучайтиришдир”³⁵. Ушбу гуруҳ олимлари банкларда молиявий ресурслар барқарорлигини таъминлашда менежментни асосий восита сифатида таърифлашади, асосий эътиборни жалб қилинган ресурсларга қаратади.

Фикримизча, олимларнинг фикрларига қисман қўшилган ҳолда айтишимиз мумкинки, банкларда жалб қилинган ресурслар молиявий маблағларнинг мутлақ катта қисмини ташкил этиши табиий, лекин барқарорлик жиҳатидан банк капитали муҳим ҳисобланади. Чунки жалб қилинган маблағларни хоҳлаган пайтда маблағ эгалари олиб кетиши, ишлатиши ёки банкдан қайтариб олиш бўйича талаб қилиши мумкин.

Н.Мартен, О.Маргарет ва Д.Жареднинг фикрларига кўра, “бошқа ҳар қандай ташкилотлардаги сингари тижорат банкларида ҳам стратегия муваффақиятли амалга ошириш учун етарлича молиявий ресурсларга эга

³⁵ Rosenberg, V. and Richard, C. (2010). Measuring Results of Microfinance Institutions - minimum indicators that donors and investors should track - a technical guide, Consultative Group to Assist the Poor. Washington D.C.: The World Bank.

бўлиши талаб этилади. Тижорат банклари, агар ресурсларни самарали бошқариш стратегиясидан энг яхши фойда олишни ният қилсалар, банк томонидан ишлаб чиқилган доктринага сўзсиз амал қилишлари ва етарли ресурсларни ажратишлари керак”³⁶. Мазкур гуруҳ олимлар банкларнинг ресурс базасини мустаҳкамлашда банклар томонидан ишлаб чиқилган стратегияга сўзсиз амал қилиш, айниқса, режалаштирилган молиявий ресурсларни ажратиш муҳим эканлигини таъкидлайди. Дарҳақиқат, молиявий ресурсларни бошқариш стратегияси барча омилларни ва жараёнларни боғлиқликда ишлаб чиқади ва улардан хоҳлаган биттаси ўз вақтида ўз вазифасини бажармаса стратегия барбод бўлади. Бунда молиявий ресурсларнинг етарлилиги ва барқарорлиги муҳим ўрин тутди, уларнинг манбаси ва муддати аниқ таҳлил этилиши лозим.

Фикримизча, олимлар стратегияни ишлаб чиқишда молиявий ресурсларга бўлган талабни ўрганиш орқали уларни молиялаштиришнинг реал ҳолатини аниқлаш лозимлигини назарда четда қолдиришган.

Г.Иватури ва Л.Тимоти ҳам юқоридаги муаллифларнинг фикрларига қўшилади ва уларнинг маълумотларига кўра, “банк фаолиятининг прогноз қилинган натижаларга эриша олмаганлигининг асосий сабаби сифатида етарли даражада молиявий ресурслар билан таъминланмаганлиги, ресурсларни жалб қилиш ва бошқариш тизимининг самарали йўлга қўйилмаганлигини келтириб ўтади”³⁷. Дарҳақиқат, режа қанчалик пухта тузилган бўлмасин, маркетинг орқали бозорни чуқур ўрганган бўлмасин, етарлича маблағ билан таъминламаса, банк прогноз қилинган ёки кўзланган натижага эриша олмайди.

Р.Клингбиел ва К.Раммер Буюк Британиядаги банкларнинг молиявий ресурслари ва инновацион самарадорлиги ўртасидаги боғлиқлик бўйича тадқиқот олиб боришган. Уларнинг хулосасига кўра, “тижорат банкларининг

³⁶ Martin N. Mbugua, Margaret Oloko, Jared Deya. (2022) Financial Resources as a Strategic Driver on Performance of Agency Banking in Commercial Banks in Kenya. International Journal of Innovative Technologies in Social Science. 4(36). doi: 10.31435/rsglobal_ijitss/30122022/7888

³⁷ Ivatury, G. & Timothy, L. (2006). Use of Agents in Branchless Banking for the Poor: Rewards, Risks, and Regulation. Washington D.C: Prentice Hall.

инновационлиги ва самарадорлиги учун молиявий ресурсларни тақсимлаш ролини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Шу муносабат билан, ресурсларни тақсимлаш ташкилот(банк)ларнинг инновационлиги билан муҳим боғлиқликка эгадир”³⁸. Шунингдек, уларнинг тадқиқотларида банкларда инновацион фаолиятни оширишга таъсир этувчи омилларнинг энг асосийси молиявий ресурсларни тўғри тақсимлаш эканлигини аниқлаганлар.

Ф.Холмаматов тижорат банклари молиявий ресурсларини шакллантиришда банк капиталини бирламчи деб ҳисоблайди ва уни барқарор манба сифатида таърифлайди.³⁹ Дарҳақиқат, банкларнинг капитали энг асосий ва барқарор манба бўлиб, банк фаолиятини ташкил этишда асос ҳисобланади.

С.Ходиев ўз илмий ишларида ресурсларни шакллантиришда депозит операцияларини муҳим деб ҳисоблайди, яъни “депозит фаолиятининг комплекс дастури бўлиб, тижорат банки томонидан амалга оширилаётган депозит операцияларининг меъёрий, ташкилий ва технологик масалаларини қамраб олади”⁴⁰ деган хулосага келган.

И.Жураев молиявий ресурсларни шакллантиришда трансформация рискига алоҳида урғу беради: “тижорат банклари депозит базаси уларнинг riskли активлари билан бевосита боғлиқликда бўлиб, ушбу боғлиқликни, яъни мувозанатни бузилиши трансформацион riskни вужудга келтиради. Шу боис, банкларнинг узок муддатли кредитлари ва муддатли депозитлари ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш орқали банклардаги трансформация riskи билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш мумкин”⁴¹. Фикримизча, унинг фикрлари бугунги кунда муҳим ҳисобланади, чунки банк амалиётида молиявий ресурсларни жалб қилиш ва уларни жойлаштириш билан боғлиқ қатор муаммолар мавжудлиги амалиётдан маълум.

³⁸ Klingebiel, R. and Rammer, C., 2014. Resource allocation strategy for innovation portfolio management. Strategic management journal, 35(2), pp.246-268.

³⁹ Холмаматов Ф.К. Банк тизими барқарорлигига банк капиталининг таъсири таҳлили // «Агроиктисодиёт» журнали, №2, 2023. – Б. 144-147 (08.00.00; № 15).

⁴⁰ Ходиев С.М. “Совершенствование депозитной политики коммерческих банков в условиях либерализации экономики”. автореферат дис. ... канд. экон. наук. 08.00.07– Ташкент, 2010. – 19 стр.

⁴¹ Жураев И.И. Ўзбекистон республикаси тижорат банклари депозит базасини мустаҳкамлаш. иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 26 б.

А.М.Раҳимов “тижорат банклари фаолиятини тўлиқ ўз маблағлари ҳисобига эмас, балки жалб қилинган маблағлар ҳисобига ташкил қилади”⁴², дея таъкидлайди. Муаллифнинг фикрларига қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, жаҳон амалиётида жалб қилинган маблағларнинг улуши 80-85 фоизни ташкил этади.

Ж.Обиджонов ва У.Азизовларнинг илмий тадқиқотларида “молиявий ресурслар, кредит ресурслари, молиявий механизмлар ва улардан самарали фойдаланишга қаратилган кўплаб масалалар кўтарилган бўлсада, уларда банк ресурсларини бошқариш масалаларини комплекс ўрганиш четлаб ўтилган”⁴³.

Х.Фадераи давлат банклари фаолиятига етарли молиявий ресурсларни тақсимлаш таъсири бўйича тадқиқот ўтказган, тадқиқот давлат молиявий ташкилотлари фаолиятини яхшилаш учун самарали молиявий ресурсларни тақсимлаш қобилиятини аниқлашга қаратилган. Унга кўра, “давлат банклари томонидан лойиҳаларнинг аксариятига кам эътибор берилганлиги ва мониторингнинг яхши олиб борилмаганлигини аниқлади, бу эса баъзи шахсларга лойиҳаларга ажратилган ресурсларни ўзлаштириш имкониятини берди ва бу уларнинг қулашига олиб келди. Унинг таъкидлашича, банкларда молиявий ресурсларни тақсимлаш ташкилий лойиҳаларнинг муваффақияти ва банкнинг узоқ муддатда ишлашини таъминлашнинг муҳим жиҳати, деган хулосага келди”⁴⁴. Олимнинг фикрлари банк тизимида давлат улуши юқори бўлган банк тизими учун жуда муҳим саналади, чунки давлат маблағларидан самарали фойдаланиш ҳар доим асосий масала бўлиб қолаверган. Унинг фикрлари мамлакатимиз банк амалиёти учун муҳим аҳамият касб этади, чунки 2024 йил 1 январь ҳолатига кўра, мамлакат банк тизими активларининг 68 фоизи, кредитларнинг 71 фоизи, банк капиталининг 65 фоизи ва депозитларнинг 51 фоизи айнан давлат улуши мавжуд банклар ҳиссасига

⁴² А.М.Раҳимов. Тижорат банклари депозит базаси ва уни кенгайтириш йўллари. Иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. 08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит. Тошкент 2019 йил. 23-бет.

⁴³ Обиджонов Ж., Азизов У. Молиялаштиришни такомиллаштириш йўлида //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2000. -№4. –Б.12-14.

⁴⁴ Faderai, H. (2016). The impacts of adequate financial resource allocation on performance of government owned firms in Ghana. Journal of strategic management and finance, 12(4); 109-134.

тўғри келмоқда. Қолаверса, муаммоли кредитларнинг ҳам аксарияти давлат банкларида жамланган. Хусусан, 2024 йил бошида Ўзмилийбанк 3098 млрд сўм, Агробанк 2071 млрд сўм, Бизнесни ривожлантириш банки 1935 млрд сўм, Халқ банки 1855 млрд сўм ва Асакабанк 1731 млрд сўмни ташкил этган⁴⁵. Банкларда ресурслардан самарали фойдаланишни мониторинг қилиш талаб даражасида бўлмаслиги уларни талон-торож қилишга имкон беради.

Ҳар қандай иқтисодий муносабатлар субъектлари, шу жумладан тижорат банклари ўзларининг фаолиятини амалга ошириш ва таъминлаш учун ресурсларга муҳтож сезади.

Фаолиятни амалга оширишда банк иккита асосий турдаги операцияларни амалга оширади: пассив ва актив. Пассив операциялар ўз ва қарз маблағларини жалб қилиш билан боғлиқ, бошқача айтганда, пассив операциялар кредит ташкилотларининг ресурс базасини шакллантиришга қаратилган. Ўз навбатида, актив операциялар даромад олиш учун ушбу маблағларни жойлаштиришни ифодалайди.

Юқоридаги тадқиқотлар натижасида банкларнинг молиявий ресурсларига қуйидаги муаллифлик таърифини шакллантирдик: тижорат банкларининг молиявий ресурслари - бу уларнинг ихтиёридаги маблағлар йиғиндиси бўлиб, банк балансининг пассив қисмида акс эттириладиган ва улардан актив операцияларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган пул маблағларидир.

Шаклланиш манбаларига кўра банк ресурслари ўзининг иқтисодий хусусиятига кўра бир-биридан фарқ қилувчи иккита асосий гуруҳга бўлинади: ўз маблағлари ва қарз маблағлари.

Ўз маблағлари - кредит ташкилоти ташкил этилиши даврида унинг акциядорларидан (иштирокчиларидан) олинган ва унинг фаолияти жараёнида шаклланадиган маблағлар. Бу фондларга устав капитали, захира фонди, тақсимланмаган фойда, фойдадан шаклланадиган турли фондлар киради.

⁴⁵ <https://cbu.uz/oz/statistics/bankstats/1569331/>

Жалб қилинган маблағлар маълум бир давр учун ёки талаб пайдо бўлгунга қадар тўпланган миқдорлар маблағларини ўз ичига олади. Буларга ҳар хил турдаги банк миқдорлари (юридик ва жисмоний шахслар) ҳисобварақларидаги маблағлар, депозитларга жалб қилинган маблағлар, ҳисоб-китоблардаги маблағлар, қарз мажбуриятларини чиқариш (облигациялар, векселлар, депозит ва жамғарма сертификатлари) ҳисобидан тўпланган ресурслар киради. Жалб қилинган маблағларга кредит ташкилотларидан маълум муддатга олинган ресурслар ҳам киради. Иккинчиси баъзан қарз маблағлари сифатида белгиланади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкин, банкларнинг молиявий ресурслари, уларни самарали бошқариш, молиявий ресурсларни барқарорлигини таъминлаш борасида хорижлик ва маҳаллий иқтисодчи-олимлар қатор илмий тадқиқотлар олиб боришган ва мавзу долзарб бўлганлиги боис тадқиқотлар ҳануз олиб борилмоқда. Банкларнинг молиявий ресурслари асосан ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлардан иборат бўлиб, ўз маблағларининг ҳажмини кўплиги банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлайди. Қолаверса, банкнинг ўз маблағлари арзон ресурс сифатида юқори рискли банк актив операцияларига ишлатилиши мумкин, ўз маблағларининг барқарорлиги эса банкнинг умумий молиявий барқарорлигига ижобий таъсир этади. Жалб қилинган маблағлар маълум муддатга ёки муддатсиз жалб қилиниши мумкин, аммо улар харажатлар билан боғлиқ бўлганлиги боис самарали бошқарилмаса, банкнинг молиявий ҳолатини пасайтириши мумкин.

Банкларнинг молиявий ресурслар базаси мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида мамлакат банк тизими регулятори маблағларнинг етарлилигига ва уларнинг сифатига нисбатан иқтисодий меъёрлар ўрнатади ва аксарият ҳолларда ушбу меъёрлар мажбурий характерга эга бўлади.

1.2. Тижорат банклари молиявий ресурсларини ташкил этишнинг иқтисодий-ҳуқуқий асослари

Ўз капитали кредит ташкилотлари фаолиятининг энг муҳим асосидир. Кредит ташкилотини яратишда ўз капитали хўжалик ва молиявий фаолиятни

молиялаштириш манбаи ҳисобланади. Келажақда у кредит ташкилотининг ривожланишини таъминлайди ва қабул қилинган рискларни қоплаш манбаи сифатида ишлайди. Кредит ташкилотларининг ўз капитали биргалиқда банк секторининг барқарорлигини, шунингдек, унинг ривожланишини таъминлайди.

Кредит ташкилотининг ўз капитали - бу кредит ташкилотини ташкил этиш жараёнида шаклланган ва кейинчалик ички (фойда, мулкни қайта баҳолаш ва бошқалар) ва ташқи манбалар (қўшимча акциялар чиқариш, субординацияланган қарзларни жалб қилиш) ҳисобидан тўлдириладиган капитал. Ўз капитали, қоида тариқасида, муддатсиз кредит ташкилотининг ихтиёрида бўлади.

Ўз капиталининг асосий функциялари одатда ҳимоя, операцион ва тартибга солиш функциялари билан ажралиб туради.

Ҳимоя функцияси кредит ташкилоти томонидан тижорат мақсадларида фойдаланиладиган ресурсларнинг асосий манбаи жалб қилинган маблағлар, яъни депозиторлар: жисмоний ва юридик шахсларнинг маблағлари, шунингдек қимматли қоғозлар бозорида сафарбар этилган ресурслар эканлиги билан боғлиқ, ҳисоб-китобларда маблағлар. Кредит ташкилотининг молиявий муаммолари юзага келган тақдирда кредиторларнинг манфаатларига риоя қилиш керак. Бундай ҳимоя манбаи айнан банкнинг ўз капитали ҳисобланади: Аввало, ўз капитали ҳисобидан кредит ташкилотининг йўқотишлари қопланади. Умуман олганда, банк секторига келсак, кредит ташкилотларининг ўз капитали унинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини таъминлайди.

Ўз капиталининг операцион функцияси унинг кредит ташкилотининг асосий воситаларини, шунингдек, бошқа узоқ муддатли инвестициялар, масалан, шўба ва боғлиқ корхоналарда иштирок этиш манбаи бўлиб хизмат қилиши билан боғлиқ. Капиталнинг операцион функцияси кредит муассасаси фаолиятининг дастлабки босқичларида энг аниқ намоён бўлади, аммо келажақда бу функция ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Капиталнинг тартибга солиш функцияси шундан иборатки, банклар капитали микро ва макро даражада банк сектори ва унинг кредит фаолиятини барқарорлигини таъминлайди. Кредит ташкилотларининг ўз капиталининг этарлилиги ва сифатини тартибга солиш орқали банк сектори активларига таъсир уларнинг тузилиши ва қабул қилинган таваккалчилик даражаси нуктаи назаридан амалга оширилади. Норматив амалиётга мувофиқ, кредит ташкилотларининг ўз капиталининг энг кам миқдори, унинг тузилиши ва таваккалчиликларни қоплаш учун этарлилиги бўйича талаблар белгиланади.

Тарихан кредит муассасасининг ўз капиталини талқин қилишда турлича ёндашувлар мавжуд бўлган.

1. Банк тизими регулятори (марказий банк) томонидан белгиланган талаблар асосида ҳисобланган тартибга солувчи капитал тушунчаси мавжуд. Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 6 июлда 2693-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида»⁴⁶ги низоми билан белгиланади.

2. Аналитик мақсадлар учун капитал баъзан кредит ташкилотларининг активлари ва пасивлари ўртасидаги фарқ сифатида баланс қиймати асосида аниқланади. Шу билан бирга, индикаторни ҳисоблашнинг ягона методологияси ўрнатилмаган.

3. Ўз капитали актив ва пасивларнинг бозор қийматидан келиб чиқиб ҳисобланган ёндашув мавжуд. Бундай ҳолда, активлар ва мажбуриятларнинг қиймати молиявий воситаларнинг бозор (адолатли) қиймати ва кредит ташкилотининг бошқа баланс позициялари асосида бошқарув ҳисоби маълумотлари бўйича аниқланади. Ушбу ёндашув кўп вақт талаб қилади, дастурий таъминотни талаб қилади, бозор қиймати бўлмаган ва тегишли баҳолаш моделлари қўлланиладиган баъзи позициялар учун у жуда субъектив бўлиши мумкин. Бироқ, умуман олганда, у кредит ташкилотининг ўз капиталининг ҳақиқий ҳажмини аниқроқ акс эттиради.

⁴⁶ <https://lex.uz/docs/2699536>

Шу билан бирга, банк секторига нисбатан ўз капитали тушунчаси, биринчи навбатда, тартибга солувчи аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш лозим. Шундай қилиб, ҳозирги вақтда ўз капитали нафақат кредит ташкилотларининг ўз маблағлари йиғиндисини, балки белгиланган талабларга жавоб берадиган гибрид воситаларни ҳам ўз ичига олади.

Кредит ташкилотларининг ўз капиталини шакллантиришнинг асосий манбалари қуйидагилардир: устав капитали (оддий ва имтиёзли акциялари), қўшилган капитал, захира капитали (умумий захира фонди, девальвация учун захира, бошқа захира фондлари) ва тақсимланмаган фойда.

Устав капитали тижорат банкларини шакллантириш ва кейинги фаолияти учун асос бўлиб, унинг энг кам миқдори қонун билан белгиланади. “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 ноябрда қабул қилинган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ-580-сон Қонуни 13-моддасига асосан, банк устав капиталининг энг кам миқдори 2023 йил 1 сентябрга қадар юз миллиард сўмни, 2023 йил 1 сентябрдан эътиборан икки юз миллиард сўмни, 2024 йил 1 апрелдан эътиборан уч юз эллик миллиард сўмни ва 2025 йил 1 январдан эътиборан беш юз миллиард сўмни ташкил этиши керак”⁴⁷.

Банк капиталининг таркиби, унга қўйиладиган минимал талаблар, тегишли ҳолатларда қўшимча талаблар ва меъёрлар ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб ўрнатилади. Бунда Банк назорати бўйича халқаро Базель қўмитасининг ҳужжатлари асос сифатида олинсада, лекин у мажбурий характерга эга эмас. Банк капиталининг таркиби, унга ўрнатиладиган талабларни мамлакат банк тизими регуляторлари ўзгартириши, яъни ошириши ёки пасайтириш мумкин. Банк капиталининг таркиби, унинг етарлилигига қўйилган минимал талаблар базель қўмитасининг барча ҳужжатларида, хусусан, Базель I, Базель II ва Базель III талабларида акс этган. Мазкур ҳолат банк капиталининг молиявий ресурслари ичида нақадар муҳим эканлигидан далолат беради.

⁴⁷ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.11.2019 й., 03/19/580/3994-сон; 21.09.2024 й., 03/24/964/0736-сон

Ўзбекистон Республикаси банк тизими қонунчилиги ҳам ушбу қўмита ҳужжатларига асосланиб ишлаб чиқилган бўлиб, мамлакат банк тизимининг ҳолатидан келиб чиққан ҳолда қисман ўзгартиришлар китирилган.

«Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида»⁴⁸ги низомига асосан банк регулятив капитали таркиби 2 та асосий қисмдан иборат эканлиги келтирилган: биринчи даражали капитал ва иккинчи даражали капитал.

Регулятив капитал таркибига барқарор бўлмаган, рисқи юқори бўлган ва носоғлом банк муҳитини шаклланишига олиб келадиган капитал элементлари киритилиши мумкин эмас, чунки банк капитали энг барқарор ресурс ҳисобланади. Банк капиталининг таркибида бўлган биринчи даражали капитал амжи регулятив капиталнинг камида 75 фоизини ташкил этиши лозим этиб белгиланган. Бунинг асосий сабаби эса, банк тизимида бўладиган ҳар қандай салбий оқибатларга, молиявий инқироз шароитида юзага келадиган йўқотишларга банкларнинг таъсир жавоби ижобий бўлиши учун ва молиявий барқарорлигини сақлаб қолиши учун асос бўлиши ҳисобланади. Биринчи даражали капитал таркибини янада аниқлаштириш учун у ҳам ўз навбатида 2 та қисмга ажратилган, яъни биринчи даражали асосий капитал ва биринчи даражали қўшимча капитал (1.1-расм).

⁴⁸ <https://lex.uz/docs/2699536>



1.1-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари капитали таркиби⁴⁹

Банкларда оддий акцияларнинг ўрни, аҳамияти ва ресурсларни шакллантиришдаги муҳимлигини инобатга олган ҳолда, биринчи даражали капитал таркибида унга нисбатан устунлик берилган ва биринчи даражали асосий капиталнинг улуши банк регулятив капиталининг 60 фоизидан кам бўлмаслик талаби қўйилган.

Биринчи даражали асосий капитал энг барқарор манбалардан ташкил топиши кўзда тутилган бўлиб, у оддий акцияларнинг тўлиқ тўланган қисми, оддий акциялар бўйича қўшилган капитал, ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси, озчилик улуш эгаларининг банк йиғма балансига бирлашадиган корхоналардаги улушлари ҳамда девальвация захирасидан иборат бўлади.

Ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойда кўрсаткичи ўз капиталининг асосий элементларидан бири ҳисобланади, чунки у банкнинг барча харажатларидан кейин ихтиёрида қолган сумма ҳисобланади.

Биринчи даражали қўшимча капитал эса тўлиқ тўланган нокумулятив имтиёзли акциялар ва улар бўйича қўшилган капитал, шўъба корхоналари

⁴⁹ Муаллиф ишланмаси

томонидан чиқарилган ва учинчи шахслар ихтиёрида бўлган капиталга тенглаштирилган воситалардан иборат.

Банкнинг иккинчи даражали капитали таркиби биринчи даражали капиталга нисбатан нобарқарор элементлардан иборат бўлиб, уларнинг баҳоси тезда ўзгариши ёки пасайиши ҳисобига банк капитали миқдори кескин тушиб кетиш хавфи мавжуд. Ушбу элементларга жорий йилнинг соф фойдаси (йил тугамаганлиги учун сўнгги молиявий натижа дея олмаймиз), стандарт активларга нисбатан яратилган захираларнинг 1,25 фоизидан ошмайдиган қисми (бу ҳам 1,25 фоиз миқдоирда чекланган, чунки банк активлари сифати доимо ўзгарувчан бўлади), аралаш турдаги мажбуриятлар (бу асосан акциядорлик ва қарз капитали хусусиятига эга бўлган воситалардан иборат бўлади), субординар қарз ва активларнинг баҳолаш қийматининг 45 фоизидан ошмаган миқдори.

Субординар қарз - жалб қилинган маблағларнинг алоҳида тури бўлиб, у анча барқарор ресурс ҳисобланади. Ушбу капитал элементи қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

субординар қарз юридик шахслардан жалб қилинган бўлиши лозим;

у гаров таъминотига эга бўлмаслиги керак;

банк тугатилаётганда охиригилардан бўлиб сўндирилиши лозим;

камида беш йил муддатга чиқарилган бўлиши керак;

банкнинг депозиторлари ва кредиторлари талабларига тенглаштирилмаган бўлиши керак;

муддатидан олдин сўндирилганда Марказий банкнинг рухсатини олиш талаб этилади.

Банкларнинг ўз капитали иқтисодий мустақилликни, молиявий барқарорликни таъминлайди, шунингдек, уларининг ривожланиш имкониятларини белгилайди.

Банклар ва бошқа кредит ташкилотларининг молиявий барқарорлигини таъминлашда ўз капиталининг қиймати ушбу молия институтларининг йўқотишлари айнан капитал ҳисобига қопланиши лозимлиги билан

белгиланади. Кўзда тутилмаган йўқотишларни қоплаш учун етарли бўлган капиталнинг мавжудлиги кредит ташкилотларига ноқулай вазиятда тўлов қобилиятини сақлаб қолиш, омонатчилар ва бошқа кредиторлар олдидаги мажбуриятларини бажариш имконини беради.

Етарли даражада капиталнинг мавжудлиги банкларга кредит, инвестиция фаолиятини ривожлантиришга ва бошқа актив операцияларни кенгайтиришга имкон беради.

Банк капиталининг етарлилигини аниқлаш муаммоси халқаро ташкилотлар, назорат органлари ва банкирларнинг ўзлари томонидан доимо диққат марказида туради. Кредит ташкилотлари учун ўз капиталининг минимал даражаси афзалроқдир, чунки бу ҳолда қарз маблағларини максимал даражада жалб қилиш ва шунга мос равишда фаолият самарадорлигини таъминлаш мумкин. Шунинг учун назорат қилувчи органлар барқарорликни таъминлайдиган ва банкротликнинг олдини оладиган капитал мавжудлигини талаб қилади ва уларга нисбатан минимал талабларни белгилайди.

Бугунги кунда жаҳондаги молиявий ҳолатнинг тез ўзгариши шароитида банк капитал етарлилигининг мақбул даражасини аниқлаш ниҳоятда мушкул жараён ҳисобланади. Замонавий рискларни бошқаришнинг асоси кредит ташкилотларининг ўз капитали кутилмаган йўқотишларни қоплаш учун етарли бўлиши кераклигидадир. Кутилаётган йўқотишлар - кредит ташкилоти томонидан оддий фаолият жараёнида ҳисобланган ва қабул қилинган ва жорий молиявий натижа ёки шаклланган захиралар билан қопланадиган йўқотишлар.

Банк капиталининг нафақат миқдори ёки ҳажми, балки унинг тузилиши, таркиби, барқарорлиги, муддати ва манбалари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банк капиталини ҳисоблаш ва унинг етарлилигига минимал талабларни ўрнатган. Бунда регулятив капиталнинг улуши рискка тортилган активларнинг умумий суммасининг 13 фоизидан кам бўлмаслиги лозим. Ушбу коэффициент K1 қуйидаги тарзда ҳисобланади:

$$K1 = PK / TAUC \quad (1)$$

Бунда, РК-регулятив капитал миқдори;

ТАУС-таваккалчиликка асосланган активларнинг умумий суммаси.

Кейинги коэффициент эса I даражали капиталнинг етарлилик (монандлик) коэффициенти бўлиб, у қуйидагича топилади, яъни

$$K2 = I \text{ даражали капитал} / \text{ТАУС} \quad (2)$$

Ушбу кўрсаткичнинг минимал даражаси 10 фоиздан кам бўлмаслиги талаб этилади.

Кейинги капитал етарлилик кўрсаткичи бу I даражали асосий капиталнинг етарлилиги коэффициенти ҳисобланади. Ушбу коэффициент биринчи даражали асосий капитални рискка тортилган активларнинг умумий суммасига бўлиш орқали аниқланади.

$$K3 = I \text{ даражали асосий капитал} / \text{ТАУС} \quad (3)$$

Бу кўрсаткичнинг минимал даражаси 8 фоиздан иборат бўлиб, биринчи даражали асосий капитал рискка тортилган активларнинг 8 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Шунингдек, левераж коэффициенти сўнги капиталга қўйилган талаб ҳисобланади ва унинг рухсат берилган минимал даражаси 6 фоиз бўлиши керак.

$$K4 = I \text{ даражали капитал} / (\text{Умумий активлар} + \text{балансдан ташқари ва ҳосилавий воситалар} — \text{ноиоддий активлар ва тегишли инвестициялар}) \quad (4)$$

Левераж коэффициентининг энг кичик даражаси 0,06 (6 фоиз)га тенг.

Тижорат банкларининг молиявий ресурслари таркибида асосий ўринни тутувчи ресурслар бу банк депозитлари ҳисобланади. Банклар, асосан, жалб қилинган ресурслар ҳисобидан фаолиятини олиб боради.

Тижорат банклари фаолиятини назорат қилишда, банкларнинг ресурс базаси етарлилигини ҳисоблашда, уларга нисбатан меъёрлар ўрнатишда Базель қўмитаси ва ҳужжатлари муҳим ўрин эгаллайди.

Базель қўмитаси томонидан банк назоратини ташкил қилиш бўйича бир қатор тавсия ва талаблар ишлаб чиқилган бўлиб, бугунги кунда жаҳоннинг

қарийб 120 та давлатларининг банк назорати органлари томонидан қабул қилинган ҳамда қўлланиб келинмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида, бир неча мамлакатлар расмий капитал талабларини жорий қилишди. Ушбу ривожланиш маълум бир мамлакатлар (масалан, АҚШ ва Буюк Британия 1981 йилда) томонидан минимум капитал талабларини тасдиқлаш орқали илгари сурилган бўлсада, 1988 йилдаги Базель Келишувининг жорий этилиши умумий минимум капитал талабларининг Катта-10лик мамлакатлари томонидан, кейинчалик эса жаҳон миқёсида 100 га яқин мамлакатлар томонидан қабул қилинишига олиб келди.

Ушбу структура қуйидагиларни кўзлаган эди:

1. Регулятив капиталнинг банк ташкилотлари орасидаги риск профиллари номутаносибликларига сезгирлигини ошириш;
2. Балансдан ташқари эҳтимолий рискларни капитал етарлилигини баҳолашда изчил ҳисобга олиш;
3. Ликвид маблағлар, паст riskли активларни сақлашдаги тўсиқларни камайтириш.

Базель I стандартига асосан банк капитали таркиби I даражали капитал ҳамда II даражали капиталга бўлинган бўлиб, уларнинг ҳар бири қуйидагича эътироф этилган⁵⁰.

I даражали капитал таркиби:

- Акционерлик капиталининг тўланган қисми, яъни оддий акциялар ҳамда нокумулятив имтиёзли акциялар;
- Қўшимча капитал.

II даражали капитал таркиби:

- Жорий йил соф фойдаси;
- Активларни қайта баҳолаш захираси;
- Умумий захира;
- Гибрид (қарз/улуш) капитал инструментлари;

⁵⁰ "International convergence of capital measurement and capital standards" (Bazel, iyul 1988-yil.) 17-bet.

- Субординар қарзлар.

Капитал таркибига қўйилган талаблар ушбу стандартга биноан қуйидагича чеклашлар мавжуд:

1. II даражали капиталнинг умумий миқдори I даражали капиталнинг 100 фоизидан ошиб кетиши мумкин эмас;

2. Субординар қарзларнинг жами миқдори I даражалали капиталнинг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим;

3. Умумий захира паст қийматдаги активларни ўз ичига олса ёки балансдаги яширин бўлган зарарлар мавжудлиги ҳолатида умумий захиранинг миқдори рискли активларнинг 1,25 фоизидан, истисноли ҳолатларда эса 2,0 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим;

4. Активларни қайта баҳолаш захираси олинмаган даромадлар сифатида шакллангани учун 50 фоизли дисконт билан қабул қилинади.

Капитал таркибидан чиқариб ташланадиган моддалар:

➤ I даражали капитал таркибидан гудвил олиб ташланади;

➤ Жами капитал таркибидан консолидаллашмаган молиявий институтларга қилинган инвестициялар ҳамда бошқа банкларга ва молия ташкилотларининг капиталига қилинган инвестициялар чегириб ташланади.

Активларнинг рисклилиқ даражаси қуйидагича: 0%, 10%, 20%, 50%, 100%.

Балансдан ташқари инструментлар ва кредитни қайта ҳисоблаш
коэффициентлари:

1. Тўғридан тўғри кредит таъминоти вазифасини ўтовчи инструментлар, масалан қарздорликни ифодаловчи гаровлар – 100%;

2. Маълум транзакциялар билан боғлиқ шартли моддалар, масалан мажбуриятни тўлиқ бажарувчи кафолатлар, таклиф кафолати, маълум бир транзакциялар билан боғлиқ резерв аккредитивлари – 50%;

3. Қисқа муддатли, ўз-ўзини қопловчи, савдо билан боғлиқ шартли ҳолатлар: товарлар партияси билан таъминланган товар аккредитиви кабилар – 20%;

4. Сотиш ҳамда қайта сотиб олиш келишувлари, шунингдек банк ўзида кредит рискни сақлаганлигини ифодаловчи регресс ҳуқуқили активлар – 100%;

5. Форвард актив харидлари, форвард-форвард-депозитлари ҳамда қисман тўланган қимматли қоғозлар, яъни маълум бир сафларни тақозо этувчи моддалар – 100% ;

6. Евроноталарни чиқариш дастури ҳамда револьвер андеррайтинг дастури – 50%;

7. Муддати бир йилдан ортиқ бўлган мажбуриятларнинг фойдаланилмаган қисми (масалан, кредит линиялари, резерв кредитлари бўйича) – 50%

8. Муддати бир йилгача бўлган ёки ихтиёрий пайтда сўндирилиши мумкин бўлган мажбуриятларнинг фойдаланилмаган қисми – 0%

Ҳосилавий қимматли-қоғозларни алмашинув коэффициентларини ҳисоблаш-нинг икки усули мавжуд(1.1-жадвал):

1. Жорий рискка мойиллик (бозор нархига асосан ҳисоблаш усули)

1.1-жадвал

Ҳосилавий қимматли-қоғозларнинг алмашинув коэффициентлари (1-усул)⁵¹

Тўловлар/сўндириш муддати (қолган қисми)	Шартноманинг фоиз ставкасига асосан	Шартноманинг алмашинув курсига асосан
Бир йил гача	Йўқ	1,0%
Бир йил ва ундан ортиқ	0,5%	5,0%

Бошланғич рискка мойиллик (дастлабки қийматга асосан ҳисоблаш усули).

⁵¹ "International convergence of capital measurement and capital standards" (Bazel, iyul 1988-yil), 25-bet.

Ҳосилавий қимматли-қоғозларни алмашинув коэффициентларини ҳисоблашнинг иккинчи усули инструментларнинг бозор қийматини ҳисобга олмайди.

2-усулда шартноманинг фоиз ставкасига нисбатан сўндириш муддати қилиб ушбу муддатнинг қолган қисми ёки тўлиқ олинishi ихтиёрий(1.2-жадвал). Аммо, шартноманинг алмашинув курсига нисбатан сўндириш муддати қилиб қимматли-қоғоз сўндирилишининг тўлиқ муддати олинishi лозим.

К-10 мамлакатлари банклари борасидаги маълумотларга биноан Базель Келишувининг жорий қилиниши капиталнинг рискка тортилган активлардаги ўртача нисбати К-10 лик мамлакатларида 1988 йилги 9,3%дан 1996 йилда 11,2% га ошган.

1.2-жадвал

Ҳосилавий қимматли-қоғозларнинг алмашинув коэффициентлари (2-усул)⁵²

Тўловлар/сўндириш муддати (<i>тўлиқ</i>)	Шартноманинг фоиз ставкасига асосан	Шартноманинг алмашинув курсига асосан
Бир йилдан кам	0,5 %	2,0%
Бир йилдан — икки йилгача	1,0%	5,0% (масалан, 2 % + 3 %)
Ҳар бир қўшилган йил учун	1,0%	3,0%

Базель Қўмитаси 2004 йилнинг июнь ойида «Капитал миқдорини аниқлаш ва капитал стандартининг халқаро конвергенцияси: янги ёндашувлар» номи билан ҳужжатни нашр қилди. Бу ўз навбатида, Базель II номини олди.

Базель II стандартига кўра банк жами капитали етарлилиги 8 фоиз, унинг II даражали капитали I даражали капиталининг 100 фоизидан ошмаслиги лозим. Умумий резерв ҳамда гудвилдан ташқари Базель I стандартида

⁵² "International convergence of capital measurement and capital standards" (Bazel, iyul 1988-yil), 25-bet.

келтирилган капитал етарлилигига оид талаблар Базель II стандартида ўзгаришсиз қолдирилган.

Ушбу ҳужжатга кўра инновацион инструментлар I даражали капиталнинг 15%идан ошиб кетмаслиги лозим, яъни 17,65% ($15\%/85\%=17,65\%$)ни гудвилни ҳисобга олмагандаги I даражали капитал ҳажмига кўпайтириши лозим.

Шунингдек, Базель II стандартида капитал етарлилигини ҳисоблашда активларнинг риска тортилганлик даражасини аниқлаш ҳақида бир неча ёндашувлар илгари сурилган, улар:

- Стандарт (ташқи рейтингга асосланган) ёндашув;
- Ички рейтингга асосланган ёндашув;
- Тизимли секюритизация ёндашуви.

Биринчи усулда банклар махсус заҳираларни ҳисобга олмаган ҳолда талаблар (дебеторлик қарзлар)га тегишли рискларни ташқи рейтинг агентликларининг берган рейтинг кўрсаткичлари асосида ҳисоблаб чиқишлари лозим.

Иккинчи компонент – назорат жараёни

Базель қўмитаси назорат жараёнининг қуйидаги тўрт тамойилини келтиради:

I тамойил. Банклар умумий капитал етарлилигини баҳолашлари учун ўз рискларига боғлиқ равишда босқичларга амал қилишлари ҳамда ушбу капитал даражасини сақловчи стратегияга эга бўлишлари лозим.

II тамойил. Банкларни назорат қилувчи органлар банкларнинг капитал талабларига риоя қилаётганликларини ҳамда бу борадаги стратегияларини, шунингдек уларнинг капитал меъёрларини таъминлаш ва кузатиб бориш имкониятини текширишлари ва баҳолашлари лозим. Банкларни назорат қилувчи органлар ушбу талабларнинг бажарилишидан қониқиш ҳосил қилишмаса, тегишли чора-тадбирларни кўришлари лозим.

III тамойил. Банкларни назорат қилувчи органлар банкларнинг минимум капитал талабларидан кўра юқорироқ капитал меъёрларини сақлашларига

умид қилишга ҳақли ва банклардан юқорироқ капитал меъёрларини талаб қилиш имкониятига эга бўлишлари лозим.

IV тамайил. Банкларни назорат қилувчи органлар минимум капитал меъёрининг камайишини олдини олишлари лозим. Агарда капитал минимум меъёрдан тушиб кетса, дарҳол тегишли чора-тадбирларни кўришлари лозим.

Учинчи Компонент – бозор тартиби

Учинчи компонент ушбу Келишувга амал қилувчи банклардан маълумотларни ошкор қилишларини талаб қилиш имконини беради. Маълумотларни ошкор қилиш аниқ методологияларни амалга ошириш ҳамда аниқ инструмент ва операцияларни конкретлаштиришга ёрдам беради.

Капитал структурасига оид маълумотларни ошкор қилиш
Сифат маълумотлари:

➤ Капитал инструментларининг асосий характери, шартлари ва муддатлари, шунингдек инновацион, мураккаб ёки гибрид инструментлар ҳақидаги якуний маълумотлар.

Микдорий маълумотлар:

- I даражали капитал суммаси ҳамда қуйидаги маълумотлар билан бирга:
 - Капиталнинг тўланган қисми ёки оддий акциялар тўғрисида;
 - Захиралар тўғрисида;
 - Қарам жамиятлардаги миноритар улушлар тўғрисида;
 - Инновацион инструментлар тўғрисида;
 - Капиталнинг бошқа инструментлари тўғрисида;
 - Суғурта компанияларининг ортиқча капитали тўғрисида;
 - I даражали капитал таркибидан чегирмалар;
 - Капитал таркибидан чиқариб ташланадиган бошқа суммалар, шунингдек гудвил ва инвестициялар.
- II ва III даражали капитал жами суммалари;
- Капиталдан бошқа чегирмалар;
- Рухсат этилган капитал суммаси.

Капитал етарлилигига оид маълумотларни ошкор қилиш

Сифат маълумотлари:

- Жорий ҳамда келгуси фаолиятни таъминлаш учун етарли бўлган капитал миқдорини аниқлашнинг банк томонидан танланган ёндашуви ҳақида қисқача шарҳ.

Миқдорий маълумотлар:

- Кредит rischi асосидаги капиталга бўлган талаб;
- Ички рейтингга асосланган ёндашув (IRB) ни қўллаган ҳолда улуш инструментлари асосидаги капиталга бўлган талаб;
- Бозор rischi асосидаги капиталга бўлган талаб;
- Операцион риск асосидаги капиталга бўлган талаб;
- Капитал жами суммаси ва I даражали капитал нисбати.

Банклар капитал етарлилигини ҳисоблашларида қайси методдан фойдаланишларига қараб турлича маълумотлар ошкор қилиниши талаб этилади.

2008-2009 йиллардаги молиявий инқироз оқибатлари Банк назорати бўйича Базель Қўмитасини банклар капитал етарлилигига оид талабларни қайта кўриб чиқишига асос бўлди(1.3-жадвал). Натижада, капитал етарлилигига ҳамда ликвидликка оид талаблар тизими ишлаб чиқилди ва бу Базель III номини олди.

Қуйидаги жадвалда Базель III стандартининг умумий миқёси ҳамда унда жорий этилган айрим янги талаблар рўйхати билан танишиб чиқамиз:

Банк назорати бўйича Базель қўмитаси ислохотлари – Базель III⁵³

I. Капитал				
1-Компонент			2-Компонент	3-Компонент
Капитал	Риск копламаси	Лeverаж	Риск менежменти ва назорат	Бозор тартиби
II. Ликвидлилик				
LCR — жорий ликвидлилик кўрсаткичи		NSFR — соф барқарор молиялаштириш кўрсаткичи	Ликвидлилик риски менежменти ҳамда назорати тамойиллари	Назорат мониторинги
III. Глобал систематик муҳим молиявий ташкилотлар учун қўшимча талаблар				

Базель III доирасида ишлаб чиқилган асосий ҳужжатлар Халқаро ҳисоб-китоблар банкининг (www.bis.org) веб-сайтида фойдаланиш учун ошкора мавжуд. Улар қуйидагилар ҳисобланади:

- «Банклар ва банк тизими барқарорлигини ошириш бўйича умумий регулятив ёндашувлар» (2011 йил, июнь)⁵⁴;
- «Ликвидлилик riskини баҳолаш, унинг стандарти ва мониторинги халқаро ёндашувлар» (2010 йил, декабрь)⁵⁵;

«Глобал систематик муҳим банклар: баҳолаш методикаси ва қўшимча зарарни сингдириш миқдorigа талаб» (2011 йил, ноябрь)⁵⁶.

⁵³ www.bis.org/b3summarytable.pdf

⁵⁴ “Basel III: A global regulatory framework for more resilient banks and banking systems”.

⁵⁵ “Basel III: International framework for liquidity risk measurement, standards and monitoring”.

⁵⁶ “Global systemically important banks: assessment methodology and the additional loss absorbency requirement”

1.3. Тижорат банкларининг ресурс базаси барқарорлиги бўйича илғор хориж амалиёти

Америка Қўшма Штатлари (АҚШ)да тижорат банкларини ташкил қилиш, уларнинг фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш, молиявий барқарорлигини таъминлаш, мижозлар ва ҳамкорлар олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажаришнинг аниқ меъёрий-ҳуқуқий асослари яратилган бўлиб, унинг тарихи узоқ йилларга бориб тақалади. Банк тизими ва тижорат банкларининг фаолияти, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ тамойиллар асосида фаолият юритганлиги сабабли бугунги кунда АҚШ банк тизими дунёдаги энг барқарор ва етакчи банк тизимларидан бири бўлиб қолмоқда.

Банк тизими ва тижорат банкларига бўлган ишонч авваломбор, миллий валютанинг барқарорлиги билан боғланган, чунки муомалага пулларни чиқариш, пул муомаласини ташкил этиш ва уларни йиғиш айнан тижорат банкларига юклатилган. Қолаверса, муомаладаги пуллар банклар учун ресурс бўлиб хизмат қилиши мумкин. Барқарор пуллар эса барқарор ресурс манбаи ҳисобланади. Ана шундай ҳуқуқий ҳужжатлардан бири 1874 йилда қабул қилинган “Миллий валюта тўғрисида”ги Қонун (National Currency Act) ҳисобланади. Ушбу қонуннинг асосий мақсади мамлакатнинг молиявий ва валюта тизимини мустаҳкамлаш, уни самарали бошқариш ҳисобланади. Ушбу қонун АҚШда Фуқаролар урушидан кейин содир бўлган иқтисодий ва валюта ишончсизлиги муаммоларини ҳал қилиш учун қабул қилинган.

Мазкур қонун АҚШнинг банк ва валюта тизимини ривожлантириш, унинг барқарорлигини таъминлаш ва ошириш жараёнида муҳим қадамлардан бири бўлди. Бу қонуннинг талаблари АҚШ банк тизимининг замонавий молия соҳасига айланишига ўз таъсирини кўрсатди ва мустаҳкам банк тизимига асосни яратди. Шунингдек, у иқтисодий барқарорликка ёрдам бериш учун муҳим қонун сифатида аҳамиятга эга эди, чунки у барқарор ва ишончли миллий валютани тақдим этди. Ушбу қонун фуқаролар урушидан кейинги молиявий турғунликларни камайтиришга ёрдам берди ва мамлакатнинг банк

тизимига ишончни оширди. Натижада, бу қонун АҚШнинг ҳозирги банк тизимининг асосларини яратди ва мамлакатнинг иқтисодий кўринишини йиллар давомида шакллантиришда асосий ролни ўйнади. Булардан ташқари, бу қонунда банкларнинг қандай ҳаракатланиши ҳамда банкларнинг солиққа қандай шаклда тортилиши кенг ёритилиб берилган. Унинг қоидалари ҳозирги Америка банк тизимининг асосини ўрнатди ва АҚШнинг иқтисодий соҳасини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга эди. Бу қонуннинг қандай ишлаётганини эса ҳозирги кунда ўз кўзимиз билан кўришимиз мумкин, чунки Америка Қўшма Штатлари бугун иқтисодий жиҳатдан энг қудратли давлат ҳисобланади.

Мамлакат банк тизими барқарорлигини таъминлаш ва уларни назоратини амалга ошириш учун 1913 йилда навбатдаги муҳим қонун қабул қилинди. Бу қонун “Федерал Захира тўғрисида”ги Қонун (Federal Reserve Act of 1913) бўлиб, у АҚШнинг молиявий ва иқтисодий тизимларини яратишда муҳим бурилиш ясади. Мазкур муҳим қонунчилик асоси замонавий банк ва пул тизимига асос солди ва уни ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқди. Натижада АҚШ молия тизими ҳолати тубдан ижобий томонга ўзгарди.

Федерал Захира тўғрисидаги қонун банк тизимида рўй берадиган турли стресс ҳолатларга самарали жавоб бера оладиган, барқарор бўлган молиявий тизимни яратишга хизмат қилди. Шунингдек, миллий валюта ва пул тизимини такомиллаштирди, иқтисодиёт учун молиявий хизматлар сифати ва сонини оширди. Тижорат банклари устидан назоратни қўлга олди ва уларга нисбатан минимал талабларни шакллантирди. Ушбу қонунга асосан мамлакатда банк тизимининг бош регулятори бўлган Федерал захира тизими ташкил топди, банк қонунчилиги янада мустаҳкамланди ва унификация қилинди.

1933 йилда АҚШда қимматли қоғозларни чиқариш, уларни муомаласини ташкил этиш ва тартибга солиш бўйича энг асосий ва илк қонун қабул қилинди. Ушбу қонун “Securities Act of 1933” деб номланиб, унинг асосий мақсади қимматли қоғозларни муомалага чиқаришда очиклик ва шаффофликни таъминлаш, қонун бузилишларига йўл қўймаслик ҳамда уларни

назоратини кучайтиришдан иборат. Мазкур қонун қимматли қоғозлар муомаласи бўйича миллий стандартларни жорий этди.

Мазкур қонуннинг банкларнинг молиявий ресурслари барқарорлигига бевосита таъсири мавжуд бўлиб, унга кўра банк қимматли қоғозлари (акция, облигация, субординар қарзлар ва бошқалар) оммавий сотувга қўйишдан олдин АҚШ Қимматли Қоғозлар ва Биржалар Комиссияси (Securities and Exchange Commission (SEC))да рўйхатдан ўтишлари мажбурийдир. Бу босқичда эса компаниянинг молиявий ҳолати, асосий ва қўшимча фаолияти турлари, бошқарув тизими, бизнес-режаси, унинг бошқарувидаги мулклар ва эгалик ҳуқуқлари ҳақида кенгайтирилган маълумотлар тақдим этилади.

1929-1933 йилларда жаҳонда рўй берган “Буюк турғунлик даври” ва унинг салбий оқибатлари АҚШ банк тизимини ҳам четлаб ўтмади ва молия-банк тизимига улкан зарар келтирди. Ушбу инқирознинг таъсирини юмшатиш, молия-банк тизимини молиявий барқарорлигини тиклаш, банк тизимини ислоҳ қилиш мақсадида 1933 йили Glass-Steagall Act қабул қилинди. Ушбу қонун АҚШ молия-банк тизимини барқарорлигини юксак даражага олиб чиқишда чексиз ҳисса қўшди. Ушбу қонун 2 та энг асосий вазифасини бажариш учун қабул қилинган:

1. Тижорат банклари ва инвестицион банклар фаолиятини аниқ тамойиллар ва мезонлар асосида ажратиш. Ушбу талабга, кўра тижорат банклари мижозларга хизмат (депозит, кредит, воситачилик ва бошқалар) кўрсатади, лекин қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширмайди. Инвестицион банклар эса аксинча, мижозларга хизмат кўрсатмайди ва асосий операциялари қимматли қоғозларни чиқариш, уларни жойлаштириш, воситачилик ва молиявий маслаҳат этиб белгиланди. Ушбу тоифаларга ажратишнинг асосий сабаби рискларни пасайтириш ва мижозларнинг маблағларини ҳимоя қилиш ҳисобланади.

2. Омонатчиларнинг депозитларини сақлаш учун масъул бўлган Федерал депозитларни суғурталаш корпорациясини (The Federal Deposit Insurance Corporation (FDIC)) ташкил этиш. Инқироз даврида мижозларнинг, асосан,

фуқароларнинг аксарияти ўз маблағларини йўқотишди, тадбиркор зарар кўришди. Ушбу ҳолатни олдини олиш, банк тизимида бўлган ишончни ошириш мақсадида Федерал депозитларни суғурталаш корпорацияси ташкил этилди. Агарда банк банкротга учраса ёки молиявий қийинчиларга дуч келса, FDIC муайян миқдордаги компенсация тўлаб беришга мажбур эди. Дастлаб 1933 йилда суғурталанган депозитларнинг 2500 АҚШ доллари этиб белгиланди ва бу иқтисодий ҳолатдан келиб чиқиб ошириб борилди. Ҳозирги кунда 250000 АҚШ долларини ташкил этади.

Ушбу қонун узоқ йиллар давомида мамлакат банк тизими барқарорлигини таъминлашга хизмат қилди. Аммо 1999 йилда Gramm-Leach-Bliley Act (GLBA) қонуни қабул қилиниши билан Glass-Steagall Actнинг жуда қатта қисми ва талаблари бекор қилинди. Натижада тижорат банклари ва инвестицион банklar ўртасида фарқ йўқолди, улар ўз операцияларини қўшиб юборишди ва натижада банklar фаолиятида риск ошиб кетди. Омонатчиларнинг маблағларини банklar қимматли қоғозлар йўналтиришди. Бу эса 2008 йилда молиявий-иқтисодий инқирозни бошлиқлишига асос бўлди.

Мазкур қонуннинг асосий мақсади молиявий сектордаги ўзаро иқтисодий алоқаларни ва интеграцияни кучайтиришдан иборат эди. Унга кўра банklar бир пайтнинг ўзида ҳам мижозларга хизмат кўрсатишни амалга оширса, иккинчи томондан инвестицион операцияларни ҳам амалга ошириш имкониятини қўлга киритди. Бундан ташқари банklar суғурта компаниялари, қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари билан ҳам интеграция қилишга йўл очиб берилди. Бу эса банк тизимидаги рискларни янада оширди.

Мисол учун, 2023 йил март ойида АҚШнинг йириклиги бўйича 16-ўринда турадиган Silicon Valley банки банкротликка учради. Унинг асосий сабабларидан бири депозитларнинг ёппасига банкдан олиб кетилиши бўлди. Депозитларнинг оммавий равишда чиқиб кетиши эса банкнинг ресурс базасини заифлаштирди, молиявий барқарорлигини ёмонлаштирди. Натижада, банкнинг акциялари нархи жуда тез фурсатда қулай бошлади. 2021 йил 1 октябрда банкнинг битта акцияси нархи 759 АҚШ доллари бўлган, 2023

йил 1 март ҳолатига 0,9 АҚШ долларини ташкил этган. Бугунги кунда банкнинг акцияси нархи 0,006 АҚШ доллари миқдорида баҳоланмоқда.

Банкларнинг қимматли қоғозлар билан операцияларини такомиллаштиришда “Securities Exchange Act” (Қимматли қоғозлар биржаси тўғрисидаги қонун) алоҳида аҳамият касб этади.

1934 йилги Қимматли қоғозлар биржаси (алмашинуви) тўғрисидаги қонун АҚШнинг федерал қонуни бўлиб, иккиламчи бозорда қимматли қоғозлар билан операцияларни бошқариш ва назорат қилиш учун яратилган. У 1929 йилдаги фонд бозоридаги инқирозга жавобан қабул қилинган. Унинг мақсади имкон қадар кўпроқ молиявий шаффофлик ва аниқликни таъминлаш ҳамда фирибгарлик ва манипуляцияни камайтиришдан иборат эди.

Банк ресурслари таркибида облигациялар алоҳида аҳамият касб этади ва уларнинг аниқ муддатга чиқарилиши ҳамда облигациялардан шаклланадиган ресурсларни самарали ва пухта жойлаштирилшини талаб қилади. Ушбу операциялар банкларнинг молиявий ресурсларини келажакда режали ва мақсадли амалга оширишини таъминдайди. **Trust Indenture Act of 1939** (1939 йилги ишончли келишувлар тўрисидаги қонун) - бу АҚШда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи яна бир муҳим қонун бўлиб, у асосан **облигацияларни** чиқаришда ишончли келишувларни тартибга солади. Мазкур қонун 1939 йилда қабул қилинган ва унинг асосий мақсади инвесторларни ҳимоя қилиш ҳамда облигация чиқарувчи компаниялар ва уларнинг ишончли келишувларини расмийлаштиришда аниқлик ва адолатни таъминлашдир. Мазкур қонунга асосан облигациянинг барча шартлари, компания ҳақида тўлиқ маълумот, қарзларни қай тартибда қайтарилиши, инвесторларнинг ҳуқуқлари, қайтариш режаси каби маълумотлар аниқ кўрсатилишини талаб қилади.

1970 йилларда АҚШда инфляция даражаси анча юқори бўлиб, банклар ва жамғарма ташкилотлари депозит бўйича ставкаларини белгилашда маълум чекловлар мавжуд эди. Бу эса банкларнинг ресурс базаси барқарорлигига салбий таъсир кўрсатарди ва ресурсларни бошқа соҳаларга оқиб кетишига

олиб келар эди. Банкларнинг талаб қилиб олинадиган депозитларга фоиз тўлашни Федерал захира тизими таъқиқлади, бошқа депозитларнинг фоиз ставкаси даражасига эса чекловлар ўрнатилган эди. 1970 йилларнинг ўрталарига келиб фоиз ставкаларига ўрнатилган чекловлар босқичма-босқич олиб ташланди. Депозитлар бўйича фоизларга чеклов ўрнатилиши банкларнинг ресурсларни жалб қилишдаги эркинликларини пасайтирди, талаб ва таклифнинг бузилишига сабаб бўлди. Депозит жалб қиладиган банклар ва жамғарма ташкилотлари ипотека кредитлар бўйича фоизлар пасайиши натижасида жиддий зарар кўришни бошлади, яъни жалб қилинган депозитларнинг фоиз ставкаси жойлаштирилган узоқ муддатли кредитларнинг фоиз ставкасидан сезиларли даражада баланд бўлишига олиб келди. Берилган кредитлардан олинган даромадлар жалб қилинган депозитларга тўланган фоизли харажатлардан пасайиб кетди ва банклар жиддий зарар кўришни бошлади. Бунинг асосий сабаби депозитларнинг фоиз ставкаси бўйича чекловларнинг олиб ташланиши ва эркинлаштирилиши бўлди. 1982 йили АҚШда яна бир муҳим қонун - Garn-St Germain Depository Institutions қабул қилинди. Унинг асосий мақсади инқирозга юз тутган банкларга молиявий ёрдам бериш, молиявий барқарорликни таъминлаш, банклараро рақобатни шаллантириш ва унинг адолатли бўлишини таъминлаш, депозит билан ишловчи банкларнинг имкониятларини яхшилаш эди.


Шунингдек, мазкур қонун доирасида янги ҳисобварақ (депозит) тури MMDA (Money Market Deposit Account) — бу пул бозори депозит ҳисобварағи, ёки пул бозори депозити пайдо бўлди. Унинг ўзига хослиги анъанавий депозитларга нисбатан юқорироқ фоиз тўланади, улар пул бозорига яқин бўлганлиги учун нисбатан ликвидли ҳисобланади.

Тижорат банкларида молиявий бошқарувни янада такомиллаштириш, ресурсларни оқилона бошқариш, сохта молиявий ҳисоботлардан ҳимояланиш мақсадида 2002 йилда Sarbanes–Oxley Act қабул қилинди. Ушбу қонуннинг қабул қилинишига асосий сабаб Enron Corporation, Tyco International plc, Adelphia, Peregrine Systems, WorldCom каби йирик компаниялар ва

корпорациялар иштирокидаги турли молиявий найранглар ва жанжаллар сабаб бўлди. Ушбу можаролар сабабли компанияларнинг акциялари нархи тушиб кетди, натижада юзлаб инвесторлар миллиардлаб зарар кўрди. Бу ҳолат эса АҚШ фонд бозорини ларзага келтирди ҳамда аҳолининг қимматли қоғозлар бозорига нисбатан ишончини пасайишига сабаб бўлди. Тижорат банклари фонд бозоридаги асосий инвесторлар эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, мазкур ҳолатдан биринчи навбатда тижорат банклари энг кўп зарар кўрди ҳамда ресурсларини йўқотди.

Қонуннинг қабул қилиниши корхоналарнинг молиявий барқарорлиги ва маълумотлар шаффофлигини таъминлашга хизмат қилди, корпоратив иолиявий ҳисоботларнинг тўғрилигини текширишда ва ҳолис баҳо беришда ташқи аудиторларнинг мустақиллигини ва ваколатини оширди. Шунингдек, нотўғри маълумотларни тақдим этган, била туриб уни тасдиқлаган ва эълон қилган масъулларга жазони қўллашни назарда тутди ва уни яна қатъийлаштирди.

Ушбу қонун нафақат АҚШда, балки бутун дунёга ўз таъсирини ўтказди ва бошқа мамлакатлар ҳам шу тоифадаги ҳужжатларни ишлаб чиқишга туртки бўлди. Хусусан, 2002 йилда Канада, Германия, Жанубий Африка Республикаси, 2003 йилда Франция, 2004 йилда Австралия, 2005 йилда Ҳиндистон, 2006 йилда эса Япония, Италия ва Туркияда мазкур қонуннинг маъносини ифодаловчи ҳужжатлар қабул қилинди.




1.2- расм. АҚШ тижорат банклари мажбуриятларининг ўзгариш динамикаси⁵⁷, млрд АҚШ доллари

АҚШ тижорат банклари мажбуриятларининг ўзгариши динамикаси таҳлил қилинган бўлиб, охириги 10 йилда 1,6 мартага ошган (1.2-расм). 2015 йилда банк тизими жами мажбуриятлари суммаси 13,7 трлн АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб 21,1 трлн АҚШ долларига етган. Бунинг асосий сабаби сифатида банк депозитларнинг кескин ошганлигини келтириш мумкин.

Банк мажбуриятларининг асосий ўсиши 2019-2022 йилларга тўғри келган бўлиб, сўнгги йилларда ўсиш суръатлари бироз пасайганлигини кўриш мумкин. Хусусан, 2019 йилда мажбуриятларнинг ўсиши 17,74 фоиз, 2020 йилда 10,75 фоизга ва 2021 йилда 5,7 фоизни ташкил этган. Кейинги йилларда эса ўсиш кескин пасайган ва 0,8-1,7 фоизни ташкил этган.

Ҳозирда АҚШ банк тизими дунёдаги йириклиги бўйича 3-ўринда турадиган (Хитой ва Евроҳудуд банк тизимидан кейин) банк тизими бўлиб, унда бўладиган ҳар қандай ўзгаришлар жаҳон молия-банк тизимига тўғридан тўғри таъсир кўрсатади.



1.3-расм. АҚШ тижорат банклари депозитларининг ўзгариш динамикаси⁵⁸, млрд АҚШ доллари


⁵⁷ <https://fred.stlouisfed.org/series/WLODLL>

⁵⁸ <https://fred.stlouisfed.org/series/WLODLL>

АҚШда тижорат банкларининг асосий ресурс манбаси бу шубҳасиз, депозитлар ҳисобланади. Банкларда депозитларнинг ўсиши эса банк ресурсларининг ошишига хизмат қилади (1.3-расм). Охирги ўн йилликда АҚШда депозитлар миқдори 6,855 трлн АҚШ долларига ёки 63,5 фоизга ошган.

Банк депозитлари мажбуриятларга мос равишда ўзгарган бўлиб, 2015-2019 йилларда депозитларнинг ўсиш суръатларида бир маромда давом этган, яъни 4,4-5,8 фоиз атрофида тебраниб турган бўлса, 2020-2021 йилларда кескин ошиб кетганлигини кўриш мумкин. Хусусан, 2020 йилда 174 фоизга ошиб, 15,01 трлн АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2021 йилда 14,3 фоизга ошган ҳамда депозитларнинг умумий суммаси 17,2 трлн АҚШ долларини ташкил этган.

2022 йилнинг иккинчи чорагидан 2023 йилнинг учинчи чорагигача депозитларнинг умумий миқдори 10 фоизга камайган бўлса, 2023 йилнинг охири ва 2024 йилнинг бошида депозитларнинг миқдори яна ошишни бошлади. Ушбу пасайиш 1995 йилдан бери илк марта кузатилди ва бунинг сабаби фискаль ва монетар сиёсат ҳисобланади.



1.4-расм. АҚШ тижорат банклари капиталининг ўзгариш динамикаси⁵⁹, млн АҚШ доллари

⁵⁹ <https://fred.stlouisfed.org/series/WLODLL>


Охирги ўн йилда АҚШ банк тизими капитали 32,2 фоизга ёки 569 млрд АҚШ долларига ошганлигини кўришимиз мумкин (1.4-расм). Банк капитали миқдорининг ўзгариши барқарор равишда доимий ўсиш тенденциясига эга бўлиб, фақат 2022 йилда 1,7 фоизга пасайган. Охирги йилда ўсиш суръати 3,5 фоизни ташкил этган ва 2335,2 млрд долларни ташкил этган.

2022 йилда банк тизими капиталини пасайишининг асосий сабаби COVID-19 пандемиясининг салбий оқибатлари бўлиб, Федерал Захира Тизими банк капитали етарлилиги ва миқдorigа нисбатан талабларни қатъийлаштирганлиги билан изоҳланади.

Қолаверса, АҚШнинг бир нечта йирик тижорат банклари глобал тизим учун муҳим банклар (Global Systemically Important Banks (G-SIBs)) ҳисобланади ва уларнинг капиталига нисбатан қўшимча талаблар мавжуд.


Банк капитали банкларнинг ресурсларига баҳо беришда асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб, у иккита кўрсаткичга боғлиқ, яъни банкларнинг соф фойдаси ва акциядорлик капитали кўрсаткичларига. Капитал рентаделлигини топиш учун банкнинг соф фойдасининг акциядорлик капиталига бўлиш орқали аниқланади.

АҚШда бу кўрсаткич охирги ўн йилликда кескин ўзгаришларни намоён қилган, 2015 йилда 9,56 фоизни ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб 11,74 фоизни ташкил этган (1.5-расм).



1.5-расм. АҚШ тижорат банклари капитал рентабеллиги (ROE) кўрсаткичи динамикаси⁶⁰, фоизда

2020 йилда рентабеллик кескин тушиб кетган, яъни 4,72 фоиз бандга пасайган ва 6,67 фоизни ташкил этган. Бунинг асосий сабаби глобал COVID-19 пандемиясининг асоратлари бўлиб, банкларнинг фойдасини кескин камайтириб юборди. Мазкур ҳолат 1996 йилдан бери кузатилган энг ёмон учинчи ва 2010 йилдан бери энг паст кўрсаткич ҳисобланади. Бундан ёмон фақатгина 2008 йилда 1,45 фоиз ва 2009 йилда 1,64 фоизни ташкил этган⁶¹.



⁶⁰ <https://fred.stlouisfed.org/series/WLODLL>

⁶¹ <https://tradingeconomics.com/united-states/bank-return-on-equity-percent-after-tax-wb-data.html>

1.6-расм. АҚШда энг йирик банкларнинг 2024 йилда капитал рентабеллиги кўрсаткичи (ROE)⁶², фоизда

АҚШнинг энг йирик 10 та тижорат банкларининг капитал рентабеллиги даражасини кўришимиз мумкин (1.6-расм). Бунда АҚШнинг энг йирик тижорат банки бўлган JPMorgan Chase & Co. банки 15,15 фоиз билан биринчи ўринни эгаллаб турибди. Бунинг асосий сабаби эса банк 2023 йилда мисли кўрилмаган даражада рекорд фойда олди, яъни банк фойдаси 61,612 млрд АҚШ долларида фойда олиб, ўтган йилга нисбатан 33,3 фоизга оширишга эришилди.

Кейинги ўринда эса 11,66 фоиз натижа билан Fifth Third Bank эгаллаб турибди, гарчи ушбу банкнинг фойдаси ўтган йилга нисбатан 1,1 фоиз бандга пасайган.

Кейинги ўринда Citizens Bank 10,07 фоиз ва энг йирик 4 та банкдан бири бўлган Wells Fargo 9,62 фоиз билан бормоқда. Wells Fargo олдинги йилга нисбатан ҳолатини анча яхшилашга эришган, яъни капитал рентабеллигини 3 фоиз бандга, фойдани эса 5,4 млрд АҚШ долларига оширган⁶³.

1.4 -жадвал.

JP Morgan Chase & Co. банкининг мажбуриятлари таркиби⁶⁴, фоизда

Кўрсаткичлар	2023	2022	2021	2020	2019
Депозитлар	67,5	69,4	71,4	69,0	64,4
Қарз мажбуриятлари	19,3	16,7	16,5	18,3	22,4
Рисклар учун захиралар	0,7	0,6	0,7	0,8	0,9
Бошқа мажбуриятлар	12,6	13,3	11,4	11,8	12,3
Жами мажбуриятлар	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

⁶² <https://fred.stlouisfed.org/series/WLODLL>

⁶³ <https://www.macrotrends.net/stocks/charts/WFC/wells-fargo/roe>

⁶⁴ <https://www.wsj.com/market-data/quotes/JPM/financials/annual/balance-sheet>

Ушбу жадвалда АҚШнинг энг йирик тижорат банки бўлган JPMorgan Chase & Co. банкининг мажбуриятларини таҳлил қиламиз (1.4-жадвал). АҚШ банкларига хос бўлган умумий хусусият ушбу банкка ҳам тегишли бўлиб, мажбуриятларнинг 60 фоизидан ортиғи банк депозитлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

2023 йилда банкнинг жами мажбуриятлари 3547,515 млрд АҚШ долларини ташкил этган ҳолда, 2022 йилга нисбатан 5,16 фоизга ошди. Банк депозитлари 2021 йилда 71,4 фоизга қадар ошган бўлса, охириги йилларда бироз пасайганлигини кўриш мумкин.

Банкнинг қарз мажбуриятлари охириги беш йилда 22,4 фоиздан 19,3 фоизга қадар пасайганлигини банк томонидан қарз муносабатларини ифодаловчи қимматли қоғозларни сўндирганлиги ҳамда вексель, аккредитивларни камайганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Рисклар учун захиралар 0,2 фоиз бандга пасайиб, жамига нисбатан 0,7 фоизни ташкил этмоқда.

Мажбуриятлар таркиби диверсификация даражаси олдинги йилларга нисбатан бироз яхшиланганлигини кўриш мумкин.

1.5-жадвал.

JPMorgan Chase & Co. банкининг депозит базаси динамикаси⁶⁵, млн АҚШ долларида

Кўрсаткичлар	2023	2022	2021	2020	2019
Жами депозитлар	2400688	2340179	2462303	2144257	1562431
Талаб қилиб олингунча депозитлар	643748	644902	638879	572711	395667
Муддатли ва жамғарма депозитлар	1303100	1276346	1432578	1197032	876156
Хориж филиалларидаги депозитлар	453840	418931	390846	374514	290608
Депозитларнинг ўсиши(пасайиши)	2.59%	-4.96%	14.83%	37.24%	-

JPMorgan Chase & Co. банкининг депозитлари ҳажмида кескин ўзгаришларни кузатиш мумкин. Хусусан, банк депозитлари 2020 йилда 37,24


⁶⁵ <https://www.wsj.com/market-data/quotes/JPM/financials/annual/balance-sheet>

фоизга ошган ва 2,144 трлн АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2021 йилда 14,83 фоизга ошиб, 2,462 трлн АҚШ долларига етган (1.5-жадвал).

2022 йилда эса 4,96 фоизга пасайган ва 2340 млрд АҚШ долларини ташкил этган. Бундай йирик тижорат банкида кескин ўзгаришларни камдан кам ҳолатда кузатиш мумкин.

Мазкур банк мамлакатнинг энг йирик тижорат банки бўлганлиги сабабли унга нисбатан ишонч ҳам юқори даражада, қолаверса ушбу Федерал депозитларни суғурталаш корпорацияси (The Federal Deposit Insurance Corporation (FDIC))нинг аъзо ҳисобланади. Бу эса ўз-ўзидан депозитлари суғурталанганлигини билдиради.

Бундан ташқари, банкда махсус миқдорлар учун алоҳида депозит турлари ҳам таклиф этилади. Мисол учун, Premium Deposit деб номланган махсус депозит тури мавжуд бўлиб, у ҳар бир ҳисобрақамга максимал 3 млн АҚШ доллари миқдорида депозит жалб қилади, фоизлар ҳар ойда тўланади ва 360 кунлик асосида ҳисобланади. Ушбу депозитлар ортиқча пули мавжуд бўлган миқдорларга қўл келади ва уларни банк томонидан бошқариб борилиши миқдорларнинг вақтини тежайди, ҳисоб-китобларни осонлаштиради.



1.7-расм. JP Morgan Chase & Co. банкининг депозит базаси таркиби⁶⁶, фоизда

Таркибий жиҳатдан қарайдиган бўлсак, жами банк депозитларнинг 55-58 фоизини барқарор бўлган депозитлар, яъни жамғарма ва муддатли депозитлар, 26-28 фоизини талаб қилиб олингунча депозитлар ташкил этган (1.7-расм). Банк йирик трансмиллий банк бўлганлиги сабабли дунёнинг аксарият мамлакатларида ўз фаолиятини олиб боради, шу сабабли хориждаги филиаллардаги депозитларнинг улуши 15-19 фоизни ташкил этади.

Хулоса қиладиган бўлсак, банк депозитларининг аксарият қисмини барқарор бўлган депозит турлари, яъни муддатли ва жамғарма депозитлари ташкил этганлиги банкнинг молиявий барқарорлигини оширишга хизмат қилади, ресурс билан боғлиқ банк рискларини олдини олади.

1.6-жадвал.

JP Morgan Chase & Co. банкининг капитали таркиби ва ўзгариши динамикаси⁶⁷, млн АҚШ долларида

Кўрсаткичлар	2023	2022	2021	2020	2019
1. Имтиёзли акциялар	27404	27404	34838	30063	26993
2. Умумий капитал	300474	264928	259289	249291	234337
Оддий акциялар	4105	4105	4105	4105	4105
Қўшимча капитал	90128	89044	88415	88394	88522
Тақсимланмаган фойда	332901	296456	272268	236990	223211
Валюта курсларидан кўрилган зарар	(1216)	(1545)	(934)	(473)	(707)
Қимматли қоғозлардан кўрилган зарар	(3743)	(9124)	2640	8180	4057
Бошқа захиралар	(5484)	(6672)	(1790)	279	(1802)
Қайта сотиб олинган акциялар	(116217)	(107336)	(105415)	(88184)	(83049)
Жами акциядорлик капитали	327878	292332	294127	279354	261330

⁶⁶ <https://www.wsj.com/market-data/quotes/JPM/financials/annual/balance-sheet>

⁶⁷ <https://www.wsj.com/market-data/quotes/JPM/financials/annual/balance-sheet>


Ушбу жадвалда JPMorgan Chase & Co. банкининг капитали таркибини ва ўзгаришини кўриш мумкин (1.6-жадвал). Банкнинг жами акциядорлик капитали охириги беш йилда 25,5 фоизга ёки 66,5 млрд АҚШ долларига ошган ва 2023 йилда 327,878 млрд АҚШ долларини ташкил этмоқда.

Банк капитали таркибида имтиёзли акцияларнинг улуши кичиклиги ва йил сайин пасайиб бораётганлиги билан ажралиб туради, яъни 2019 йилда унинг салмоғи жамига нисбатан 10,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2023 йилга келиб 8,4 фоизга қадар пасайган. Буни 2 та омил билан асослаш мумкин:

1. имтиёзи акциялар суммасининг камайиши. Айниқса, 2020-2022 йилларда имтиёзли акцияларнинг умумий суммаси 30063 млн АҚШ долларидан 27,404 млрд АҚШ долларига қадар пасайган.

2. банкнинг тақисмланмаган фойдасининг кескин ошиши, яъни охириги беш йил мобайнида банкнинг тақсимланмаган фойдаси миқдори деярли 50 фоизга ошган.

Фикримизча, ушбу омиллар ўз навбатида банкнинг умумий капиталини ошишига хизмат қилган ва ресурслар барқарорлигини таъминлаган.



1.8-расм. JP Morgan Chase & Co. банкининг капитал рентабеллиги кўрсаткичи динамикаси⁶⁸, фоизда

⁶⁸ <https://fred.stlouisfed.org/series/WLODLL>

Банк капитал рентабеллик кўрсаткичи бўйича банк капиталидан қанчалик самарали фойдаланганлигини ифодалайди. Ушбу кўрсаткич қанчалик катта бўлса, шунчалик ижобий ҳолат сифатида баҳоланади(1.8-расм). JP Morgan Chase & Co. банкида ушбу ҳолат 15,15 фоизни ташкил этмоқда. Бунинг асосий сабаби 2023 йилда банк 61,6 млрд АҚШ доллари миқдорида фойда олган ва ушбу кўрсаткич бўйича дунёда етакчилик қилмоқда.

Умуман олганда, тадқиқотлар натижасида АҚШ банк тизимининг молиявий ресурслари барқарорлиги ўз ресурслари жиҳатидан ҳам, жалб қилинган ресурслар жиҳатидан ҳам барқарор эканлигини аниқланди.

Биринчи боб бўйича хулосалар

Шаклланиш манбаларига кўра банк ресурслари ўзининг иқтисодий хусусиятига кўра бир-биридан фарқ қилувчи иккита асосий гуруҳга бўлинади: ўз маблағлари ва қарз маблағлари.

Ўз маблағлари - кредит ташкилоти ташкил этилиши даврида унинг акциядорларидан (иштирокчиларидан) олинган ва унинг фаолияти жараёнида шаклланадиган маблағлар. Бу фондларга устав капитали, захира фонди, тақсимланмаган фойда, фойдадан шаклланадиган турли фондлар киради.

Жалб қилинган маблағлар маълум бир давр учун ёки талаб пайдо бўлгунга қадар тўпланган миқдорлар маблағларини ўз ичига олади. Буларга ҳар хил турдаги банк миқдорлари (юридик ва жисмоний шахслар) ҳисобварақларидаги маблағлар, депозитларга жалб қилинган маблағлар, ҳисоб-китоблардаги маблағлар, қарз мажбуриятларини чиқариш (облигациялар, векселлар, депозит ва жамғарма сертификатлари) ҳисобидан тўпланган ресурслар киради. Жалб қилинган маблағларга кредит ташкилотларидан маълум муддатга олинган ресурслар ҳам киради. Иккинчиси баъзан қарз маблағлари сифатида белгиланади.

Кредит ташкилотининг ўз капитали - бу кредит ташкилотини ташкил этиш жараёнида шаклланган ва кейинчалик ички (фойда, мулкни қайта баҳолаш ва бошқалар) ва ташқи манбалар (қўшимча акциялар чиқариш, субординацияланган қарзларни жалб қилиш) ҳисобидан тўлдириладиган

капитал. Ўз капитали, қоида тариқасида, муддатсиз кредит ташкилотининг ихтиёрида бўлади.

Ўз капиталининг асосий функциялари одатда ҳимоя, операцион ва тартибга солиш функциялари билан ажралиб туради.

Биринчи даражали қўшимча капитал эса тўлиқ тўланган нокумулятив имтиёзли акциялар ва улар бўйича қўшилган капитал, шуъба корхоналари томонидан чиқарилган ва учинчи шахслар ихтиёрида бўлган капиталга тенглаштирилган воситалардан иборат.

Банкнинг иккинчи даражали капитали таркиби биринчи даражали капиталга нисбатан нобарқарор элементлардан иборат бўлиб, уларнинг баҳоси тезда ўзгариши ёки пасайиши ҳисобига банк капитали миқдори кескин тушиб кетиш хавфи мавжуд. Ушбу элементларга жорий йилнинг соф фойдаси (йил тугамаганлиги учун сўнгги молиявий натижа дея олмаймиз), стандарт активларга нисбатан яратилган захираларнинг 1,25 фоизидан ошмайдиган қисми (бу ҳам 1,25 фоиз миқдорида чекланган, чунки банк активлари сифати доимо ўзгарувчан бўлади), аралаш турдаги мажбуриятлар (бу асосан акциядорлик ва қарз капитали хусусиятига эга бўлган воситалардан иборат бўлади), субординар қарз ва активларнинг баҳолаш қийматининг 45 фоизидан ошмаган миқдори.

Депозит операциялари бу депозитор ҳамда банк ўртасида тузилган шартнома асосидаги депозитнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини муайян муддатга жалб қилиш, уларни сақлаш ва ўз вақтида қайтаришни таъминлаш борасидаги банкларнинг операцияларидир.

Америка Қўшма Штатлари (АҚШ)да тижорат банкларини ташкил қилиш, уларнинг фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш, молиявий барқарорлигини таъминлаш, мижозлар ва ҳамкорлар олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажаришнинг аниқ меъёрий-ҳуқуқий асослари яратилган бўлиб, унинг тарихи узоқ йилларга бориб тақалади. Банк тизими ва тижорат банкларининг фаолияти, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ

тамойиллар асосида фаолият юритганлиги сабабли бугунги кунда АҚШ банк тизими дунёдаги энг барқарор ва етакчи банк тизимларидан бири бўлиб қолмоқда.

Банк тизимига ишончни ошириш молиявий ресурслар барқарорлигини таъминлашнинг асосий кафолати ҳисобланади. Депозитлар мижозларнинг маблағлари бўлганлиги сабабли уларни кафолатлаш лозим, бу асосан давлат томонидан олиб бориладиган қатъий меъёрий-ҳужжатлар билан ҳимояланишни талаб этади. АҚШда депозитларни суғурталаш учун махсус ташкилот ташкил этилган бўлиб, Федерал депозитларни суғурталаш корпорацияси (The Federal Deposit Insurance Corporation (FDIC)) деб аталади.

Инқироз даврида мижозларнинг, асосан, фуқароларнинг аксарияти ўз маблағларини йўқотишди, тадбиркор зарар кўришди. Ушбу ҳолатни олдини олиш, банк тизимига бўлган ишончни ошириш мақсадида Федерал депозитларни суғурталаш корпорацияси ташкил этилди. Агарда банк банкротликка учраса ёки молиявий қийинчиликларга дуч келса, FDIC муайян миқдордаги компенсация тўлаб беришга мажбур эди. Дастлаб 1933 йилда суғурталанган депозитларнинг 2500 АҚШ доллари этиб белгиланди ва бу иқтисодий ҳолатдан келиб чиқиб ошириб борилди. Ҳозирги кунда 250000 АҚШ долларини ташкил этади.

АҚШда тижорат банкларининг асосий ресурс манбаси бу шубҳасиз, депозитлар ҳисобланади. Банкларда депозитларнинг ўсиши эса банк ресурсларининг ошишига хизмат қилади. Охирги ўн йилликда АҚШда депозитлар миқдори 6,855 трлн АҚШ долларига ёки 63,5 фоизга ошган.

Охирги ўн йилда АҚШ банк тизими капитали 32,2 фоизга ёки 569 млрд АҚШ долларига ошганлигини кўришимиз мумкин. Банк капитали миқдорининг ўзгариши барқарор равишда доимий ўсиш тенденциясига эга бўлиб, фақат 2022 йилда 1,7 фоизга пасайган. Охирги йилда ўсиш суръати 3,5 фоизни ташкил этган ва 2335,2 млрд долларни ташкил этган.

Банк капитали банкларнинг ресурсларига баҳо беришда асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб, у иккита кўрсаткичга боғлиқ, яъни банкларнинг

соф фойдаси ва акциядорлик капитали кўрсаткичларига. Капитал рентабеллигини топиш учун банкнинг соф фойдасининг акциядорлик капиталига бўлиш орқали аниқланади.

АҚШда капитал рентабеллиги охирги ўн йилликда кескин ўзгаришларни намоён қилган, 2015 йилда 9,56 фоизни ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб 11,74 фоизни ташкил этган. 2020 йилда рентабеллик кескин тушиб кетган, яъни 4,72 фоиз бандга пасайган ва 6,67 фоизни ташкил этган. Бунинг асосий сабаби глобал COVID-19 пандемиясининг асоратлари бўлиб, банкларнинг фойдасини кескин камайтириб юборди. Мазкур ҳолат 1996 йилдан бери кузатилган энг ёмон учинчи ва 2010 йилдан бери энг паст кўрсаткич ҳисобланади. Бундан ёмон фақатгина 2008 йилда 1,45 фоиз ва 2009 йилда 1,64 фоизни ташкил этган.

АҚШнинг энг йирик 10 та тижорат банкларининг капитал рентабеллиги даражаси бўйича JPMorgan Chase & Co. банки 15,15 фоиз билан биринчи ўринни эгаллаб турибди. Бунинг асосий сабаби эса банк 2023 йилда мисли кўрилмаган даражада рекорд фойда олди, яъни банк фойдаси 61,612 млрд АҚШ долларида фойда олиб, ўтган йилга нисбатан 33,3 фоизга оширишга эришилди.

АҚШнинг энг йирик тижорат банки бўлган JPMorgan Chase & Co. банки мажбуриятларининг 60 фоизидан ортиғи банк депозитлари ҳиссасига тўғри келмоқда. 2023 йилда банкнинг жами мажбуриятлари 3547,515 млрд АҚШ долларини ташкил этган ҳолда, 2022 йилга нисбатан 5,16 фоизга ошди. Банк депозитлари 2021 йилда 71,4 фоизга қадар ошган бўлса, охирги йилларда биров пасайганлигини кўриш мумкин.

Таркибий жиҳатдан қарайдиган бўлсак, жами банк депозитларнинг 55-58 фоизини барқарор бўлган депозитлар, яъни жамғарма ва муддатли депозитлар, 26-28 фоизини талаб қилиб олингунча депозитлар ташкил этган. Банк йирик трансмиллий банк бўлганлиги сабабли дунёнинг аксарият мамлакатларида ўз фаолиятини олиб боради, шу сабабли хориждаги филиаллардаги депозитларнинг улуши 15-19 фоизни ташкил этади.

JPMorgan Chase & Co. банкининг капитали таркибини ва ўзгаришини кўриш мумкин. Банкнинг жами акциядорлик капитали охириги беш йилда 25,5 фоизга ёки 66,5 млрд АҚШ долларига ошган ва 2023 йилда 327,878 млрд АҚШ долларини ташкил этмоқда. JP Morgan Chase & Co. банкида капитал рентабеллик кўрсаткичи 15,15 фоизни ташкил этмоқда. Бунинг асосий сабаби 2023 йилда банк 61,6 млрд АҚШ доллари миқдорида фойда олган ва ушбу кўрсаткич бўйича дунёда етакчилик қилмоқда.

Умуман олганда, тадқиқотлар натижасида АҚШ банк тизимининг молиявий ресурслари барқарорлиги ўз ресурслари жиҳатидан ҳам, жалб қилинган ресурслар жиҳатидан ҳам барқарор эканлигини аниқланди.

II БОБ. МАМЛАКАТ БАНК ТИЗИМИ МОЛИЯВИЙ РЕСУРС БАЗАСИ ТАРКИБИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИНГ АМАЛИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Ўзбекистон банк тизимининг молиявий ресурслари таркиби ва жорий ҳолати таҳлили

Охирги йилларда мамлакат банк тизими барқарорлигини таъминлаш, молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш, банклар фаолияти самарадорлигини ошириш, вужудга келиши мумкин бўлган салбий ҳолатларни олдини олиш ва уларни баҳолаш тизимларини такомиллаштириш бўйича бир қатор тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Марказий банк томонидан амалга оширилган ишлар мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш, хорижий инвесторларни жалб қилиш, уларни мамлакат иқтисодий ривожланишига интеграция қилиш, банк тизими молиявий ҳолати ва ҳисоботларини халқаро стандартларга мослаштириш, мамлакатнинг халқаро бозордаги ўрнини мустаҳкамлаш, халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 13-моддасига асосан банк устав капитали миқдори босқичма-босқич ошириш боришни кўзда тутди ва 2025 йил 1 январдан бошлаб 500 миллиард сўмни ташкил этиши лозим. Мазкур талаб тижорат банкларининг молиявий ресурсларини оширишга, молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга ва банк хизматлари сони ҳамда сифатини кўпайтиришга хизмат қилишини инobatга олсак, банкларнинг нафақат мамлакат банк тизимида, балки халқаро миқёсда ҳам рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, мамлакат банкларининг асосий ресурсларини ташкил этувчи банк депозитлари бўйича ҳам тегишли амалий ишлар амалга оширилмоқда ва халқаро талабларга мослаштириш жараёни олиб борилмоқда.

Қолаверса, банклараро пул бозоридаги операциялар ҳажми ҳам ижобий ўсиш ҳолатини кўрсатмоқда ва бу банклар ўртасида ортиқча ликвидли

маблағларни самарали жойлаштиришга ёки молиявий ресурслар етишмовчилигини олдини олишга хизмат қилмоқда.

2.1-жадвал.

Банк тизими фаолиятининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида

маълумот⁶⁹, млрд сўм

Кўрсаткичлар номи	01.01.2022 й.	01.01.2023 й.	01.01.2024 й.
Жами активлар	444 922	556 746	652 157
Жами кредит қўйилмалари	326 386	390 049	471 406
Жами депозитлар	156 190	216 738	241 687
Жами капитал	70 918	79 565	97 079

Мамлакат банк тизимининг асосий молиявий кўрсаткичларини таҳлил қиладиган бўлсак, барча молиявий кўрсаткичлар олдинги йилларга нисбатан ўсганлигини кўришимиз мумкин (2.1-жадвал). Жаҳонда кузатилаётган иқтисодий беқарорлик ва геосиёсий ҳолатда банк тизими молиявий барқарорлигини таъминлаш ва уларни ошишига эришиш Марказий банк ва ҳукумат томонидан олиб борилган самарали фаолиятнинг натижасидир. Хусусан, мамлакат банк тизими активлари 2022 йилда 444,9 трлн сўмни ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб деярли 1.5 мартага ошган ва 652,2 трлн сўмга етган. Активларнинг рентабеллик даражаси эса 2023 йилда олдинги йилга нисбатан 0,1 фоиз бандга ошиб, 2,6 фоизни ташкил қилганлиги активлардан самарали фойдаланиш даражаси ортганлигидан далолат беради.

Жами кредит қўйилмалари эса охирги уч йилликда 1,4 мартага ошган ва 471,4 трлн сўмни ташкил этган. Банк активларининг 70 фоиздан ортиғи банк кредитларига тўғри келишини инобатга олсак, кредитлар ҳам активларга мос равишда ўсиб борган. Банклар томонидан иқтисодиётнинг кредитга бўлган эҳтиёжини қондириш, корхона, тадбиркорлар ва аҳолининг қўллаб-қувватлаш учун 2023 йилда 2022 йилга нисбатан 251 трлн сўм ёки 24 фоизга кўп кредит ажратилди.

⁶⁹ <https://cbu.uz/oz/statistics> маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

Банклар томонидан жалб қилинган депозитлар ҳажми 1,54 мартага ошди ва 2024 йил бошига 241,7 трлн сўмни ташкил этди. Банк тизими пассивлари таркибида депозитларнинг улуши 44 фоизни ташкил этди. Жами депозитлар таркибида талаб қилиб олингунча депозитларнинг улуши сезиларли даражада пасайди, яъни 43 фоиздан 35 фоизга тушди. Фикримизча, банк депозитларининг мазкур ҳолати етарли даражада эмас, чунки халқаро амалиётда депозитларнинг суммаси одатда кредитларнинг суммасидан кўпроқ бўлади. Мисол учун, 2024 йил бошида АҚШнинг йирик банклари JP Morgan банкида кредитлар ҳажми 1297 млрд АҚШ долларини ташкил этган бўлса, депозитлар суммаси 2400 млрд АҚШ долларини ташкил этган ва кредитлардан 1,8 марта кўп. Bank of America банкида эса кредитлар 1040 млрд АҚШ долларини ташкил этган бўлса, депозитлар 1924 млрд АҚШ долларида иборат бўлган⁷⁰.

Буюк Британиянинг энг йирик банки HSBC банкида жами кредитлар суммаси 824,8 млрд фунт стерлинг бўлса, депозитларнинг умумий суммаси 1264 млрд фунт стерлингдан иборат бўлган. Barclays банкида эса депозитлар кредитларга нисбатан 1,5 марта кўп бўлиб, кредитларнинг суммаси 342,7 млрд фунт стерлинг бўлса, депозитлар ҳажми 524,3 млрд фунт стерлингдан иборат⁷¹.

Италияда банк тизими 2023 йилда депозитлари ҳажми банк кредитларидан 1,2 марта кўп бўлса, Испанияда 1,13 марта, Бельгияда 1,1 марта, Мальтада 1,3 марта ва Португалияда 1,2 марта кўпроқ⁷².

Тижорат банкларининг энг асосий ва барқарор ресурс маблағлари бу банк капитали ҳисобланади ва унинг ортиши ва самарадорлиги барқарор банк фаолиятининг кафолатидир. Банк тизими капиталлашув даражасининг ортиб бориши банкларда юзага келиши мумкин бўлган рискларни олдини олади ва катта йўқотишларни тезда қоплаш имконини беради. “2023 йилда банклар


⁷⁰ <https://www.wsj.com/market-data>

⁷¹ <https://www.wsj.com/market-data/quotes/UK/BARC/financials/annual/balance-sheet>

⁷² <https://www.ebf.eu/wp-content/uploads/2024/12/EBF-Banking-in-Europe-Facts-Figures-2024-2023-banking-statistics-December-2024.pdf>

жами капитали ҳажми 22 фоизга ошиб, йил якуни бўйича 97 трлн сўмга, устав капитали миқдори 15 фоизга ўсиб, қарийб 69 трлн сўмга етди. Шунингдек, 2023 йил якунлари бўйича банк тизимида регулятив капитал миқдори 106 трлн сўмни ва таваккалчиликка тортилган активлар 604 трлн сўмни, капитал етарлилиги кўрсаткичи 17,5 фоизни (минимал талаб 13 фоиз) ташкил этди”⁷³.

Мамлакатимиз банк тизими капиталида йирик давлат банкларининг улуши катта бўлиб, охириги йилларда хусусий банкларнинг улуши ошганлигини кўришимиз мумкин. Айниқса, АТИБ Ипотека-банкнинг хусусийлаштирилиши банк капитали таркибида сезиларли ўзгаришларни келтирди. Бундан ташқари, бошқа йирик давлат банкларини хусусийлаштириш жараёни устида ҳам иш олиб борилмоқда ва уларнинг ижобий натижаси банк тизимидаги соф рақобат соғломлаштиришга ўз ҳиссасини қўшади.



2.1-расм. Банк тизими фаолияти асосий кўрсаткичларининг ўзгариши⁷⁴, фоизда

Сўнгги уч йиллик даврда банк тизими активлари миқдори сезиларли ошган бўлсада, аммо охириги йилда унинг ўсиш даражаси 3 мартадан ортиқ

⁷³ <https://cbu.uz/uz/statistics> маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

⁷⁴ <https://cbu.uz/uz/statistics> маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

пасайган, хусусан, 2022 йилда ўсиш даражаси 25 фоизни ташкил этган бўлса, 2023 йилда ўсиш суръати 17 фоизни ташкил этган (2.1-расм).

Жами кредит қўйилмаларининг ўсиш суръати барқарор бўлиб, 18-22 фоизни ташкил этган. Жами депозитларнинг ўзгариши охириги йилда 39 фоиздан 12 фоизга қадар пасайганлигини кўриш мумкин.

Банк капитали эса охириги йилда 10 фоиз бандга ошиб, ўсиш суръатини 12 фоиздан 22 фоизга оширган.

2.2-жадвал.

Банк тизими капитали таркиби тўғрисида маълумот⁷⁵, млн сўм

№	Кўрсаткичлар	01.01.2024		01.01.2023		01.01.2022	
		сумма	фоиз	Сумма	фоиз	сумма	фоиз
1	Устав капитали	68312285	70,37	59345216	74,59	54260853	76,51
1.1.	Акциялар – оддий	68273833	70,33	59275498	74,50	54191135	76,41
1.2.	Акциялар – имтиёзли	38452	0,04	69718	0,09	69717	0,10
2	Қўшилган капитал	13387722	1,38	997476	1,25	675486	0,95
3	Захира капитали	11483330	11,83	7832169	9,84	8951351	12,62
3.1.	Умумий захира фонди	10882563	11,21	6998347	8,80	5117908	7,22
3.2.	Девальвация учун захира	330706	0,34	511522	0,64	499112	0,70
3.3.	Стандарт активлар бўйича захира	0	0,00	0	0,00	2922117	4,12
3.4.	Бошқа захира фондлари	270062	0,28	322300	0,41	412213	0,58
4	Тақсимланмаган фойда	15944770	16,42	11390569	14,32	7029908	9,91
4.1.	шундан, жорий йил соф фойдаси (зарари)	9250931	9,53	7390605	9,29	3178523	4,48
5.	Жами хусусий капитал	97079157	100,00	79565429	100,00	70917598	100,00

Ушбу жадвалда мамлакат банк тизими капитал таркиби келтирилган бўлиб, банк капитали таркибида устав капитали мутлақ катта салмоқни эгаллайди (2.2-жадвал). 2022 йилда устав капиталининг улуши 76,51 фоиз ёки 54261 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб унинг улуши 6,14 фоиз бандга пасайиб, 70,37 фоизни ташкил этган. Аммо устав капитал суммаси 14052 млрд сўмга ошган. Бунинг асосий сабаби сифатида тақсимланмаган

⁷⁵ <https://cbu.uz/oz/statistics> маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

фойданинг кескин ўсиши ҳисобланади. Мазкур ҳолатни ижобий баҳолашимиз мумкин, чунки банк капитали таркибий жиҳатдан мустаҳкамланган.

Устав капитали таркибида оддий акцияларнинг улуши асосий бўлиб, бу банк тизимида хорижий инвесторларни қизиқишини ошириши мумкин. Чунки оддий акциялар банкларга эгалик қилиш ҳуқуқи билан бирга уларни бошқариш имкониятини ҳам тақдим этади.

Қўшилган капитал сезиларли даражада ошган бўлиб, 2022 йилда унинг улуши 0,95 фоиз бўлса, 2024 йилга келиб эса 1,38 фоиз ёки 1,3 трлн сўмдан ошган. Ушбу ижобий ўзгаришни фонд бозоридаги фаоллик билан изоҳлаш мумкин, яъни қимматли қоғозлар бозорида тижорат банклари акцияларига бўлган талаб ошган ва улар билан боғлиқ операциялар фаоллашган. Хориж амалиётида айнан қўшилган капитал жами капитал таркибида асосий ўринни эгаллайди.

Банк тизимининг захира капитали 2022 йилда 12,62 фоиз ёки 8951351 млн сўм бўлса, 2024 йилга бироз ўзгарган, яъни 11,83 фоиз ёки 11483330 млн сўмни ташкил этган. Бунинг асосий сифатида эса девальвация учун захиранинг камайиши ва стандарт активлар бўйича захиранинг мажбуриятларга ўтказилиши ҳисобланади. Девальвация захираси агар банк устав капитали хорижий валютада шакллантирилган бўлса, хорижий валютанинг жорий валюта курси ўртасидаги фарқни қоплаш учун ташкил этилади. Ҳозирги пайтда мамлакатимиз банк тизимида фақатгина Эрон Содерот банкида мавжуд. Захира капитали таркибида умумий захира фонди асосий ўринни эгаллайди ва унинг суммаси охириги уч йилда деярли 2 бараварга ортган. Мазкур захира банк фаолиятида вужудга келадиган ҳар қандай зарар ёки харажатларни қоплаш учун ишлатилади ва шунинг учун банклар фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

Банкларнинг тақсимланмаган фойда кўрсаткичи ҳам охириги йилларда барқарор ошиб борган 2022 йилда 9,91 фоизни ташкил этган бўлса, 2024 йил бошига келиб 16,42 фоизга етган. Суммада мос равишда 7029 млрд сўмдан 15944 млрд сўмга қадар ошган. Ушбу кўрсаткич банкларнинг жорий йил соф

фойдаси ва дивиденд сиёсатига боғлиқ бўлиб, банкларнинг молиявий ҳолатидан келиб чиқиб ўзгариб боради.

Қуйидаги жадвалда мамлакат банк тизимида хусусий капиталнинг охириги уч йилдаги ўзгаришини таҳлил қиламиз (2.3-жадвал).

2.3-жадвал.


Мамлакат банк тизимида хусусий капиталнинг ўзгариши⁷⁶, млн сўм

№	Кўрсаткичлар	01.01.2022	01.01.2023	01.01.2024
1.	Ўтган йил учун дастлабки ҳисобланган умумий капитал	55795863	70652310	80006834
2.	Хусусий капиталдаги ўтган йил учун ҳисоботларда кўрсатилмаган тузатишлар, (соф)	2413947	-9786	-15008
3.	Ўтган календар йили якуни бўйича балансдаги тузатишлар	58209810	70642524	79991826
4.	Йил бошидан соф фойда (зарар)	3885319	9993430	12379995
5.	Жорий йилда сотиш, айирбошлаш, сотиб олиш ёки қайтиб сотиб олиш (соф кирим)	8842287	2862967	6130817
6.	Жорий йил учун бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси	-100181	-17881	-875
7.	МИНУС: Имтиёзли акциялар бўйича эълон қилинган пул дивидендлари	2632	4645	4645
8.	МИНУС: Оддий акциялар бўйича эълон қилинган пуллик дивидендлар	434598	699085	1715316
9.	Жорий йилнинг соф хусусий капиталига таъсир этувчи бошқа моддалар	517593	-3211881	297357
10.	Жорий давр якуни бўйича жами хусусий капитал	70917598	79565429	97079158

Банк тизими хусусий капитали 2022 йилда 70,9 трлн сўмни, 2023 йилда эса 79,6 трлн сўм ва 2024 йил бошига келиб 97,1 трлн сўмни ташкил этган. Охириги йилда банк капиталининг кескин ошиши банкларнинг устав капиталига бўлган минимал талабларнинг ошганлиги билан боғлиқ. Қолаверса, мазкур даврда банкларнинг соф фойда ортиши кузатилган, яъни 2022 йилда 2,6 марта ошган бўлса, 2023 йилда эса 1,3 мартага ошган.

⁷⁶ <https://cbu.uz/uz/statistics> маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

Банк тизими хусусий капитал таркибида умумий капитал асосий ўринни эгаллайди, яъни 2022 йилда унинг салмоғи 78,7 фоиз, 2023 йилда эса 88,8 фоизга қадар кўтарилган бўлса, 2024 йилга келиб 82,4 фоизни ташкил этган.



2.2-расм. Банк тизими капитал монандлиги коэффицентлари⁷⁷, фоизда

Банк тизими капитали етарлилик кўрсаткичлари банкларнинг барқарорлигини ифодаловчи энг муҳим ва бажарилиши шарт бўлган кўрсаткичлардан ҳисобланади. Олдинги параграфларда кўриб ўтганимиздек, Банк назорати бўйича Халқаро Базель қўмитасининг асосий ҳужжатлари ва талаблари айнан капитал билан боғлиқ ва уларга минимал талабларни келтириб ўтади, уларни таъминлашни тавсия қилади.

Биринчи даражали асосий капиталнинг етарлилик даражаси биринчи даражали асосий капитални рискка тортилган активларга бўлиш орқали ҳисобланади ва у ҳозирда 14 фоиздан юқори. Ушбу коэффицентнинг минимал даражаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 8 фоиз этиб белгиланган. Кўриш мумкинки, белгиланган меъёрдан 50 фоиз ортиғи билан таъминланган.

⁷⁷ <https://cbu.uz/uz/statistics> маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

Биринчи даражали капиталнинг етарлилик даражаси биринчи даражали капитални рискка тортилган активларга нисбати орқали аниқланади ва унинг минимал даражаси 10 фоиз этиб белгиланган. Мамлакатимиз амалиётида 2022 йилда 14,62 фоиз, 2023 йилда 14,49 фоиз ва 2024 йил бошида 14,06 фоизни ташкил этган (2.2-расм).

Капитал етарлилигининг кейинги коэффиценти бу регулятив капиталнинг етарлилик коэффиценти бўлиб, у жами регулятив капитални рискка тортилган активларга бўлиб орқали аниқланади. Бу кўрсаткичнинг минимал даражаси 13 фоиз этиб белгиланган ва мамлакатимиз банк тизими амалиётида у 17 фоиздан юқори бўлмоқда.

2.4-жадвал.

Банк капитали билан боғлиқ молиявий барқарорлик кўрсаткичлари⁷⁸

	Кўрсаткичлар	01.01.2022	01.01.2023	01.01.2024
1.	Капитал рентабеллиги	6,10%	13,38%	14,24%
	Соф фойда	3885319	9993430	12379995
	Жами капитал ҳажми (мазкур давр учун ўртача)	63657697	74697876	86923392
2.	Жами капитал/жами активлар	15,94%	14,29%	14,89%
	Жами капитал	70917598	79565429	97079158
	Жами активлар	444922475	556746263	652157089
3.	Захиралар чегирилган ҳолда харакатсиз кредитлар/жами капитал	12,95%	9,38%	10,83%
	Захиралар чегирилган ҳолда харакатсиз кредитлар миқдори	9186157	7466769	10515466
	Жами капитал	70917598	79565429	97079158

Банкларда капиталнинг рентабеллиги кўрсаткичи асосий молиявий кўрсаткич бўлиб, банк ўз капиталидан қай даражада самарали фойдаланганлигини кўрсатади, яъни бир бирлик капитали қанчалик даромад олиб келганлигини ўзида ифодалайди.

⁷⁸ <https://cbu.uz/oz/statistics> маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

Мамлакатимиз банк тизимида капитал рентабеллик даражаси 2022 йилда 6,1 фоиз бўлса, 2024 йилга келиб 2 мартадан кўпроқ ошган ва 14,24 фоизни ташкил этган. Мазкур ҳолатни банкларнинг соф фойдасини ошганлиги билан изоҳлаш мумкин (2.4-жадвал).

Хориж амалиётда инвесторлар ушбу кўрсаткичга асосий эътиборни қаратишади ва инвестиция қилишади. Хусусан, АҚШ банк тизимида 2024 йилда 11,14 фоизни ташкил этган. Бунда JPMorgan Chase банкида 15,79 фоиз, Fifth Third Bankда 11,66 фоиз, Citizens Bank да 10,7 фоиз ва Wells Fargo банкида 9,6 фоизни ташкил этган⁷⁹.

Европа Иттифоқи давлатларида эса бу кўрсаткич 2023 йилда 10,6 фоиздан (Мальта) 21,8 фоизгача (Кипр, Венгрия)ни ташкил этади. Барча ЕИ мамлакатлари сўнгги икки йил давомида кетма-кет ижобий ROEга эга бўлди, уларнинг йигирма учтасида икки хонали сон бўлса, тўртта мамлакат – Германия (5,7 фоиз), Франция (5,9 фоиз), Ирландия (7,6 фоиз) ва Люксембург (8,3 фоиз)да бир хонали сонни ташкил этди. Энг юқори (Венгрия) ва энг паст (Германия) ROE ўртасидаги фарқ 2023 йилда 16,1 фоиз бандни ташкил этди, бу 2022 йилдаги 12,4 дан юқори, аммо 2013 йилда қайд этилган 101,6 дан жуда узоқдир⁸⁰.

Жами капиталнинг жами активларга нисбати кўрсаткичи банк активларининг қанча қисми ўз капиталидан молиялаштирилаётганлигини кўрсатади. Мазкур кўрсаткичнинг халқаро тавсия этиладиган нормаси 8-12 фоизни ташкил этиши лозим. Мамлакатимизда эса 2022 йилда 15,94 фоизни ташкил этган, 2023 йилга келиб 14,29 фоизга тушган ва 2024 йил бошида 14,89 фоизга етган. Шунингдек, бу кўрсаткичдан рискларни баҳолашда ҳам фойдаланиш мумкин, яъни коэффициент қанчалик юқори бўлса, шунчалик ўз ресурсларидан фойдаланётган бўлади, агар коэффициент паст бўлса, ташқи ресурслардан фойдаланаётган бўлади ва бу ҳолат рискларга мойил ҳисобланади.

⁷⁹ <https://www.statista.com/statistics/1110550/roe-us-banking-industry>

⁸⁰ <https://www.ebf.eu/wp-content/uploads/2024/12/EBF-Banking-in-Europe-Facts-Figures-2024-2023-banking-statistics-December-2024.pdf>

Захиралар чегирилган ҳолда ҳаракатсиз кредитларнинг жами капиталга нисбати 2022 йилда 12,95 фоизни ташкил этган бўлса, 2023 йилда 9,38 фоизга қадар пасайган ва 2024 йил бошига келиб бироз ўсишни қайд этган ва 10,83 фоизни ташкил этган. Мазкур кўрсаткич 20 фоиздан паст бўлиши керак.

2.5-жадвал.

Банк тизими депозитлари таркиби тўғрисида маълумот⁸¹, млрд сўм

№	Депозит турлари	01.01.2022		01.01.2023		01.01.2024	
		млрд сўм	фоиз	млрд сўм	фоиз	млрд сўм	фоиз
1.1	Талаб қилиб олингунча депозитлар	49588,7	31,75	63509,9	29,30	59613,7	24,67
1.1.1	Аҳолининг талаб қилиб олингунча омонатлари	2906,7	1,86	8419,4	3,88	8885,8	3,68
1.1.2	Кредит таъминоти сифатида жалб этилган аҳоли омонатлари	49,0	0,03	51,0	0,02	27,5	0,01
1.1.3	Кредит таъминоти сифатида жалб этилган бошқа депозитлар	6,1	0,00	1,1	0,00	1,7	0,00
1.1.4	Талаб қилиб олингунча бошқа депозитлар	46626,9	29,85	55038,3	25,39	50698,7	20,98
1.2	Муддатли депозитлар	86490,5	55,38	115179,3	53,14	153200,5	63,39
1.2.1	Аҳоли омонатлари	29722,1	19,03	43514,3	20,08	62985,7	26,06
1.2.2	Чиқарилган депозит сертификатлари	545,0	0,35	638,9	0,29	538,7	0,22
1.2.3	Бошқа муддатли депозитлар	56223,4	36,0	71026,1	32,77	89676,1	37,11
1.3	Мижозларнинг бошқа депозитлари	20110,6	12,88	38048,3	17,56	28872,4	11,95
1.3.1	Жисмоний шахсларнинг банк пластик карталаридаги маблағлари	9901,5	6,34	16763,9	7,73	20893,0	8,64
1.3.2	Бошқа мијозларнинг банк пластик карталаридаги маблағлари	278,1	0,18	271,3	0,13	271,1	0,11
1.3.3	Мижозларнинг аккредитив бўйича депозитлари	4607,2	2,95	3826,4	1,77	3200,4	1,32
1.3.4	Бошқалар	5323,8	3,41	17186,7	7,93	4508,0	1,87
1.4	Жами депозитлар	156189,8	100,00	216737,5	100,00	241686,6	100,00

Банкларнинг ресурслари ичида энг катта улушни шубҳасиз жалб қилинган маблағлар эгаллайди, банклар асосан ушбу ресурслар ҳисобидан ўз актив операцияларини амалга оширади, фаолиятини кенгайтиради. Мазкур маблағларнинг катта қисми банк депозитларига тўғри келишини инобатга

⁸¹ <https://cbu.uz/uz/statistics> маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

олсак, банкларнинг депозит фаолияти тўғри ва самарали йўлга қўйилиши банкларда молиявий ресурслар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш имкониятини беради.

Мамлакатимиз банк тизими депозитлари таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, муддатли депозитларнинг улуши ортганлигини кўришимиз мумкин (2.5-жадвал), яъни 2022 йилда муддатли депозитларнинг улуши 55,38 фоизни ташкил этган бўлса, 2023 йилда 53,14 фоиз ва 2024 йилга келиб 63,39 фоизни ташкил этган. Фикримизча, мазкур ҳолат банкларда талаб қилиб олингунча бўлган депозитларнинг улушини пасайиши билан боғлиқ бўлиб, бунини ижобий баҳолаш мумкин. Айниқса, аҳоли омонатларининг ошиши банкларга бўлган ишончнинг ошганлигидан далолат беради, қолаверса, аҳолига пассив даромад олиб келади. Муддатли депозитларнинг ошиши банкларда рискларни пасайтиради, узоқ муддатли лойиҳаларни молиялаштириш ҳажмини оширади, тактик ва стратегик режалаштиришга имкон беради.

Талаб қилиб олингунча депозитларнинг улуши пасайиш тенденциясига эга бўлиб, охириги уч йилда 7,08 фоиз бандга пасайиб, 2024 йил бошида 24,67 фоизни ташкил этмоқда. Талаб қилиб олингунча депозитлар банклар учун арзон молиявий ресурс ҳисоблансада, улар барқарор эмас, яъни узоқ муддатли активларга жойлаштириш имкониятини бермайди. Агарда банк талаб қилиб олингунча депозитларни узоқ муддатли активларга жойлаштиради, бунда банкларда трансформация rischi пайдо бўлади, яъни жалб қилинган ресурслар билан жойлаштирилган ресурсларнинг муддатида фарқ юзага келади. Жаҳон банки экспертларининг тавсиясига кўра, уларнинг улуши 30 фоиздан ошмаслиги керак. Ушбу кўрсаткичнинг жуда пасайиб кетиши ҳам банкларга маъқул эмас, чунки банкларда ликвидлиликни таъминлашга хизмат қиладди, агар пасайиб кетса, банкларда ликвидлилик регулятор томонидан ўрнатилган нормани бажара олмаслиги мумкин.

Мижозларнинг бошқа депозитлари таркибида жисмоний шахсларнинг банк пластик карталаридаги маблағлари катта улушга эга бўлиб, охириги 3 йилда 2,1 мартага ошган. Бунга асосий сабаб сифатида COVID-19 пандемияси

шароитида аксарият аҳолининг нақд пулдан кўра пластик карталарга иш ҳақларини ўтказиб беришларини афзал кўриши ҳисобланади. Умуман олганда мамлакат банк тизими депозит базаси яхшиланганлигини кўриш мумкин.

2.6-жадвал.

Мижоз турларига кўра депозитлар таркиби тўғрисида маълумот⁸², млрд сўм

№	Мижозлар	01.01.2022		01.01.2023		01.01.2024	
		млрд сўм	фоиз	млрд сўм	фоиз	млрд сўм	фоиз
1.	Ҳукумат	38679,8	24,76	45094,03	20,81	59483,07	24,61
2.	Жисмоний шахслар	42376,68	27,13	68748,58	31,72	92792,55	38,39
3.	Давлат корхоналари	15527,62	9,94	16992,89	7,84	10866,28	4,50
4.	Чет эл капитали иштирокидаги корхоналар	16101,8	10,31	23800,14	10,98	21428,64	8,87
5.	Хусусий корхоналар	26136,04	16,73	33945,76	15,66	40169,89	16,62
6.	Бошқа депозитлар	17367,88	11,12	28156,15	12,99	16946,19	7,01
7.	Жами депозитлар	156189,83	100	216737,54	100,00	241686,63	100,00

Банк тизими депозитларини мијозлар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, бунда яққол ўсиш жисмоний шахсларнинг депозит турларида кузатилган (2.6-жадвал). 2022 йилда жисмоний шахсларнинг улуши жами депозитларга нисбатан 27,13 фоизни ёки ташкил 42376 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб 38,39 фоиз ёки 92792,55 млрд сўмга қадар ошган. Ҳукуматнинг депозитлари миқдори ошиб борган бўлсада, аммо улуши охирги уч йилда 24,76 фоиздан 24,61 фоизга пасайган.

Давлат корхоналари депозитлари миқдори 15527,6 млрд сўмдан 10866 млрд сўмга қадар камайган бўлса, унинг улуши кескин камайган ва 9,94 фоиздан 4,5 фоизга тушган.

Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарнинг депозит маблағлари ҳажми бироз ошган бўлсада, аммо салмоғи 1,44 фоиз бандга пасайган.

⁸² <https://cbu.uz/uz/statistics> маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

Хусусий корхоналарнинг депозитлари ҳажми охириги уч йиллик даврда 26,1 трлн сўмдан 40,2 трлн сўмга қадар ошган бўлсада, унинг салмоғи деярли ўзгаришсиз бўлиб, ўртача 16 фоизни ташкил этган.

Шунингдек, бошқа депозитлар тоифасига кирувчи депозитларнинг улуши 11,12 фоиздан 7,01 фоизга тушган.

2.7-жадвал.

Жами депозитларнинг муддатлари бўйича қолдиғи⁸³, млрд сўм

Сана		Жами	Муддатлари бўйича				
			Талаб қилиб олингунча	1 кундан 30 кунгача	30 кундан 180 кунгача	180 кундан 365 кунгача	1 йилдан юқори
01.01. 2024 й.	млрд с	241 687	85 198	6 301	30 028	34 952	85 209
	фоиз	100	35,25	2,61	12,42	14,46	35,26
01.01. 2023 й.	млрд с	216 738	92 553	4 463	25 587	26 855	67 280
	фоиз	100	42,70	2,06	11,81	12,39	31,04
01.01. 2022 й.	млрд с	156 190	66 129	5 291	18 780	20 826	45 164
	фоиз	100	42,34	3,39	12,02	13,33	28,92


Мамлакатимиз банк тизими жами депозитларининг муддатлари бўйича таҳлил қиладиган бўлсак (2.7-жадвал), 2022 йилда энг катта улушни талаб қилиб олингунча депозитлар эгаллаган бўлиб, унинг улуши 42,34 фоиз ёки 66,1 трлн сўмни ташкил этган. Кейинги ўринларни 1 йилдан ортиқ муддатга қўйилган депозитлар 28,9 фоиз ёки 45,2 трлн сўм, 180 кундан 365 кунгача бўлган муддатли депозитларнинг улуши 13,33 фоиз ёки 20,8 трлн сўмдан иборат бўлса, 30 кундан 180 кунгача депозитлар 12,02 фоиз (18,8 трлн сўм) ва 1 кундан 30 кунгача бўлган депозитлар 3,39 фоиз (5,3 трлн сўм)ни ташкил этган.

2024 йилга келиб депозитлар таркибида бир қатор ўзгариш рўй берган, яъни 1 йилдан юқори депозитларнинг улуши 35,3 фоизга қадар ошган ва 85,209 трлн сўмни ташкил этган. Ўз навбатида, талаб қилиб олингунча депозитларнинг улуши 7,09 фоиз бандга пасайиб 35,25 фоиз ёки 85,198 трлн

⁸³ <https://cbu.uz/uz/statistics> маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

сўмни ташкил этган. Кейинги ўринларда эса 180 кундан 365 кунгача бўлган муддатли депозитлар 14,46 фоиз (34,9 трлн сўм), 30 кундан 180 кунгача депозитлар 12,42 фоиз (30,028 трлн сўм) ва 1 кундан 30 кунгача бўлган депозитлар 2,61 фоиз (6,301 трлн сўм)ни ташкил этган (2.3-расм).

Банкларда депозитларнинг муддати бўйича тақсимоотида узоқ муддатли депозитларнинг (1 йилдан ортиқ) улуши юқори бўлиши барқарорлик даражасини оширади, қисқа муддатли депозитларнинг (1 йилгача) улушини юқори бўлиши эса банкларда ликвидлилик рискни келтириб чиқариши мумкин. Халқаро экспертларнинг тавсиясига кўра, қисқа муддатли депозитларнинг улуши 50-60 фоиз атрофида бўлиши, узоқ муддатли депозитларнинг улуши 40-50 фоиз атрофида бўлиши тавсия этилади. Аммо, ҳар бир банк ўз стратегиясидан келиб чиқиб, депозит сиёсатини ишлаб чиқади ва амалиётга жорий этади. Қуйидаги расмда депозитларнинг муддати бўйича ўзгариши яққол намоён бўлган.



2.3-расм. Жами депозитларнинг муддатлари бўйича қолдиғи⁸⁴, млрд сўм

Хулоса қилиб айтганда, депозитларнинг муддатлари бўйича таркиби йил сайин яхшиланиб бормоқда, узоқ муддатли депозитларнинг улуши ортиш

⁸⁴ <https://cbu.uz/uz/statistics> маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

тенденциясини кўрсатмоқда. Мазкур ҳолат банкларнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини, биринчи навбатда узоқ муддатли ва барқарор ресурсларга бўлган эҳтиёжини қондиришда муҳим роль ўйнайди.

Фикримизча, банкларда депозитларнинг барқарорлик даражасини бир нечта мезонлар орқали баҳолаш мумкин: узоқ муддатли ва жисмоний шахсларнинг депозитлари улуши юқори бўлиши, депозитларнинг диверсификация даражаси, депозитларнинг фоиз ставкаси ва бошқалар.

Депозитларнинг фоиз ставкаси банк ва молия соҳаси учун муҳим индикаторлардан бири ҳисобланади. Депозитларнинг фоиз ставкаси даражаси банкка ресурсларни жалб қилишда, инвестиция муҳитини шакллантиришда ва жозибадорлигини оширишда, молиявий барқарорликни таъминлашда асосий омил бўлади.

2.8-жадвал.

Тижорат банкларининг миллий ва чет эл валютасидаги банк депозитлари бўйича фоиз ставкалари⁸⁵, фоизда

Кўрсаткичлар	миллий валютада			хорижий валютада		
	2021	2022	2023	2021	2022	2023
1 йилгача бўлган жами муддатли депозитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари	15,0	17,6	18,4	2,8	4,4	2,6
1 йилдан юқори бўлган жами муддатли депозитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари	18,3	19,6	20,5	2,9	4,2	5,8

Мамлакат тижорат банкларининг 1 йилгача бўлган жами муддатли депозитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси миллий валютада ўсиш ҳолатини қайд этган (2.8-жадвал), яъни 2021 йилда 15 фоиз, 2022 йилда 17,6 фоиз ва 2023 йилда 18,4 фоиз бўлса, хорижий валютада кескин ўзгаришларни кузатиш мумкин, 2021 йилда 2,8 фоиз, 2022 йилда 4,4 фоизгача кўтарилган ва 2023 йилда 2,6 фоизни ташкил этган.

⁸⁵ <https://cbu.uz/uz/statistics> маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

1 йилдан юқори бўлган жами муддатли депозитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари миллий валютада охириги уч йилликда 18,3 фоиз, 19,6 фоиз ва 20,5 фоизга етган бўлса, хорижий валютада сезиларли ўқиш қайд этилган, яъни 2021 йилда 2,9 фоиз бўлса, 2022 йилда 4,2 фоиз ва 2023 йилда 5,8 фоизга ошиб кетган.

Хулоса қилиш мумкинки, охириги йилларда узоқ муддатли хорижий депозитларга нисбатан банкларда эҳтиёж ошганлиги сабабли таклиф ошган ва бу ўз навбатида хорижий валютадаги депозитларнинг фоиз ставкасини кўтарилишига туртки берган.

2.9-жадвал.

Тижорат банкларининг миллий валютадаги банк депозитлари бўйича фоиз ставкалари⁸⁶, фоизда

Депозит тури ва муддати	2021	2022	2023
Жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари	20,2	20,2	21,5
- 30 кунгача	14,4	12,9	10,5
- 31 кундан 90 кунгача	16,7	16,4	16,1
- 91 кундан 180 кунгача	19,3	14,8	22,7
- 181 кундан 365 кунгача	18,7	20,5	20,7
- 1 йилдан юқори	20,8	20,9	21,6
Юридик шахсларнинг муддатли депозитлари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари	15,1	16,9	17,9
- 30 кунгача	14,5	18,0	16,8
- 31 кундан 90 кунгача	12,3	14,1	13,2
- 91 кундан 180 кунгача	15,7	13,9	22,7
- 181 кундан 365 кунгача	14,7	18,1	17,9
- 1 йилдан юқори	15,9	16,6	18,7

Миллий валютадаги банк депозитлари бўйича фоиз ставкаларини таҳлил қиладиган бўлсак, бунда жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари охириги уч йилда 20,2 фоиздан 21,5 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин (2.9-жадвал). Муддатлари бўйича энг баланд фоиз ставка 91 кундан 180 кунгача бўлган депозитларда кузатилган бўлиб, у 2023 йилда 22,7 фоизни ташкил этган. Шунингдек, 1 йилдан ортиқ

⁸⁶ <https://cbu.uz/uz/statistics> маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

депозитларнинг фоиз ставкаси 2023 йилда
2021 йилга нисбатан 0,8 фоиз бандга ошган ва 21,6 фоизни ташкил этган.

Юридик шахсларнинг муддатли депозитлари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси 17,9 фоиз бўлиб, уларнинг ичида энг юқори фоиз ставкаси 91 кундан 180 кунгача бўлган депозитларда кузатилган бўлиб, у 2023 йилда 22,7 фоизни ташкил этган, 1 йилдан ортиқ депозитларнинг ставкаси эса 18,7 фоизни ташкил этади.

2.10-жадвал.

Тижорат банклари депозитлари ва капитали таркибида давлат банклари ва бошқа банкларнинг улуши⁸⁷, фоизда

Сана	Депозитлар					Капитал				
	Жами	шундан:				Жами	шундан:			
		давлат улуши мавжуд банклар	улуши, фоизда	бошқа банклар	улуши, фоизда		давлат улуши мавжуд банклар	улуши, фоизда	бошқа банклар	улуши, фоизда
01.01.2022	156189,8	104248,0	66,7	51941,8	33,26	70917,6	57695,2	81,4	13 222,4	22,92
01.01.2023	216737,5	135534,4	62,5	81203,1	37,47	79565,4	61919,2	77,8	17 646,3	22,18
01.01.2024	241686,6	124357,7	51,5	117328,9	48,55	97079,2	63239,3	65,1	33 839,8	34,86

Мамлакат банк тизимида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида давлат улуши мавжуд тижорат банкларини трансформация қилиш ишлари устида фаол иш олиб борилмоқда. “2020 йил 12 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ–5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизimini ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди”⁸⁸. Ушбу Фармоннинг 2-иловасида давлат улуши мавжуд банкларни хусусийлаштириш кўрсатиб ўтилган. Сўнгги йилларда қатор давлат улуши мавжуд тижорат банклари хусусийлаштирилди. Хусусан, «Азия альянс банк» АТБ, «Ипотека-банк» АТИБ, «Ўзагроэкспортбанк» АТБ ва «Пойтахт банк» АТБларда давлат улуши сотилди. Бунинг натижасида давлат банкларининг улуши сезиларли даражада

⁸⁷ <https://cbu.uz/uz/statistics> маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

⁸⁸ https://cbu.uz/uz/press_center/news/269986/

пасайди, яъни 2021 йилда жами депозитларнинг 66,7 фоизи давлат улуши мавжуд тижорат банклари ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2024 йил бошида бу кўрсаткич 51,5 фоизга қадар пасайган (2.10-жадвал).

Банк тизими капитали таркибида ҳам ижобий ўзгаришлар бўлган, яъни 2021 йилда жами банк тизими капиталининг 81,4 фоизи давлат улуши мавжуд банкларда шаклланган бўлса, 2024 йилга келиб унинг улуши 65,1 фоизга қадар пасайган.

Юқоридаги Фармонга асосан, бир қатор давлат банклари хусусийлаштирилиши лозим бўлиб, «Асака» АТБ, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ, «Алоқабанк» АТБ, АТ Халқ банки, «Туронбанк» АТБ, Бизнесни ривожлантириш банки АТБ трансформация қилишни кўзда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2024 йил 27 декабрдаги ПФ-227-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Фармонни имзолади. Унга кўра, Ўзбекистонда анчадан бери хусусийлаштирилиши кутилаётган учта давлат банки - «Асака» АТБ, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ, «Алоқабанк» АТБни сотиш 2025 йилга чўзилади.

Банкларни хусусийлаштириш, биринчи навбатда хорижий инвесторларга сотишнинг бир қатор афзалликлари мавжуд:

банк фаолияти самарадорлигини оширади;

банкларга сифатли менежмент ва янги инновацион технологияларни жалб қилиш имконияти кенгаяди;

халқаро молия институтлари ва инвесторлардан капитал ва инвестиция жалб қилиш имкониятини беради;

банклар фаолияти шаффофлигини таъминлайди, коррупцияни олдини олишга ёрдам беради;

банк бозорида соф ва ҳалол рақобат муҳити шаклланади, миқдорларда танлаш имконияти кўпаяди;

банкларда янги маҳсулотларнинг сони ва сифати ошади;

маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга халқаро бозорларга тўғридан-тўғри чиқиш имконияти пайдо бўлади;

мамлакатнинг халқаро нуфузини оширишга хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, банкларни самарали хусусийлаштириш банк фаолиятини ривожланишига, иқтисодиётни ўсишига, банк тизми молиявий барқарорлигини таъминлашга катта ҳисса қўшади.

2.2. Банкларнинг молиявий ресурслари барқарорлигига таъсир этувчи омилларнинг эконометрик таҳлили

Тижорат банкларининг сўнгги йиллардаги бир қанча тўпланган маълумотлари асосида улар ресурс базасига таъсир этувчи омилларнинг эконометрик модели шакллантирилди. Ушбу эконометрик модель бир қанча омилли регрессион ҳамда корреляцион таҳлил асосида тузилган бўлиб 2020-2024 йилларнинг ойлар кесимини қамраб олган.

Номустақил ўзгарувчи сифатида тижорат банклари барқарор ресурс базасини шакллантирадиган капитал миқдори олинган бўлса, мустақил ўзгарувчилар сифатида эса, муаммоли кредитларнинг ҳажми, миллий валютадаги кредитлар бўйича фоиз ставкалари, капитал етарлилиги кўрсаткичи, активлар самарадорлиги (ROA) ҳамда капитал самарадорлиги (ROE) танлаб олинган. Мазкур омилларнинг эконометрик таҳлили ўрганилиб, кўп омилли эконометрик модель, яъни энг кичик квадратлар модели (OLS модель) шакллантирилди. Ушбу моделнинг математик формуласи қуйидагича белгилаб олинган:

$$\log CAP = \beta_0 + \beta_1 \times \log NPL + \beta_2 \times Interest + \beta_3 \times Capadeq + \beta_4 \times ROA + \beta_5 \times ROE + \varepsilon$$

Bu yerda:

β_0 - ўзгармас миқдор

$\log CAP$ – капиталнинг логарифмланган миқдори

$\log NPL$ – муаммоли кредитлар логарифмланган миқдори

Interest – миллий валютадаги кредитлар бўйича фоиз ставкалари

Capadeq – капитал етарлилиги кўрсаткичи

ROA – активлар самарадорлиги

ROE – капитал самарадорлиги

ε – хатолик миқдори

Корреляциялар матрицаси

Variables	(1)	(2)	(3)	(4)	(5)	(6)
(1) CAP	1.000					
(2) NPL	0.786	1.000				
(3) Interest	0.178	-0.137	1.000			
(4) Capadeq	-0.805	-0.897	0.310	1.000		
(5) ROA	0.320	-0.074	0.369	-0.007	1.000	
(6) ROE	0.480	0.061	0.454	-0.121	0.846	1.000

Корреляция коэффицентлари бўйича умумий қуйидагича хулосага келишимиз мумкин:

1. NPL (Муаммоли кредитлар) ва CAP (Капитал):

- Коэффицент (0.786): Бу юқори ижобий корреляция, NPL (мустақил ўзгарувчи) ва CAP (боғлиқ ўзгарувчи) ўртасида кучли боғлиқликни кўрсатади. Ушбу натижа, муаммоли кредитлар миқдорининг ошиши билан банк капитали ҳажмининг ҳам ошишига ишора қилади. Бу, эҳтимол, банклар катта капитал захираси билан riskли кредит беришга мойил бўлиши ёки муаммоли кредитлар билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун кўпроқ капитал ажратиши мумкинлигини англатади.

2. Interest (Миллий валютадаги кредитлар бўйича фоиз ставкалари) ва CAP (Капитал):

- Коэффицент (0.178): Бу паст даражадаги ижобий корреляция, Interest (мустақил ўзгарувчи) ва CAP (боғлиқ ўзгарувчи) ўртасидаги заиф боғлиқликни кўрсатади. Фоиз ставкалари ортиши билан капитал миқдорининг бироз ошишига қарамай, бу алоқа жуда заифдир. Бу банк капитали ҳажми асосан бошқа омиллар, масалан, банк операциялари ва risk бошқарув стратегиялари билан кўпроқ боғлиқ эканлигини кўрсатади.

3. Capadeq (Капитал етарлилиги кўрсаткичи) ва CAP (Капитал):

- Коэффициент (-0.805): Бу юқори салбий корреляция, Caradeq (мустақил ўзгарувчи) ва CAP (боғлиқ ўзгарувчи) ўртасида кучли салбий боғлиқликни ифодалайди. Бу натижа, капитал етарлилиги кўрсаткичи юқорилаганда, умумий капитал миқдори камайишини англатади. Бу банклар кўпроқ капитални riskли фаолиятларга йўналтирганда, уларнинг умумий капитали камайиши мумкинлигини кўрсатади, бу эса капитал етарлилиги кўрсаткичини пасайтиради.

4. ROA (Активлар самарадорлиги) ва CAP (Капитал):

- Коэффициент (0.320): Бу ўртача даражадаги ижобий корреляция, ROA (мустақил ўзгарувчи) ва CAP (боғлиқ ўзгарувчи) ўртасида маълум даражадаги боғлиқликни кўрсатади. Банкнинг умумий капитали ортиши билан активлардан олинadиган даромаднинг ҳам ошиши мумкин, бу банк ресурсларини самарали бошқариш орқали юзага келади. Бироқ, бу корреляция кучли эмас, бу активлардан олинadиган даромаднинг капитал миқдorigа чекланган таъсири борлигини кўрсатади.

5. ROE (Капитал самарадорлиги) ва CAP (Капитал):

- Коэффициент (0.480): Бу ўртача даражадаги ижобий корреляция, ROE (мустақил ўзгарувчи) ва CAP (боғлиқ ўзгарувчи) ўртасида мўътадил боғлиқликни ифодалайди. Бу, капитал самарадорлиги ортиши билан банкнинг умумий капитали ҳам ошиши мумкинлигини билдиради. Бу корреляция, капиталдан олинadиган даромаднинг капитал ҳажмига таъсири борлигини кўрсатади, лекин бу боғлиқлик жуда кучли эмас.

Корреляция матричасига кўра, мустақил ўзгарувчиларнинг ўзаро корреляцияси юқори эмас, бу ўз навбатида регрессион таҳлилда мультиколлинеарлик муаммоси вужудга келмаслигини англатади. Яъни, таҳлил натижаларига кўра тижорат банклари ресурс базасига муаммоли кредитлар ҳажми, миллий валютадаги кредитлар фоиз ставкаси, капитал етарлилиги даражаси, ROA ва ROE даражалари ижобий таъсир кўрсатади. Шундан келиб чиқиб кўп омилли регрессион таҳлил ўтказилди.

Чизиқли регрессия натижалари

CAP	Coef.	St.Err.	t-value	p-value	[95% Conf	Interval]	Sig
NPL	.056	.047	1.20	.237	-.039	.151	
Interest	.04	.009	4.48	0	.022	.058	***
Capadeq	-.069	.013	-5.11	0	-.096	-.041	***
ROA	.018	.057	0.32	.75	-.097	.134	
ROE	.017	.009	1.92	.062	-.001	.034	*
Constant	10.726	.623	17.21	0	9.469	11.983	***
Mean dependent var		11.137	SD dependent var			0.181	
R-squared		0.885	Number of obs			49	
F-test		66.287	Prob > F			0.000	
Akaike crit. (AIC)		-123.575	Bayesian crit. (BIC)			-112.224	

*** $p < .01$, ** $p < .05$, * $p < .1$

Юқоридаги таҳлил натижаларидан келиб чиқиб қуйидаги кўп омилли регрессион тенглама шакллантирилди:

$$CAP = 10.73 + 0.06 \times NPL + 0.04 \times Interest - 0.07 \times Capadeq + 0.02 \times ROA + 0.02 \times ROE$$

Регрессия таҳлили натижалари

Регрессия таҳлили орқали банк капиталининг турли молиявий кўрсаткичлар билан боғлиқлиги аниқроқ кўрсатилади. Ҳар бир мустақил ўзгарувчи учун регрессия натижаларини чуқурроқ кўриб чиқамиз ва бу муносабатларни таҳлил қиламиз.

1. NPL (Муаммоли кредитлар):

- Коэффициент (0.056): Бу ижобий коэффициент муаммоли кредитлар сони ортиши билан капитал миқдори ҳам ошишини билдиради. Бироқ, бу муносабат статистик жиҳатдан сезиларли эмас (p -қиймати 0.237). Бунинг сабаби шундаки, муаммоли кредитлар банкнинг юқори даромадли активларига таъсир қилиши мумкин, лекин агар банк кучли захира капитали ёки яхши рискни бошқариш тизимига эга бўлса, бу ўзгарувчининг умумий капитал миқдorigа таъсири чекланган бўлиши мумкин.

2. Interest (Миллий валютадаги кредитлар бўйича фоиз ставкалари):

- Коэффициент (0.04): Нолга тенг бўлмаган p -қиймати (0) билан, бу ижобий коэффициент миллий валютадаги кредитлар бўйича фоиз

ставкалари ошганда, капиталнинг ҳам ошишини кўрсатади. Бу муносабат, одатда, фоиз ставкалари юқори бўлганда банклар кўпроқ даромад топиши ва шу орқали капиталини кучайтириши мумкинлигини англатади. Яна бир ҳолатни келтирадиган бўлсак, банклар юқори фоиз ставкалари сабабли кредит беришни қисқартириши ва шу билан рискларни камайитириши мумкин, бу эса капитални мустаҳкамлашга ёрдам беради.

3. Caradeq (Капитал етарлилиги кўрсаткичи):

- Коэффициент (-0.069): Бу салбий коэффициент ва нолга тенг ρ -қиймати капитал етарлилиги кўрсаткичи ортиб бориши билан умумий капиталнинг камайишига ишора қилади. Бу, банклар ўз капиталини riskли фаолиятларга йўналтирганда, уларнинг умумий капитал захираси камайиши мумкинлигини кўрсатади. Бу ҳолат банк капиталини бошқаришда эҳтиёткорлик талаб этилишини англатади, чунки кўпинча банклар юқори даромад олиш мақсадида кўпроқ riskларга дуч келади.

4. ROA (Активлар самарадорлиги):

- Коэффициент (0.018): Бу ижобий коэффициент, бироқ унинг ρ -қиймати (0.75) уни статистик жиҳатдан сезиларли эмас қилади. Бу шуни кўрсатадики, активлардан олинadиган даромаднинг капитал ҳажмига таъсири чекланган. Бу, банк активларини бошқариш самарадорлиги умумий капитал миқдорида катта таъсир кўрсатмаслиги мумкинлигини англатади.

5. ROE (Капитал самарадорлиги):

- Коэффициент (.017): Бу ўртача ижобий коэффициент, ρ -қиймати (.062) эса чегарали даражада сезиларли. Бу, капитал самарадорлиги ортиши билан банкнинг умумий капитали ҳам биров ошишини билдиради. Бироқ, бу муносабатнинг кучли эмаслиги капиталнинг самарадорлиги фақат қисман капитал ҳажмига таъсир қилишини кўрсатади.

Ушбу таҳлил натижалари банк капиталини қандай қилиб бошқариш кераклиги ҳақида муҳим маълумотларни беради. Хусусан, фоиз ставкалари ва

капитал етарлилиги кўрсаткичлари банк капиталини бошқаришда жуда муҳим роль ўйнайди. Банклар ўз молиявий стратегияларини шакллантиришда ушбу факторларни инобатга олишлари керак, чунки бу кўрсаткичлар банкнинг молиявий барқарорлиги ва ўсиш потенциалига катта таъсир кўрсатади.

Тузилган эконометрик модель қанчалик самарали ишлашини аниқлаш мақсадида бир қанча диагностика таҳлиллари амалга оширилди. Унга кўра Breuch Godfrey автокорреляция тести ҳамда Breuch Pagan гетероскедастиклик тестлари ўтказилди.

Breuch Godfrey автокорреляция тести

Breusch-Godfrey LM test for autocorrelation

chi2	df	Prob>Chi2
1.497	1	0.221

H0: no serial correlation

Breusch-Godfrey LM test for autocorrelation

chi2	df	Prob>Chi2
16.516	12	0.169

H0: no serial correlation

Breusch-Godfrey LM тест натижаларида p -қиймат 0.05 дан катта бўлгани учун, биз нулл гипотезани рад эта олмаймиз ва бу қолдиқларда 12 лаггача бўлган аутокорреляция йўқ деган хулосага олиб келади. Танланган эконометрик моделда аутокорреляция муаммоси мавжуд эмас ва модель тўғри тузилган.

Breuch Pagan гетероскедастик тести

Breusch-Pagan / Cook-Weisberg test for heteroskedasticity

Ho: Constant variance

Variables: logNPL Interest Capadeq ROA ROE

chi2(5) = 14.21

Prob > chi2 = 0.0644

Юқоридаги таҳлил натижалари қолдиқларнинг дисперцияси ўзгармас эканлигини кўрсатмоқда, яъни гомоскедастиклик мавжуд. Бу шуни англатадики, биз олган регрессия моделимизда қолдиқларининг дисперцияси ўзгармас ва бу моделнинг натижалари ишончли эканлигини кўрсатади.

2.3. Тижорат банкларининг ресурс базаси барқарорлигини стресс-тест

орқали аниқлаш ва таъминлаш таҳлили

Банкда ликвидлилик ва кредит рисклари Марказий банк томонидан тавсия қилинган йўналишлар бўйича стресс тестдан ўтказилди.

1. Банк депозит портфели миқдорий ўзгаришларининг статистик таҳлили асосида стресс тест.

01.01.2021 йилдан 01.01.2024 йилгача бўлган давр оралиғида банк депозитларининг миқдорий ўзгаришлари таъсир этувчи омил сифатида вақт бирлиги “1 ой” олинган ҳолда статистик таҳлил қилинди. (2.11-жадвал).


2.11-жадвал.

01.01.2021-01.01.2024-йиллар давомида банк депозит портфели миқдорий ўзгаришларининг статистик таҳлили натижалари, млн сўмда

<i>Жами депозитлар</i>		<i>Муддатли депозитлар</i>	
Ўртача	6 732 758	Ўртача	4 599 684
Стандарт хатолик	230 299	Стандарт хатолик	141 885
Медиана	6 774 381	Медиана	4 566 536
Стандарт четланиш	1 400 857	Стандарт четланиш	863 051
Дисперсия	1 962 400 001 930	Дисперсия	744 856 284 813
Интервал	4 697 467	Интервал	3 324 498
Минимум	4 529 577	Минимум	3 141 974
Максимум	9 227 044	Максимум	6 466 472
Сумма	249 112 042	Сумма	170 188 294
Сони	37	Сони	37
Ишончлилик кўрсаткичи (97,7%)	467 069	Ишончлилик кўрсаткичи (97,7%)	287 755
<i>Жамғарма депозитлар</i>		<i>Муддатсиз депозитлар</i>	
Ўртача	64 726	Ўртача	2 068 349
Стандарт хатолик	8 833	Стандарт хатолик	99 374
Медиана	51 940	Медиана	2 080 753
Стандарт четланиш	53 727	Стандарт четланиш	604 468
Дисперсия	2 886 574 035	Дисперсия	365 381 561 325
Интервал	268 727	Интервал	1 947 131
Минимум	17 154	Минимум	1 170 113
Максимум	285 881	Максимум	3 117 244
Сумма	2 394 846	Сумма	76 528 902
Сони	37	Сони	37
Ишончлилик кўрсаткичи (97,7%)	17 913	Ишончлилик кўрсаткичи (97,7%)	201 540

Статистик таҳлил натижаларига кўра таҳлил қилинган давр учун банк жами депозитлари математик кутилмаси (арифметик ўртача) 6 732,758 млрд сўмни, стандарт четланиш 1 400,9 млрд сўмни ташкил этади. Диаграмма

маълумотларидан кўришиб турганидек, депозитлар суммаси кескин ўзгаришларга учраган. Статистик таҳлилнинг “Уч сигма қоидаси”дан келиб чиққан ҳолда, яъни депозитлар суммасининг даврий ўзгаришини нормал тақсимот қонуни асосида рўй берган деб ҳисобласак, келгуси давр учун банк жами депозитларининг ўзгариши 4 202,6 млрд сўм интервалида юз бериши мумкин. Аниқланган ўзгариш интервалининг катта эканлиги таҳлил натижаларини амалиётга жорий этиш имкониятларини камайтиради (2.4-расм).



2.4-расм. 01.01.2021 - 01.01.2024 йиллар давомида банк томонидан жалб қилинган жами депозитлар суммаси ўзгариш тенденцияси, млрд сўмда.

Шу билан бирга, ҳозирда ҳамкор мамлакатлардаги, хусусан Россия ва Украинадаги геосиёсий вазият боис Россия Федерациясига нисбатан қўлланилган иқтисодий санкциялар натижасида минтақада ноқулай иқтисодий шароит юзага келган. Санкцияларнинг давом этиши мумкинлиги ва қўламини, у келтириб чиқарадиган иқтисодий оқибатларни аниқ баҳолаш имконияти мавжуд эмас.

2.12-жадвал.

01.01.2024-йил ҳолатига банк ликвидлилик кўрсаткичларининг амалдаги ҳолати, млн сўмда

Т/р	Юқори ликвидли активлар	Миқдори
1.1.	Нақд пул маблағлари	448 149
1.2.	МБдаги маблағлар (мажбурий резервдан ташқари)	719 272

1.3.	Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва МБ томонидан чиқарилган қимматли қоғозларга инвестициялар	209 969
1.4.	Инвестицион рейтингга эга бўлган хорижий банклар ва кредит рейтингига эга бўлган маҳаллий банклардаги вакиллик ҳисобварақлари қолди-и	300 877
1.5.	Гаровга қўйилган юқори ликвидли активлар	0
1.6.	Юқори ликвидли активлардан чегирмалар	4 072
1.7.	Жами юқори ликвидли активлар	1 674 195
	Иқтисодий нормативлар	
2.1.	Юқори ликвидли активларнинг жами активларга нисбати	10,4%
2.1.1.	Юқори ликвидли активлар	1 674 195
2.1.2.	Жами активлар	16 044 652
2.2.	Юқори ликвидли активларнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати	24,0%
2.2.1.	Юқори ликвидли активлар	1 674 195
2.2.2.	Қисқа муддатли мажбуриятлар	6 984 168
2.3.	Ликвидликни қоплаш ме'ёри коэффиценти	103,1%
2.3.1.	Юқори ликвидли активлар	1 674 195
2.3.2.	Кейинги 30 кун ичидаги соф чиқим	1 623 511
	30 кун ичидаги чиқим	2 084 232
	30 кун ичидаги кирим	460 721
2.4.	Соф барқарор молиялаштириш ме'ёри коэффиценти	103,0%
2.5.	Барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммаси	11 155 734
2.5.1.	Хусусий капитал	2 643 173
2.5.2.	1 йилдан ортиқ муддатли мажбуриятлар	6 417 310
2.5.3.	Муддатсиз мажбуриятларнинг 30 фоизи	924 865
2.5.4.	1 йилгача бўлган муддатли мажбуриятларнинг 30 фоизи	1 170 385
2.6.	Барқарор молиялаштиришнинг зарур суммаси	10 830 075
2.6.1.	1 йилдан ортиқ муддатли активлар	6 634 990
2.6.2.	Банк биноси, мебел ва жиҳозлар	2 047 224
2.6.3.	Суд жараёнидаги активлар (соф ҳолда)	350 377
2.6.5.	1 йилгача бўлган муддатли активларнинг 30 фоизи	1 656 916
2.6.6.	Балансдан ташқари активларнинг 15 фоизи	140 569

Мавжуд ноаниқликлар шароитида банк даромадлилигидан кўра молиявий барқарорлигини таъминлашга асосий эътибор қаратиши мақсадга мувофиқ. Яъни, банк даромадлилигининг янада қисқариши, кредит портфели сифатининг маълум даражада ёмонлашуви, банк миждозлари иқтисодий фаоллигининг янада пасайишини прогноз қилиш мумкин.

Банкда ҳисобот санасида банк ликвидлилигига нисбатан ўрнатилган иқтисодий нормативларга амал қилиниши текширилди (2.12-жадвал), шунингдек стресс ҳолатнинг мазкур нормативларга таъсири ўрганилди.

Стресс сценарийга асос қилиб ўтган уч йил давомида банк депозит

портфелининг стандарт четланиши олинган бўлиб, кейинги бир ой давомида банк депозит портфелининг қисқариши аниқланган стандарт четланишга тенг бўлади. Ҳисоб-китобларга кўра, стресс ҳолат юзага келганда банкнинг юқори ликвидли активлари қарийб **1 400,8 млрд** сўмга қисқариши натижасида юқори ликвидли активларнинг жами активлардаги улуши **8,6 фоиз** пунктга пасайиб, **1,9 фоизни**, Ликвидликни қоплаш меъёри коэффиценти **83,8 фоиз** пунктга камайиб, **19,3 фоизни**, Соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти эса **3,9 фоиз** пунктга пасайиб **99,1 фоизни** ташкил этади (2.13-жадвал).

Демак, агар ушбу стресс ҳолат ҳақиқатда юз берса банкда юқори ликвидли активлар кескин камаяди. Стресс ҳолат банкнинг тўлов қобилиятига таъсир қилган ҳолда, банк ликвидлилигига доир иқтисодий нормативларнинг бузилишига олиб келади. Ўтказилган стресс тест банкда депозитлар суммасининг ўзгариши кескин суръатларда кечганлигини, агар кейинги бир ойда ҳам депозитларнинг чиқиб кетиши статистик таҳлил натижасида аниқланган стандарт четланиш даражасида рўй берса, банк ликвидлилигига нисбатан ўрнатилган иқтисодий нормативлардан четланиш юз бериши мумкинлигини кўрсатади.

2.13-жадвал

01.01.2021-01.01.2024-йиллар давомида банк депозит портфели миқдорий ўзгаришларининг статистик таҳлили асосида ўтказилган стресс тест, млн сўмда

Т/р	Юқори ликвидли активлар	Амалда	Стресс тест
1.1.	Нақд пул маблағлари	448 149	448 149
1.2.	МБдаги маблағлар (мажбурий резервдан ташқари)	719 272	719 272
1.3.	Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва МБ томонидан чиқарилган қимматли қоғозларга инвестициялар	209 969	209 969
1.4.	Инвестицион рейтингга эга бўлган хорижий банклар ва кредит рейтингга эга бўлган маҳаллий банклардаги вакиллик ҳисобварақлари қолди-и	300 877	300 877
1.5.	Гаровга қўйилган юқори ликвидли активлар	0	0
1.6.	Юқори ликвидли активлардан чегирмалар	4 072	4 072
1.7.	Жами юқори ликвидли активлар	1 674 195	273 338

	Иқтисодий нормативлар		
2.1.	Юқори ликвидли активларнинг жами активларга нисбати	10,4%	1,9%
2.1.1.	Юқори ликвидли активлар	1 674 195	273 338
2.1.2.	Жами активлар	16 044 652	14 643 795
2.2.	Юқори ликвидли активларнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати	24,0%	4,9%
2.2.1.	Юқори ликвидли активлар	1 674 195	273 338
2.2.2.	Қисқа муддатли мажбуриятлар	6 984 168	5 583 311
2.3.	Ликвидликни қоплаш меъёри коэффиценти	103,1%	19,3%
2.3.1.	Юқори ликвидли активлар	1 674 195	273 338
2.3.2.	Кейинги 30 кун ичидаги соф чиқим	1 623 511	1 413 383
	30 кун ичидаги чиқим	2 084 232	1 874 103
	30 кун ичидаги кирим	460 721	460 721
2.4.	Соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти	103,0%	99,1%
2.5.	Барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммаси	11 155 734	10 735 477
2.5.1.	Хусусий капитал	2 643 173	2 643 173
2.5.2.	1 йилдан ортиқ муддатли мажбуриятлар	6 417 310	6 417 310
2.5.3.	Муддатсиз мажбуриятларнинг 30 фоизи	924 865	924 865
2.5.4.	1 йилгача бўлган муддатли мажбуриятларнинг 30 фоизи	1 170 385	750 128
2.6.	Барқарор молиялаштиришнинг зарур суммаси	10 830 075	10 830 075
2.6.1.	1 йилдан ортиқ муддатли активлар	6 634 990	6 634 990
2.6.2.	Банк биноси, мебел ва жиҳозлар	2 047 224	2 047 224
2.6.3.	Суд жараёнидаги активлар (соф ҳолда)	350 377	350 377
2.6.5.	1 йилгача бўлган муддатли активларнинг 30 фоизи	1 656 916	1 656 916
2.6.6.	Балансдан ташқари активларнинг 15 фоизи	140 569	140 569

2. Топ-30 депозитлар муддатлари бўйича чиқим ҳамда шартномалар муддатининг узайтирилмаслиги стресс тести.

Топ-30 депозитлар муддатлари бўйича чиқим ҳамда шартномалар муддатининг узайтирилмаслиги стресс тести иккита сценарийга асосан ўтказилди.

Депозитлар муддатининг узайтирилмаслигининг банк ликвидлилик кўрсаткичларига таъсири стресс тести шуни кўрсатадики, Топ-30 депозитлар муддатининг янгиланмаслиги банк ликвидлиги учун жиддий хатар туғдирмайди. Депозит шартномаларига кўра кейинги бир ой ичида энг йирик 30 та депозитларнинг **98,9** млрд сўмлик қисмининг қайтариш муддати етиб келади, яъни депозиторлар ўз депозитларини

шартномада кўрсатилган муддатда қайтариб оладиган бўлса, кейинги бир ой ичида банкнинг юқори ликвидли активлари **98,9 млрд сўмга** камаяди. Қайтариш муддати 1 ойдан ортиқ бўлган муддатли депозитларнинг 5 фоизи чиқиб кетиши банкнинг ликвидлилик кўрсаткичларига ўз таъсирини ўтказади.

1-сценарийга асосан йирик депозитларнинг охирги муддатининг тугашига 1 ой қолганлари тўлиқ ҳажмда, охирги қайтариш муддати 1 ойдан узоқ бўлганларининг 5 фоизи муддатидан аввал қайтарилиши натижасида банк юқори ликвидли активлар қарийб **249,3 млрд сўмга** қисқариши натижасида юқори ликвидли активларнинг жами активлардаги улуши 1,4 фоиз пунктга пасайиб, **9,0 фоизни**, Ликвидликни қоплаш меъёри коэффиценти **13,3 фоиз** пунктга камайиб, **89,8 фоизни**, Соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти эса **0,5 фоиз** пунктга пасайиб **102,6 фоизни** ташкил этади (2.14-жадвал).

Топ-30 депозитлар муддатлари янгиланмаслиги ва қисман муддатидан аввал чиқиб кетишининг банк ликвидлилик кўрсаткичларига таъсири бўйича ўтказилган 2-стресс сценарийга кўра йирик депозитларнинг охирги муддатининг тугашига 1 ой қолганлари тўлиқ ҳажмда, охирги қайтариш муддати 1 ойдан узоқ бўлганларининг 10 фоизи муддатидан аввал қайтариб олинади.

2.14-жадвал

Топ-30 депозитлар муддатлари янгиланмаслигининг банк ликвидлилик кўрсаткичларига таъсири стресс-тести (1-сценарий), млн сўм

Т/Р	Юқори ликвидли активлар	Амалда	Стресс тест
1.1.	Нақд пул маблағлари	448 149	448 149
1.2.	МБдаги маблағлар (мажбурий резервдан ташқари)	719 272	719 272
1.3.	Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва МБ томонидан чиқарилган қимматли қоғозларга инвестициялар	209 969	209 969
1.4.	Инвестицион рейтингга эга бўлган хорижий банклар ва кредит рейтингига эга бўлган маҳаллий банклардаги вакиллик ҳисобварақлари қолди-и	300 877	300 877
1.5.	Гаровга қўйилган юқори ликвидли активлар	0	0
1.6.	Юқори ликвидли активлардан чегирмалар	4 072	4 072

1.7.	Жами юқори ликвидли активлар	1 674 195	1 424 936
	Иқтисодий нормативлар		
2.1.	Юқори ликвидли активларнинг жами активларга нисбати	10,4%	9,0%
2.1.1.	Юқори ликвидли активлар	1 674 195	1 424 936
2.1.2.	Жами активлар	16 044 652	15 795 392
2.2.	Юқори ликвидли активларнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати	24,0%	20,9%
2.2.1.	Юқори ликвидли активлар	1 674 195	1 424 936
2.2.2.	Қисқа муддатли мажбуриятлар	6 984 168	6 819 339
2.3.	Ликвидликни қоплаш меъёри коэффиценти	103,1%	89,8%
2.3.1.	Юқори ликвидли активлар	1 674 195	1 424 936
2.3.2.	Кейинги 30 кун ичидаги соф чиқим	1 623 511	1 586 122
	30 кун ичидаги чиқим	2 084 232	2 046 843
	30 кун ичидаги кирим	460 721	460 721
2.4.	Соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти	103,0%	102,6%
2.5.	Барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммаси	11 155 734	11 106 285
2.5.1.	Хусусий капитал	2 643 173	2 643 173
2.5.2.	1 йилдан ортиқ муддатли мажбуриятлар	6 417 310	6 417 310
2.5.3.	Муддатсиз мажбуриятларнинг 30 фоизи	924 865	924 865
2.5.4.	1 йилгача бўлган муддатли мажбуриятларнинг 30 фоизи	1 170 385	1 120 936
2.6.	Барқарор молиялаштиришнинг зарур суммаси	10 830 075	10 830 075
2.6.1.	1 йилдан ортиқ муддатли активлар	6 634 990	6 634 990
2.6.2.	Банк биноси, мебел ва жиҳозлар	2 047 224	2 047 224
2.6.3.	Суд жараёнидаги активлар (соф ҳолда)	350 377	350 377
2.6.5.	1 йилгача бўлган муддатли активларнинг 30 фоизи	1 656 916	1 656 916
2.6.6.	Балансдан ташқари активларнинг 15 фоизи	140 569	140 569

2.15-жадвал

Топ-30 депозитлар муддатлари янгиланмаслигининг банк ликвидлилик кўрсаткичларига таъсири стресс-тести (2-сценарий), млн сўм

Т/Р	Юқори ликвидли активлар	Амалда	Стресс тест
1.1.	Нақд пул маблағлари	448 149	448 149
1.2.	МБдаги маблағлар (мажбурий резервдан ташқари)	719 272	719 272
1.3.	Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва МБ томонидан чиқарилган қимматли қоғозларга инвестициялар	209 969	209 969
1.4.	Инвестицион рейтингга эга бўлган хорижий банклар ва кредит рейтингга эга бўлган маҳаллий банклардаги вакиллик ҳисобварақлари қолди-и	300 877	300 877
1.5.	Гаровга қўйилган юқори ликвидли активлар	0	0
1.6.	Юқори ликвидли активлардан чегирмалар	4 072	4 072
1.7.	Жами юқори ликвидли активлар	1 674 195	1 274 534
	Иқтисодий нормативлар		
2.1.	Юқори ликвидли активларнинг жами активларга нисбати	10,4%	8,1%

2.1.1.	Юқори ликвидли активлар	1 674 195	1 274 534
2.1.2.	Жами активлар	16 044 652	15 644 991
2.2.	Юқори ликвидли активларнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати	24,0%	18,9%
2.2.1.	Юқори ликвидли активлар	1 674 195	1 274 534
2.2.2.	Қисқа муддатли мажбуриятлар	6 984 168	6 753 367
2.3.	Ликвидликни қоплаш ме'ёри коэффиценти	103,1%	81,5%
2.3.1.	Юқори ликвидли активлар	1 674 195	1 274 534
2.3.2.	Кейинги 30 кун ичидаги соф чиқим	1 623 511	1 563 562
	30 кун ичидаги чиқим	2 084 232	2 024 282
	30 кун ичидаги кирим	460 721	460 721
2.4.	Соф барқарор молиялаштириш ме'ёри коэффиценти	103,0%	102,4%
2.5.	Барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммаси	11 155 734	11 086 494
2.5.1.	Хусусий капитал	2 643 173	2 643 173
2.5.2.	1 йилдан ортиқ муддатли мажбуриятлар	6 417 310	6 417 310
2.5.3.	Муддатсиз мажбуриятларнинг 30 фоизи	924 865	924 865
2.5.4.	1 йилгача бўлган муддатли мажбуриятларнинг 30 фоизи	1 170 385	1 101 145
2.6.	Барқарор молиялаштиришнинг зарур суммаси	10 830 075	10 830 075
2.6.1.	1 йилдан ортиқ муддатли активлар	6 634 990	6 634 990
2.6.2.	Банк биноси, мебел ва жиҳозлар	2 047 224	2 047 224
2.6.3.	Суд жараёнидаги активлар (соф ҳолда)	350 377	350 377
2.6.5.	1 йилгача бўлган муддатли активларнинг 30 фоизи	1 656 916	1 656 916
2.6.6.	Балансдан ташқари активларнинг 15 фоизи	140 569	140 569

Банкда йирик депозитларнинг банк мажбуриятларидаги улуши салмоқли бўлганлиги боис, йирик депозитларнинг 10 фоизлик қисмининг ҳам муддатида олдин қайтариб олинаши, мазкур шартномалар муддатини узайтириш эҳтимоли мавжуд эмас деб олинганда банк ликвидлигига хавф туғдиради. Стресс ҳолат юзага келганда юқори ликвидли активлар қарийб **399,7 млрд** сўмга қисқариши натижасида юқори ликвидли активларнинг жами активлардаги улуши **2,3 фоиз** пунктга пасайиб, **8,1 фоизни**, Ликвидликни қоплаш меъёри коэффиценти **21,6 фоиз** пунктга камайиб, **81,5 фоизни**, Соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти эса **0,6 фоиз** пунктга пасайиб **102,4 фоизни** ташкил этади (2.15-жадвал).

Стресс ҳолат банкнинг тўлов қобилиятига жиддий салбий таъсир қилмасада, банк ликвидлигига доир иқтисодий нормативларнинг бузилишига олиб келиши мумкин. Ўтказилган стресс тест банкнинг йирик

депозитларга боғлиқлик ҳолатининг юқори даражада эканлигини англатади.


Банкларнинг ресурс базаси мустаҳкамлигини аниқлашда стресс-тест ўтказиш параметри сифатида бошқа банкларга жойлаштирилган депозитлар муҳим аҳамият этиши таҳлиллардан кўриниб турибди. Тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда, депозит қолдиғининг 20 фоизи қайтариб олиниши – пессимистик сценарий, 25 фоизи қайтариб олиниши – критик сценарий ва 30 фоизи қайтариб олиниши ва активларга жойлаштирилмаслиги – катастрофик сценарий деб белгилаш мақсадга мувофиқдир.

3. Топ-10 қарздорларга ажратилган кредитлар сифат ўзгаришларининг миграцион таҳлили асосида стресс тест.

Топ-10 қарздорларга ажратилган кредитлар сифат ўзгаришларининг миграцион таҳлили асосида стресс тест.

01.01.2024 йил ҳолатига Топ-10 қарздорларга ажратилган кредитлар сифат ўзгаришлари ўтган 2 йиллик давр учун таҳлил қилиб чиқилди. Ўрганишлар натижасида таҳлил қилинган даврда банк томонидан энг кўп миқдорида кредит ажратилган Топ-10 мижозларнинг молиявий ҳолати барқарор бўлганлиги ва уларга ажратилган кредитлар муаммоли кредитларга айланмаганлиги аниқланди. Мазкур йирик мижозларга ажратилган кредитлар сифатининг пасайиши сифатида банк жами кредит портфелининг сифат ўзгаришларига мурожаат қилинди.


Таҳлил қилинган даврда кредитлар сифатидаги ўзгаришлар -4 (стандарт-умидсиз) дан +4 (умидсиз-стандарт) оралиғида тебранишларга учраган деб олинди.



2.5 -расм. Банк кредит портфелидаги сифат ўзгаришларининг миграцион таҳлили

Диаграмма маълумотларидан кўриш мумкинки, таҳлил қилинган даврда -1 даража ўзгариш, яъни кредитлар сифат кўрсаткичининг бир поғона ёмонлашиши энг кўп улушга эга бўлган (2.5-расм). Бунда 3,47 фоиз кредитлар таҳлил қилинган даврда сифати бир поғона ёмонлашган. +1 даражада ўзгариш яъни кредитлар сифатининг бир поғона яхшиланиши 2,1 фоиз ҳолатларда юз берган. Кредит сифат кўрсаткичлари миграциясининг қолган даражалари 0,5 фоиздан кам ҳолатда содир бўлган.

Стандарт ва субстандарт кредитларнинг NPLга айланишининг миграцион таҳлили натижаларига кўра (2.6-расм), 01.11.2023 – 01.01.2024-йил оралиғида банк кредит портфели сифатининг кескин ёмонлашуви юз берган бўлиб, ушбу саналарда стандарт ва субстандарт кредитларнинг NPLга ўтиш кўрсаткичи мос равишда 3,6 ва 0,1 фоизларни ташкил этган. 01.04.2022-йилдан 01.08.2023-йилгача бўлган даврда мазкур кўрсаткич қисқа диапазонда тебраниб турган ва умумий пасайиш тенденциясига эга бўлган. 01.01.2024-йил ҳолатига ушбу кўрсаткич 0,1 фоизни ташкил этган. Ўтган икки йиллик давр маълумотларидан фойдаланиб ўтказилган статистик таҳлил натижаларига кўра, стандарт ва субстандарт сифатли кредитларнинг NPLга айланишининг фоиз кўрсаткичи ўртача 0,88 фоизни ташкил этади.



2.6-расм. Стандарт ва субстандарт кредитларнинг NPLга ўтиш тенденцияси

Топ-10 қарздорларга ажратилган кредитлар сифат ўзгаришларининг, яъни “Стандарт” сифатдан NPLга ўтишининг банк капитал етарлилигига таъсири бўйича иккита сценарий асосида стресс тест амалга оширилди. Юқорида қайд этилганидек, статистик таҳлил натижалари стандарт ва субстандарт сифатли кредитларнинг NPLга айланишининг фоиз кўрсаткичи 0,88 фоизни ташкил этишини кўрсатди. Мазкур ҳолат стресс сценарий учун асос қилиб олиниб, банкда муаммоли қарздорликлар (NPL) ортиши, Топ-10 қарздорларга ажратилган кредитлар сифатининг ёмонлашишига мутаносиб равишда заҳира яратилишининг банк капитал етарлилигига таъсири ўрганилди. Биринчи сценарийга кўра йирик кредитларнинг ойма-ой **0,88 фоиз** қисми NPLга ўтиши натижасида **25,1 млрд** сўм миқдорида заҳира яратиш зарурати юзага келади (2.16-жадвал).

2.16-жадвал.

Йирик кредитларнинг NPLга ўтиши сценарийлари

Стресс сценарийлар	
1-сценарий	2-сценарий

NPL кўрсаткичи	Захира	NPL кўрсаткичи	Захира
0,88%	25 135,9	1,38%	39 417,6

Бунда банк регулятив капитали ҳам шунча суммага камаяди. Стресс ҳолат натижасида банк регулятив капитали **0,14 фоиз** пунктга пасайиб, **16,29 фоизни** ташкил этади (2.17-жадвал).

2.17-жадвал.

01.01.2024-йил ҳолатига Топ-10 кредитларнинг NPLга ўтишининг банк капитал етарлилигига таъсири стресс тести (1-сценарий)

№	Номланиши	Жорий ҳолат	Стресс тест	Ўзгариш
I.	I даражали капитал	2 028 297,9	2 028 297,9	0
1	I даражали асосий капитал	2 028 262	2 028 262	0
1.1.	Оддий акциялар	1 189 066	1 189 066	-
1.2.	Оддий акциялар бўйича қўшимча капитал	3 870	3 870	-
1.3.	Тақсимланмаган фойда	837 084	837 084	0
1.4.	I даражали капиталдан чегирмалар	1 758	1 758	-
2	I даражали қўшимча капитал	36	36	-
3	II даражали капитал	872 149	847 013	-25 136
4	Жами Регулятив Капитал	2 900 447	2 875 311	-25 136
5	Рискка тортилган активлар умумий суммаси	17 647 513	17 647 513	0
6	Лeverаж коэффиценти учун активлар суммаси	17 150 859	17 150 859	-
7	I ДАРАЖАЛИ АСОСИЙ КАПИТАЛ ЕТАРЛИЛИГИ	11,49%	11,49%	0,00%
8	I ДАРАЖАЛИ КАПИТАЛ ЙЕТАРЛИЛИГИ	11,49%	11,49%	0,00%
9	УМУМИЙ КАПИТАЛ ЕТАРЛИЛИГИ	16,44%	16,29%	-0,14%
10	ЛЕВЕРАЖ КОЭФФИЦИЕНТИ	11,83%	11,83%	0,00%

Иккинчи сценарийга кўра, стандарт ва субстандарт сифатдаги кредитларнинг NPLга айланишининг фоиз кўрсаткичи аниқланган статистик ўртача (0,8 фоиз)дан ташқари **0,5 фоизни** жами **1,38 фоизни** ташкил этади. Ушбу сценарийга кўра Топ-10 қарздорларга ажратилган кредитларнинг ойма-ой **1,38 фоиз** қисми NPLга ўтиши натижасида **39,4 млрд** сўм миқдорида захира яратиш зарурати юзага келади. Бунда банк регулятив капитали **39,4 млрд** сўмга камаяди, стресс ҳолат натижасида банк регулятив капитали монандлик коэффитсийенти **0,22 фоиз** пунктга пасайиб, **16,21 фоизни** ташкил этади (2.18-

жадвал).

2.18-жадвал

01.01.2024-йил ҳолатига Топ-10 кредитларнинг NPLга ўтишининг банк капитал етарлилигига та'сири стресс тести (2-сценарий)

№	Номланиши	Жорий ҳолат	Стресс тест	Ўзгариш
I.	I даражали капитал	2 028 297,9	2 028 297,9	0
1	I даражали асосий капитал	2 028 262	2 028 262	0
1.1.	Оддий акциялар	1 189 066	1 189 066	-
1.2.	Оддий акциялар бўйича қўшимча капитал	3 870	3 870	-
1.3.	Тақсимланмаган фойда	837 084	837 084	0
1.4.	I даражали капиталдан чегирмалар	1 758	1 758	-
2	I даражали қўшимча капитал	36	36	-
3	II даражали капитал	872 149	832 731	-39 418
4	Жами Регулятив Капитал	2 900 447	2 861 029	-39 418
5	Рискка тортилган активлар умумий суммаси	17 647 513	17 647 513	0
6	Лeverаж коэффиценти учун активлар суммаси	17 150 859	17 150 859	-
7	I ДАРАЖАЛИ АСОСИЙ КАПИТАЛ ЕТАРЛИЛИГИ	11,49%	11,49%	0,00%
8	I ДАРАЖАЛИ КАПИТАЛ ЕТАРЛИЛИГИ	11,49%	11,49%	0,00%
9	УМУМИЙ КАПИТАЛ ЕТАРЛИЛИГИ	16,44%	16,21%	-0,22%
10	ЛЕВЕРАЖ КОЭФФИЦИЕНТИ	11,83%	11,83%	0,00%

Риск менежмент департаменти томонидан ҳисобот санасига 3 та сценарий, жумладан пессимистик, критик, катастрофик сценарийлар бўйича банк фаолияти стресс-тестдан ўтказилди.

4. Пессимистик сценарийга кўра бир неча риск омиллари бир пайтда юзага келиши сабабли (хусусан, банкка жойлаштирилган депозитларнинг 15 фоизи қайтариб олиниши ҳисобига 946,9 млрд. сўм, банклараро депозитларни жалб қилиш бўйича лимитларнинг қисқариши ҳамда ҳозирда жалб қилинган депозитларни чиқиб кетиши ҳисобига 46,1 млрд. сўм) жами бир ой ичида 993,1 млрд. сўмлик маблағларнинг соф чиқими кузатилади.

Банк ликвидлигини қўллаб-қувватлаш бўйича барча мавжуд имкониятлардан фойдаланилган ҳолда банкда 1 162,6 млрд. сўм миқдорида маблағлар қолади. Яъни, банк бу сценарийга кўра тўловларни амалга оширишда қийинчиликларга дуч келади аммо тўловга қобилигини йўқотмайди. Банк мижозлар тўловлари ва жорий мажбуриятлар бўйича

маблағлар чиқимини таҳлил қилинаётган даврда қайтарилган кредитлар ҳисобидан молиялаштирилади. Бунда шу давр ичида қайтган кредитларнинг 10 фоизи банк ликвидлигини таъминлаш мақсадида банкда сақлаб қолинади.

Бундай шароитда, банкда юқори харажатга асосланган кескин қарорлар қабул қилиш зарурияти туғилмайди, аммо банк ликвидлигини ошириш, кредит портфели сифатини яхшилаш, миқозлар базасини мустаҳкамлаш борасида тизимли ишлар ташкил этиш керак бўлади. Банкнинг тўлов қобилияти ортиқча йўқотишга учрамайди, шу билан бирга банкда Марказий банк томонидан банк ликвидлигига нисбатан ўрнатилган иқтисодий нормативларнинг бажарилмаслик эҳтимоли юзага келади.

5. Критик сценарийга кўра турли риск омилларининг бир пайтда юзага келиши сабабли (хусусан, банкка жойлаштирилган депозитларнинг 25 фоизи қайтариб олиниши ҳисобига 1 578,3 млрд. сўм) банкда бир ой ичида жами 1 665,1 млрд. сўмлик маблағларнинг соф чиқими кузатилади. Бунинг натижасида миқозларнинг тўлов ва талабларини ўз вақтида бажара олмаслик ҳамда ликвидлилик бўйича ўрнатилган ме'ёрларнинг бажарилмаслик хавфи юзага келади. Мазкур сценарийда банк кредит портфели умумий суммаси камайиш тенденциясига эга бўлади. Янги кредитларни молиялаштириш банкда юқори даражада ликвидлик рискин юзага келтиради.

Банк ликвидлигини қўллаб қувватлаш бўйича барча мавжуд имкониятлардан фойдаланилган ҳолда банкда 422,9 млрд. сўм миқдорида маблағлар қолади. Банкнинг ўз мажбуриятларини тўлақонли бажариш имконияти йўқолиши, шунингдек Марказий банк томонидан банк ликвидлигига нисбатан ўрнатилган нормативлардан четланиш ҳолати юз бериши мумкин.

Банкнинг ликвидлилик бўйича қисқа муддатли муаммоларини бартараф этиш учун банк томонидан ликвид активларни кўпайтириш, банк томонидан бир ойдан ортиқ бўлган муддатга банклараро депозитларни жалб қилиш, аҳоли ва юридик шахсларга янги жозибали омонатларни таклиф қилиш,

банкдан мижозларнинг кетишини олдини олган ҳолда турли имтиёзлар билан янги мижозларни жалб қилиш чораларини кўриш лозим.

6. Катострофик сценарийда юқори хавфли риск омилларининг юзага келиши сабабли (хусусан, банкка жойлаштирилган депозитларнинг 35 фоизидан ортиқ қисми қайтариб олинishi ҳисобига 2 209,6 млрд. сўм) банкда бир ой ичида жами 2 317,2 млрд. сўмлик маблағларнинг соф чиқими кузатилади. Банк ликвидлигини қўллаб қувватлаш борасида амалга оширилган барча чораларга қарамасдан 1 ой муддат ичида банкда 339,6 млрд. сўмлик маблағлар тақчиллиги кузатилади. Банк мижозларининг тўловга доир топшириқларини ижро эта олмайди. Кредитлар амалиётлари маблағлар тақчиллиги сабабли кескин қисқаради. Кредитлар қайтиши ҳисобига шаклланган ресурслардан 30 фоиз қисми банк ликвидлигини қўллаб-қувватлашга йўналтирилади аммо банкнинг тўлов қобилиятини қисқа фурсатда тиклаш имконияти бўлмайди.

Мазкур ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан таъминотсиз кредитлар олиш, банкнинг йирик мижозлари билан ресурс жалб қилиш борасида турли учрашувлар ташкил қилиш, банкнинг актив операцияларига чекловларни кучайтириш, узоқ муддатли кредитлашни вақтинчалик тўхтатиб туриш масалаларини кўриб чиқиш, кредитлаш ҳажмини кескин қисқартириш ва фақат юқори ликвид лойиҳаларни молиялаштириш, банкка мижозлар, жумладан ҳисобрақамида йирик миқдорда маблағлар сақловчи мижозларни жалб қилиш ишларини кучайтириш, банкнинг тарифларига ўзгартириш киритиш, улар учун бонуслар ва имтиёзлар ишлаб чиқиш ҳамда имтиёзлар тўғрисида оммавий ахборот воситаларига реклама бериш лозим.

Банкларда стресс-тест ўтказишнинг бир омилли сценарийси банк фаолиятига таъсир этувчи асосий асосий омилни аниқлашга хизмат қилади. Банкларнинг асосий ресурслари жалб қилинган маблағлар, яъни депозитлар эканлигини инобатга олсак ҳамда ресурсларнинг асосий қисми кредитларга йўналтирилишини ҳисобга олиб, уларнинг тўғри сарфланиши муҳим. Мазкур

ҳолатни самарадорлигини ошириш мақсадида банкнинг ресурс базасида энг кўп улушга эга бўлган 3 та йирик мижозларининг муддатли ва жамғарма ҳисобрақамларидаги маблағлар 6 ойгача бўлган муддатда олиб чиқиб кетилиши ва банк томонидан мижозларга кредитлар ажратиш ҳажми 50 фоизга, кредитлар қайтиши 0,5 фоизга камайишини стресс-тестнинг бир омилли сценарий параметри сифатида киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Иккинчи боб бўйича хулосалар

Жаҳонда кузатилаётган иқтисодий беқарорлик ва геосиёсий ҳолатда банк тизими молиявий барқарорлигини таъминлаш ва уларни ошишига эришиш Марказий банк ва ҳукумат томонидан олиб борилган самарали фаолиятнинг натижасидир. Хусусан, мамлакат банк тизими активлари 2022 йилда 444,9 трлн сўмни ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб деярли 1.5 мартага ошган ва 652,2 трлн сўмга етган. Активларнинг рентабеллик даражаси эса 2023 йилда олдинги йилга нисбатан 0,1 фоиз бандга ошиб, 2,6 фоизни ташкил қилганлиги активлардан самарали фойдаланиш даражаси ортганлигидан далолат беради. Жами кредит қўйилмалари эса охирги уч йилликда 1,4 мартага ошган ва 471,4 трлн сўмни ташкил этган. Банклар томонидан жалб қилинган депозитлар ҳажми 1,54 мартага ошди ва 2024 йил бошига 241,7 трлн сўмни ташкил этди. Банк тизими пасивлари таркибида депозитларнинг улуши 44 фоизни ташкил этди.

2024 йил бошида АҚШнинг йирик банклари JP Morgan банкида кредитлар ҳажми 1297 млрд АҚШ долларини ташкил этган бўлса, депозитлар суммаси 2400 млрд АҚШ долларини ташкил этган ва кредитлардан 1,8 марта кўп. Bank of America банкида эса кредитлар 1040 млрд АҚШ долларини ташкил этган бўлса, депозитлар 1924 млрд АҚШ долларида иборат бўлган.

Буюк Британиянинг энг йирик банки HSBC банкида жами кредитлар суммаси 824,8 млрд фунт стерлинг бўлса, депозитларнинг умумий суммаси 1264 млрд фунт стерлингдан иборат бўлган. Barclays банкида эса депозитлар

кредитларга нисбатан 1,5 марта кўп бўлиб, кредитларнинг суммаси 342,7 млрд фунт стерлинг бўлса, депозитлар ҳажми 524,3 млрд фунт стерлингдан иборат.

Италияда банк тизими 2022 йилда депозитлари ҳажми банк кредитларидан 1,2 марта кўп бўлса, Испанияда 1,13 марта, Бельгияда 1,1 марта, Мальтада 1,3 марта ва Португалияда 1,2 марта кўпроқ.

2022 йилда устав капиталининг улуши 76,51 фоиз ёки 54261 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб унинг улуши 6,14 фоиз бандга пасайиб, 70,37 фоизни ташкил этган. Қўшилган капитал сезиларли даражада ошган бўлиб, 2022 йилда унинг улуши 0,95 фоиз бўлса, 2024 йилга келиб эса 1,38 фоиз ёки 1,3 трлн сўмдан ошган. Банк тизимининг захира капитали 2022 йилда 12,62 фоиз ёки 8951351 млн сўм бўлса, 2024 йилга бироз ўзгарган, яъни 11,83 фоиз ёки 11483330 млн сўмни ташкил этган. Банкларнинг тақсимланмаган фойда кўрсаткичи 2024 йил бошига келиб 16,42 фоизга етган ва 15944 млрд сўмни ташки қилган.

Банк тизими хусусий капитали 2022 йилда 70,9 трлн сўмни, 2023 йилда эса 79,6 трлн сўм ва 2024 йил бошига келиб 97,1 трлн сўмни ташкил этган. Банк тизими хусусий капитал таркибида умумий капитал асосий ўринни эгаллайди, яъни 2022 йилда унинг салмоғи 78,7 фоиз, 2023 йилда эса 88,8 фоизга қадар кўтарилган бўлса, 2024 йилга келиб 82,4 фоизни ташкил этган.

Мамлакатимиз банк тизимида капитал рентабеллик даражаси 2022 йилда 6,1 фоиз бўлса, 2024 йилга келиб 2 мартадан кўпроқ ошган ва 14,24 фоизни ташкил этган. Мазкур ҳолатни банкларнинг соф фойдасини ошганлиги билан изоҳлаш мумкин. АҚШ банк тизимида 2024 йилда 11,14 фоизни ташкил этган. Бунда JPMorgan Chase банкида 15,79 фоиз, Fifth Third Bankда 11,66 фоиз, Citizens Bank да 10,7 фоиз ва Wells Fargo банкида 9,6 фоизни ташкил этган. Европа Иттифоқи давлатларида эса бу кўрсаткич 2023 йилда 10,6 фоиздан (Мальта) 21,8 фоизгача (Кипр, Венгрия)ни ташкил этади.

Мамлакатимиз банк тизими депозит базаси таркибида 2022 йилда муддатли депозитларнинг улуши 55,38 фоизни ташкил этган бўлса, 2023 йилда 53,14 фоиз ва 2024 йилга келиб 63,39 фоизни ташкил этган. Талаб қилиб

олингунча депозитларнинг улуши пасайиш тенденциясига эга бўлиб, охирги уч йилда 7,08 фоиз бандга пасайиб, 2024 йил бошида 24,67 фоизни ташкил этмоқда.

Банк тизими депозитларини мижозлар кесимида таҳлилида аниқланишича, 2022 йилда жисмоний шахсларнинг улуши жами депозитларга нисбатан 27,13 фоизни ёки ташкил 42376 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб 38,39 фоиз ёки 92792,55 млрд сўмга қадар ошган. Ҳукуматнинг депозитлари миқдори ошиб борган бўлсада, аммо улуши охирги уч йилда 24,76 фоиздан 24,61 фоизга пасайган.

Мамлакатимиз банк тизими жами депозитларининг муддатлари бўйича таҳлилида 2024 йилга келиб депозитлар таркибида 1 йилдан юқори депозитларнинг улуши 35,3 фоизга қадар ошган ва 85,209 трлн сўмни ташкил этган. Ўз навбатида, талаб қилиб олингунча депозитларнинг улуши 7,09 фоиз бандга пасайиб 35,25 фоиз ёки 85,198 трлн сўмни ташкил этган. Кейинги ўринларда эса 180 кундан 365 кунгача бўлган муддатли депозитлар 14,46 фоиз (34,9 трлн сўм), 30 кундан 180 кунгача депозитлар 12,42 фоиз (30,028 трлн сўм) ва 1 кундан 30 кунгача бўлган депозитлар 2,61 фоиз (6,301 трлн сўм)ни ташкил этган.

Мамлакат тижорат банкларининг 1 йилгача бўлган жами муддатли депозитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси миллий валютада ўсиш ҳолатини қайд этган, яъни 2021 йилда 15 фоиз, 2022 йилда 17,6 фоиз ва 2023 йилда 18,4 фоиз бўлса, хорижий валютада кескин ўзгаришларни кузатиш мумкин, 2021 йилда 2,8 фоиз, 2022 йилда 4,4 фоизгача кўтарилган ва 2023 йилда 2,6 фоизни ташкил этган. 1 йилдан юқори бўлган жами муддатли депозитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари миллий валютада охирги уч йилликда 18,3 фоиз, 19,6 фоиз ва 20,5 фоизга етган бўлса, хорижий валютада сезиларли ўқиш қайд этилган, яъни 2021 йилда 2,9 фоиз бўлса, 2022 йилда 4,2 фоиз ва 2023 йилда 5,8 фоизга ошиб кетган.

Сўнгги йилларда қатор давлат улуши мавжуд тижорат банклари хусусийлаштирилди. Хусусан, «Азия альянс банк» АТБ, «Ипотека-банк»

АТИБ, «Ўзагроэкспортбанк» АТБ ва «Пойтахт банк» АТБларда давлат улуши сотилди. Бунинг натижасида давлат банкларининг улуши сезиларли даражада пасайди, яъни 2021 йилда жами депозитларнинг 66,7 фоизи давлат улуши мавжуд тижорат банклари ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2024 йил бошида бу кўрсаткич 51,5 фоизга қадар пасайган. Банк тизими капитали таркибида ҳам ижобий ўзгаришлар бўлган, яъни 2021 йилда жами банк тизими капиталининг 81,4 фоизи давлат улуши мавжуд банкларда шаклланган бўлса, 2024 йилга келиб унинг улуши 65,1 фоизга қадар пасайган.

Тижорат банкларининг сўнгги йиллардаги бир қанча тўпланган маълумотлари асосида улар ресурс базасига таъсир этувчи омилларнинг эконометрик модели шакллантирилди. Корреляция матрицасига кўра мустақил ўзгарувчиларнинг ўзаро корреляцияси юқори эмас, бу ўз навбатида регрессион таҳлилда мультиколлинеарлик муаммоси вужудга келмаслигини англатади. Яъни, таҳлил натижаларига кўра тижорат банклари ресурс базасига муаммоли кредитлар ҳажми, миллий валютадаги кредитлар фоиз ставкаси, капитал етарлилиги даражаси, ROA ва ROE даражалари ижобий таъсир кўрсатади.

Caradeq (Капитал етарлилиги кўрсаткичи) ва CAP (Капитал) боғлиқлик коэффиценти -0.805 га тенг. Бу юқори салбий корреляция, Caradeq (мустақил ўзгарувчи) ва CAP (боғлиқ ўзгарувчи) ўртасида кучли салбий боғлиқликни ифодалайди. Бу натижа, капитал етарлилиги кўрсаткичи юқорилаганда, умумий капитал миқдори камайишини англатади. Бу банклар кўпроқ капитални riskли фаолиятларга йўналтирганда, уларнинг умумий капитали камайиши мумкинлигини кўрсатади, бу эса капитал етарлилиги кўрсаткичини пасайтиради.

ROE (Капитал самарадорлиги) коэффиценти .017 га тенг бўлиб, бу ўртача ижобий коэффицент, r -қиймати (.062) эса чегарали даражада сезиларли. Бу капитал самарадорлиги ортиши билан банкнинг умумий капитали ҳам биров ошишини билдиради. Бироқ, бу муносабатнинг кучли эмаслиги капиталнинг самарадорлиги фақат қисман капитал ҳажмига таъсир

қилишини кўрсатади.

III БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ РЕСУРС БАЗАСИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Тижорат банкларининг ресурс базаси барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммолар

Банк ўз актив операцияларини ташкил этишда пассив операциялар орқали йиғилган молиявий ресурслардан фойдаланади. Демак, банкларда жалб қилинган ва жойлаштирилган ресурсларнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлашнинг барқарорликнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Ушбу вазифани амалга ошириш учун эса банкларда актив ва пассивларни бошқариш сиёсати ишлаб чиқилади.

Мазкур сиёсатда банк активлар ва пассивларни бошқаришнинг асосий тамойиллари ва усуллари белгилаб олиниши лозим. Ушбу сиёсат активлар ва пассивларни бошқариш тизимини яратади. Шунингдек банк маржасини талаб даражасида ушлаб туришни таъминлашни назарда тутди.

Банк активлари ва пассивларини бошқаришнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар танлаб олиниши мақсадга мувофиқ:

баланс ликвидлилигини етарли даражада ушлаб туриш;

баланснинг етарлича ишончилигини сақлаш;

рентабеллик даражасини максимал даражада ошириш.

Активлар ва пассивларни бошқариш учта мақсад ўртасида мувозанатни таъминлаши зарур: Банкнинг молиявий ресурслари *хавфсизлиги*, *ликвидлилиги* ва *рентабеллиги*. Активлар ва пассивларни самарали бошқаришнинг асосий мақсади таваккалчилик даражасининг минималлаштирган ҳолда максимал рентабелликка эришиш ҳисобланади.

Банкдаги активлар ва пассивларни бошқаришнинг асосий мақсади юқори, ликвидлилик ва мақбул даражадаги хатарлар чегарасидан чиқмаган ҳолда барқарор ва ўсиб боровчи даромад олишга имкон берадиган тузилмани таъминлашдир.

Қўйилган мақсадга эришиш учун таъсир даражаси белгиланади ва фоизли ҳамда савдо операцияларининг ликвидлилик ва даромадлилик ҳолатини белгиловчи омиллар устидан назорат ўрнатилиши лозим.

Банкнинг ликвидлиги қуйидаги омиллар билан белгиланади:

банк ҳисобварақларидаги нақд ва нақдсиз пул маблағлари қолдиғидан иборат бўлган жорий ликвидлилик позициясининг ҳолати;

мижозлар ва контрагентлар томонидан маблағлар таклиф қилиш;

мижозлар ва контрагентлар томонидан маблағларга бўлган талаб.

Банкнинг фоизли операциялари унинг ресурсларини кўпайтиришда ва барқарорлигини таъминлашда алоҳида ўрин тутди. Чунки, мамлакатимиз банклари даромадларининг катта қисми фоизли даромадлардан шаклланади. Шу жиҳатдан банкнинг фоизли операциялари даромадлиги қуйидаги омиллар билан белгиланади:

жойлаштирилган маблағлар бўйича ҳажми ва ўртача ўлчанган фоиз ставкаси билан;

жалб этилган маблағлар бўйича ҳажми ва ўртача ўлчанган фоиз ставкаси билан.

Банкнинг фоизсиз даромадларини барқарор бўлмаган даромадлар тоифасига киритиш мумкин. Мамлакатимиз банк амалиётида фоизсиз даромадларнинг улуши унчалик юқори бўлмаганлиги сабабли банклар ушбу даромад турига етарлича эътибор беришмайди. Банкнинг фоизсиз операциялари даромадлиги қуйидаги омиллар билан белгиланади:

активларни сотиб олиш ва сотиш нархлари ўртасидаги фарқ билан;

активларни сотиб олиш учун ишлатиладиган фондларнинг қиймати билан.

Банк активлари ва пасивларини бошқариш объекти банкнинг динамик балансида акс этган молиявий оқимлар ҳисобланади. Фикримизча, мамлакатимиз банк тизимининг ҳозирги ҳолатидан келиб чиқиб, молиявий оқимларни бошқариш қуйидагиларга қаратилишини таклиф қилиш мумкин:

фойдалилик;

ликвидлилилик;

таваккалчиликларни минималлаштириш;

Банк қонунчилигининг меъёрий талабларга риоя қилиш;

мижозлар эҳтиёжларини қондириш ва мижозлар билан узоқ муддатли муносабатларни ўрнатиш.

Активлар ва пассивларни бошқариш аниқ тамойилларга асосланган бўлиши лозим ва унинг асосий тамойиллари сифатида қуйидагиларни таклиф этиш мумкин:

Кенг қўламлилилик ва тизимлилилик. Бошқарув вазиятни кенг қўламли (ҳар томонлама) таҳлилини ўз ичига олиши, шунингдек, унинг барча ички ва ташқи алоқаларини ҳамда алоҳида элементларининг ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олиши лозим.

Холислик ва аниқлик. Бошқарув аниқ, ишончли ва текширилган маълумотлар асосида қурилиши, хулосалар эса аниқ таҳлилий ҳисоб-китобларга асосланган бўлиши лозим.

Тезкорлик. Бошқарув жараёни вазиятни тез ва аниқ баҳолашни, бошқарув қарорларини қабул қилиш ва уларни амалга оширишни таъминлаши лозим.

Самарадорлик. Активлар ва пассивларни бошқаришдан олинган даромад маъмурий харажатларини қоплаши лозим.

Таъсир кўрсатувчанлик. Бошқарув Банк фаолияти жараёнига ва унинг натижаларига фаол таъсир кўрсатиши ҳамда такомиллаштирилиши лозим бўлган йўналишларни ўз вақтида аниқлаши керак.

Мунтазамлилилик. Активлар ва пассивларни бошқариш доимий равишда ва режага мувофиқ амалга оширилиши керак.

Стратегик ва тактик режалаштиришнинг бирлиги. Бошқарув тактик режаларнинг стратегик мақсадларга мувофиқлигига риоя қилган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Банк активлари ва пассивларини бошқариш инструментлари банк фаолиятидаги аниқ кўрсаткичлардан иборат бўлиши керак. Улар банк

ҳисоботлар тизимини, лимитлар тизимини (чегара қийматлари) ва кўрсаткичларни ўз ичига олиши мақсадга мувофиқ.

Лимитлар ва кўрсаткичлар тизими Банкнинг стратегик ва тактик мақсадлари асосида ишлаб чиқилади ва бозордаги ўзгаришлар ҳамда рақобат муҳитининг ўзгариши натижасида қайта кўриб чиқирилиши мумкин.

Ички ҳисоботни ишлаб чиқиш ва тайёрлаш ҳамда лимитларга риоя қилиш устидан назорат бўйича батафсил тартиб-таомиллар алоҳида ички ҳужжатларда, шу жумладан, таваккалчиликларни бошқариш тўғрисидаги ҳужжатларда баён қилинади.

Жаҳон амалиётида активлар ва пасивларни бошқариш жараёнининг субъектлари этиб асосан қуйидагилар ажратиб олинади:

Активлар ва пасивларни бошқариш қўмитаси (АПБК);

Активлар ва пасивларни бошқариш бўлинмаси (Asset and Liability Management (ALM));

Таваккалчиликларни бошқариш бўлинмаси;

Бизнес-бўлинмалар – тегишли фаолият йўналишлари бўйича ғазначилик ва бошқа таркибий бўлинмалар.

Активлар ва пасивларни бошқариш жараёни – банк балансининг тузилмасини ўзининг стратегик мақсадлари билан уйғунлаштирувчи стратегияни шакллантириш ва тадбирларни амалга оширишнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Активлар ва пасивларни бошқариш банк молиявий бошқарувининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади ва унинг барча босқичларида амалга оширилиши лозим: режалаштириш, таҳлил қилиш, тартибга солиш ва назорат қилиш.

Одатда, банкларнинг стратегияси уларнинг акциядорлари томонидан белгиланади. Банк раҳбарияти эса банкнинг стратегик мақсадларига ва унинг танлаган мижозлари доирасига қараб, унинг учун активлар ва пасивларнинг мақбул тузилишини белгилайди. Активлар ва пасивларни бошқаришни ташкил қилишда уларнинг таркиби режалаштирилган ҳолатга келтирилади. Режалаштириш босқичи доирасида активлар ва пасивларнинг прогноз

балансини шакллантириш ҳам муҳимдир.

Банк активлари ва мажбуриятларини бошқариш жараёни қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

банк ресурсларининг дефицити/профицити ва нархи тўғрисидаги жорий маълумотларни таҳлил қилиш;

ресурсларни қайта тақсимлаш;

ресурслар билан ишлашнинг молиявий моделларини амалга ошириш бўйича молиявий имкониятларини аниқлаш (муддат ва нархини ҳисобга олган ҳолда);

активлар ва пассивларни бошқариш учун ҳисобот тизимлари, лимитлар тизимлари (чегара қийматлари) ва кўрсаткичлар тизимлари инструментларни аниқлаш, тасдиқлаш ва улардан фойдаланиш;

таваккалчиликлар даражасини таҳлил қилиш ва натижаларини (ва агар керак бўлса, тавсияларни ҳам) тегишли бўлимларга ўз фаолиятини тезкор ва самарали режалаштиришлари учун юбориш.

Тижорат банклари молиявий ресурслари барқарорлигини таъминлашда депозит сертификатлари алоҳида аҳамиятга эга эканлигига хориж амалиётини таҳлил қилиш мобайнида гувоҳи бўлдик. Хусусан, АҚШ банк амалиётида депозит сертификатлари банкларнинг энг асосий жалб қилинган маблағлари эканлиги ва унинг турли хусусият ва талабларга эга шакллари мавжудлигини кўриб чиқдик. Мамлакатимиз банк амалиётида депозит сертификатлари йил сайин ривожланиб борсада, аммо жами депозитлардаги улуши нисбатан кичиклигича қолмоқда. Шу жиҳатдан, банкларнинг эмиссия сиёсатини ривожлантириш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар бозорида банкларнинг ўз қимматли қоғозларини чиқариш борасидаги фаолияти эмиссия сиёсатига мувофиқ амалга оширилади. Банк эмиссия сиёсатининг мақсади: ўз капиталини шакллантириш ва ошириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини жалб этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш ва жалб қилинган

маблағларни реал секторни ташкил қиладиган корхоналарни кредитлаш учун йўналтириш.

Банкнинг эмиссия сиёсатидаги асосий вазифалари қуйидагилар бўлишини таклиф қиламиз:

янги хизмат турларини жорий этиш;

ресурсларни жалб қилиш учун қулай қарз қимматли қоғозларни чиқариш орқали керакли қарз маблағлари билан улардан фойдаланиш мақсадини ҳисобга олган ҳолда таъминлаш.

Мамлакатимизда тижорат банклари ресурс базаси барқарорлигини таъминлаш, диверсификация даражасини ошириш мақсадида эмиссиявий ва ноэмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш ҳуқуқига эга. Эмиссиявий қимматли қоғозларга акция, облигация, опцион, қимматли қоғозларга доир фьючерс (қимматли қоғозларнинг ҳосилалари). Ноэмиссиявий қимматли қоғозларга депозит сертификатлар киради.

Қимматли қоғозларнинг ҳажми ва турлари банк капиталини ошириш эҳтиёжи таҳлилига кўра, амалдаги альтернатив (имкониятлар) ва бир дона акцияга тўғри келадиган фойда миқдорини потенциал ўзгаришини инобатга олган ҳолда аниқланади.

Ташқи манбалар ҳисобига капитал ва ресурсларни жалб этиш зарурияти пайдо бўлганда банк қуйидаги альтернатив усуллардан фойдаланиши мумкин:

акция чиқариш;

депозит сертификатларни чиқариш;

облигациялар чиқариш;

қимматли қоғозларга доир фьючерс ва опцион чиқариш.

Акцияларни чиқариш банк устав капиталини ошириш ёки шакллантириш учун юридик ва жисмоний шахслар орасида жойлаштириш мақсадида амалга оширилади. Банкнинг оддий акцияларини сотиб олган юридик шахслар унинг эгалари ҳисобланиб, ўз улушига мутаносиб равишда банкни белгиланган тартибда бошқариш ҳуқуқига эга бўладилар.

Депозит сертификатлари юридик ва жисмоний шахслар орасида

жойлаштириш, ресурсларни жалб этиш ва юқори даромадли активларга йўналтириш мақсадида чиқарилади. Депозит сертификат эгалари сертификат бўйича депозитни муддатидан олдин талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга, бу ҳолда депозит сертификатлар бўйича тўланадиган фоиз суммаси камаяди.

Облигациялар юридик ва жисмоний шахслар орасида жойлаштириш, ресурсларни жалб этиш ва юқори даромад келтирувчи активларга йўналтириш мақсадида чиқарилади. Банк ушбу қимматли қоғоз эгаларига ўрнатилган фоиз ставкасида оралиқ фоиз тўловларни тўловчи купонли облигацияларни, чиқариши мумкин.

Опцион - эмиссиявий қимматли қоғоз бўлиб, у ўз эмитентининг муайян миқдордаги қимматли қоғозларини унда назарда тутилган муддатда, қатъий белгиланган нарх бўйича сотиб олишга бўлган ҳуқуқини тасдиқлайди.

Акцияларни чиқариш қарори акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Шунингдек, эълон қилинган акцияларнинг сони ва турлари доирасида банк томонидан қўшимча акцияларни жойлаштириш орқали Банк устав капиталини кўпайтириш юзасидан қарор Банк Кенгаши томонидан қабул қилиниши мумкин. Эмиссиявий қарз қимматли қоғозларни чиқариш шартлари Банк Кенгаши томонидан белгиланади ва тасдиқланади.

Банк облигациялари қарз муносабатларини ифодаловчи қимматли қоғозлар бўлиб, банкнинг устав капиталини ошириш, шунингдек банк фаолиятидаги зарарни қоплаш мақсадида чиқарилиши ман этилади.

Ноэмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш қарори ва шартлари Банк Бошқарув органи томонидан қабул қилинади.

Эмиссиявий қарз қимматли қоғозларни чиқариш шартлари, айнан: чиқарилиш хажми, муомала муддати, фоиз тўловлари (ёки дисконт) Актив ва пасивларни бошқариш Қўмитаси томонидан кўриб чиқилади ҳамда Банк бошқаруви томонидан маъқуллангандан сўнг тасдиқлаш учун Банк Кенгашига киритилади.

Банк ўз томонидан чиқарган қарз қимматли қоғозларни—депозит сертификатлар, омонат сертификатлар, облигациялар ва бошқа қимматли

қоғозлар бўйича муайян муддатда тўлиқ ҳажмда сўндириш мажбуриятини олади, шунингдек, банк қарз қимматли қоғозлар эгаларининг хоҳишига асосан қимматли қоғозларни чиқариш шартлари асосида муддатидан олдин сўндириб бериш мажбуриятини олади.

Сертификат бланкасида сертификатни чиқариш ва унинг муомалада бўлиш шартлари (бундан буён матнда чиқарилиш шартлари деб юритилади), шу жумладан цессияни расмийлаштириш ҳамда сертификат йўқотилганда уни қайта тиклаш тартиби акс эттирилиши лозим. Сертификатлар бўйича фоиз ставкалари банк томонидан белгиланади. Банк сертификатни бериш вақтида шартлашилган ва сертификатда белгиланган фоиз ставкасини бир томонлама ўзгартиришга (камайтириши ёки кўпайтириши) ҳақли эмас, шунинг учун мазкур депозит тури ишончли ҳисобланади. Сертификатни бериш вақтида белгиланган ва муомала муддати тугаганидан сўнг (сертификат эгаси сертификат бўйича омонатини ёки депозитини талаб қилиб олиш ҳуқуқини кўлга киритганда) сертификат эгасига тўланиши лозим бўлган фоизлар мазкур сертификат сотиб олинган вақтдан қатъи назар, банк томонидан тўланиши керак.

Мижозларга қулайлик яратиш мақсадида банк чиқарилиш шартларида сертификатларни муддатидан олдин тўловга тақдим этиш имкониятини назарда тутиши мумкин.

Банкларнинг ресурс базаси таркибида депозитларнинг салмоғи катта бўлиб, банклар асосан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан фаолият юритади. Депозит сиёсати банкларда ресурсларга бўлган эҳтиёжни қондиришга ва ресурс базаси барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Депозит операциялари юридик ва жисмоний шахслардан ташқари банклараро депозитлар ҳам бўлиши мумкин ва бунда депозитлар банклар ўртасида тузилган бош битимга мувофиқ факсимил тасдиқномалар орқали жалб қилиниши мумкин.

Бу мақсадни амалга оширишдаги асосий вазифалар этиб қуйидагилар белгиланиши лозим:

а) мижозларга қўшимча қулайликлар яратиш орқали жалб қилинган депозит маблағларини узок муддат банкда сақланишини таъминлаш;

б) мунтазам равишда депозитларнинг янги, жозибадор турларни яратиб бориш, шунингдек мижозларнинг депозитлардаги маблағларини уларнинг биринчи талабидаёқ берилишини таъминлаш;

в) миллий ва хорижий валютада депозитларни жалб этишда жами депозитлардаги филиаллар улушини ошириш. Филиаллар кесимида ажратиладиган кредитлар миқдоридан келиб чиққан ҳолда жалб қилинадиган депозитларга ойлик режалар ўрнатиш.

г) банк тизимига аҳолининг ишончини мустаҳкамлаш бўйича мажмуавий чора-тадбирларни амалга ошириш, фуқаролар омонатларини муҳофаза қилинишини кафолатлаш механизмини такомиллаштириш;

д) инфляция даражасини инобатга олиб, юридик ва жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари бўйича фоиз ставкаларини тартибга солиш ишларини амалга ошириш;

е) оммавий ахборот воситаларида кенг қўламдаги реклама-ахборот ишларини олиб бориш ҳамда аҳолининг омонатлари, жисмоний ва юридик шахслар учун омонат сертификатлари бўйича ахборот тахтачаларини мунтазам равишда янгилаш.

Банкларда депозит портфелини шакллантириш ва унинг доимий мониторингини амалга ошириб бориш ресурс базаси барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, банк фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган турли рискларни, хусусан, трансформация рискин олдини олишга хизмат қилади. Депозит портфели бўйича мониторингни амалга оширишнинг мақсади - банкнинг ўз мижозлари олдидаги мажбуриятларини тўлиқ ва белгиланган муддатда баланс ликвидлигини зарур миқдорда таъминлаган ҳолда бажариш ҳисобланади. Депозит портфели мониторинги пул оқими бўйича ҳисоботларни шакллантириш орқали амалга оширилади. Депозитлар ва уларга ҳисобланган фоизларнинг қайтарилиши бўйича назорат депозит жойлаштирилган жойдаги филиал бошлиғи (бошқарувчиси)

зиммасига юклатилади.

Банкларнинг ресурс базаси барқарорлигини таъминлашда капитал билан боғлиқ рискни бошқариш мавжудлиги бугунги кундаги асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Капитал билан боғлиқ рискни бошқаришдан асосий мақсад:

1) Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки ва бошқа ваколатли органлари, шунингдек банкнинг ривожланиш стратегияси томонидан риск-аппетит ва бошқа чекловлар доирасида белгиланган рискларнинг мақбул бўлган даражасини сақлаб туриш;

2) ташқи ва ички риск омилларининг ўзгаришига нисбатан банкнинг молиявий барқарорлигини стресс-тестдан ўтказиш асосида банкнинг фаолиятига хос бўлган салмоқли риск турлари (кредит, бозор, операцион ва бошқа риск турлари)ни қоплаш учун капитал монандлигини режалаштириш ва таъминлаш ҳисобланади.

Потенциал рисклар ва уларни капитал монандлигига таъсирини аниқлаш мақсадида Банк стресс-тестларни ўтказиш:

1) Стресс-тестдан ўтказиш тартиб-таомилларининг даврийлиги ва қўлами Банкнинг танлаган стратегияси, фаолиятининг ўзига хослиги, банк амалиётларининг йўналишлари ва мураккаблигига, шунингдек, давлатнинг банк тизимидаги бозор улуши ва мавқеига боғлиқ. Шу билан бирга, макроиктисодий кўрсаткичларнинг ёмонлашиши ва бозор шароитларининг ўзгариши натижасида, стресс тестларни ўтказиш частотаси қайта кўриб чиқилиши керак.

2) Стресс-тестдан ўтказиш барча салмоқли риск турлари бўйича стресс омилларининг капиталга таъсирини ҳисобга олган ҳолда консолидациялашган бўлгани каби стресс омилларининг капиталга таъсирини профил rischi (масалан, кредит, бозор, операцион rischi) бўйича баҳолаш йўли билан алоҳида ҳам бўлиши мумкин;

3) стресс-тестдан ўтказиш баъзи бир стресс-сценарий усуллари кўллашга асосланган.

Банк иккита стресс-тестдан ўтказиш усулларида фойдаланиши мумкин:

1) Сезувчанлик таҳлили – сценарий ёндашувининг энг содда шакли бўлиб, унда битта берилган риск омилидаги ўзгаришларнинг Банк фаолиятига тўғридан-тўғри таъсири бошқа омиллар ўзгаришсиз қолиш тахмини билан баҳоланади:

2) Сценарий таҳлили – бу усул Банк фаолиятига бир неча риск омилларининг бир вақтнинг ўзида ўзгариши билан боғлиқ потенциал таъсирини баҳолаш имконини беради.

3.2. Банкларнинг ресурс базаси барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш йўллари

Активлар ва пасивларни бошқариш усулларини такомиллаштириш ва замонавий бошқарув усулларини жорий қилишда математик ва статистик моделлардан, сунъий интеллект имкониятларидан самарали фойдаланиш лозим.

Активларни бошқариш банкларда муҳим ўрин тутди, чунки банк ресурсларининг самарали ишлатилганлигини активларнинг рентабеллик кўрсаткичлари орқали билиш мумкин. Активларни самарали бошқариш банклар томонидан жалб қилинган ва жойлаштирилган ресурсларнинг мос келмаслигини камайтиради, мавжуд рискларни олдини олишга хизмат қилади. Активларни бошқариш деганда, банкнинг даромадли ишлашини ва унинг ликвидлилигини таъминлаш мақсадида жалб қилинган маблағларни жойлаштириш йўллари, усуллари ва тартиби тушунилади. Активларнинг сифати уларнинг ликвидлилиги, таваккалчилик активлари ҳамда даромад келтирувчи активлар ҳажми билан белгиланади. Активлар тузилиши бўйича банкнинг стратегиясини белгилашда банк ликвидлилик талабларига жавоб бериши, шу тариқа, банк регулятори томонидан белгиланган ликвидлилик меъёрларига ва ички меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилиши ҳамда банк

кредиторлари олдидаги мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаши лозим.

Банк раҳбарияти томонидан қарорларни қабул қилишнинг асосий соҳаси кредит-инвестицион портфелининг миқдорий ва сифат таҳлили асосида активларни жойлаштириш билан боғлиқ. Фикримизча, актив операциялар бўйича бошқарув қарорлари асосан қуйидагиларга тегишли бўлиши лозим:

бир қарз олувчи учун белгиланган таваккалчилик лимитларига риоя қилиш;

турли хил валюталардаги активларнинг, даромадли ва даромадсиз активларнинг мақбул тузилишини қўллаб қувватлаш;

банк маҳсулотларининг турли йўналишларига қўйилмалар таваккалчилигини диверсификация қилиш;

қарз олувчиларни танлаш ва кредитлаш шартларини белгилаш;

банк маҳсулотлари фоиз ставкаларининг миқдори;

активлар ва пасивлар таркибидаги мувозанатланган ликвидлиликни қўллаб қувватлаш.

Пассивларни тўғри бошқариш эса банк капитали ва жалб қилинган маблағлардан фойдаланишни назарда тутаяди, банк капитали самарадорлигини оширишга хизмат қилади, банкнинг фоизли харажатларини имкон қадар чеклашга ва рентабеллик кўрсаткичларини яхшилашга имкон беради. Пассивларни бошқариш – бу турли хил манбалардан маблағларни турли муддатларга жалб қилиш ҳамда банк фойдасини максималлаштириш ва унинг ликвидлигини қўллаш мақсадида ушбу маблағларнинг банк учун оптимал комбинациясини таъминлашдир.

Одатда, миждозларнинг кредитларга бўлган талабини ошириш шароитида, банк пасивларни бошқариш усулини қўллайди. Ушбу усул пул бозорларида – банклараро кредитлар ва депозитлар бозорида ва юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг депозитлари бозорида маблағларни фаол излашга асосланган. Асосий мақсад – даромадни ошириш имконини, шу тариқа капитални кўпайтириш имконини берадиган арзон ресурсларни топиш. Фондларнинг

талаб даражасидаги барқарорлигини таъминловчи турли даражадаги молиялаштириш манбаларининг миқдорлари орасидаги мақбул нисбатларни танлаш Банк томонидан нисбатан узоқ муддатли ресурсларни талаб этувчи юқори даромадли (бошқа молиявий инструментлар билан солиштирганда) кредитларни тақдим этиш имконини беради. Пассивлар бўйича харажатларнинг керакли ҳажмини, тузилишини ва даражасини таъминлаш учун Банк жалб этилган маблағларни бошқаришнинг ҳам нархли ҳам нархсиз усулларида фойдаланади. Пассивларни бошқариш усули параллел равишда активларни бошқаришни назарда тутди, аммо бу икки ёндашувни бир-биридан фарқлаш лозим.

Активлар ва пассивларнинг тузилиши ва миқдорини бошқаришни такомиллаштириш лозим.

Банк активлар ва пассивларнинг таркиби ва миқдорига таъсир ўтказувчи қуйидаги воситалардан фойдаланади:

Соф фоиз маржасини бошқариш деганда фоизли даромадлари ва фоизли харажатлар ўртасидаги фарқни максимал даражага кўтариш мақсадида ёки Банк маржаси барқарорлашганда фоиз даромадлари ва харажатлари ўртасидаги фарқни бошқариш тушунилади.

Фоизли операциялар даромадлилигини бошқариш жараёни қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

қўйилган маблағлар бўйича ўртача ўлчанган фоиз ставкаларини таҳлил қилиш ва прогноз қилиш;

жалб этилган маблағлар бўйича ўртача ўлчанган фоиз ставкаларини таҳлил қилиш ва прогноз қилиш;

фоизлар маржаси ва спрэдини таҳлил ва прогноз қилиш;

фоиз маржаси ва спрэди даражасини тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар режасини тузиш;

фоиз маржаси ва спрэди даражасини тартибга солиш бўйича режалаштирилган чора-тадбирларни амалда бажариш;

фоиз маржаси ва спрэди даражасини тартибга солиш бўйича чоратадбирлар режасини бажарилишини таҳлил қилиш, лозим бўлса, чоратадбирлар режасига тузатишлар киритиш.

Банкларда фоиз спрэдини баҳолаш ва бошқариш ҳам муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Фоиз ставкаси спрэди бу банкнинг кредитлари бўйича олинadиган фоиз ставкаси ва депозитлари бўйича тўланадиган фоиз ставкалари ўртасидаги фарқ бўлиб, банк даромадлилигининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади.

Фоиз спрэдининг ўсишини қуйидаги ҳолатларда прогноз қилинади:

жойлаштирилган маблағлар бўйича ўртача ўлчанган фоиз ставкасининг ўсиши;

жалб этилган маблағлар бўйича ўртача ўлчанган фоиз ставкасини пасайтириш;

дастлабки икки омилнинг биргаликдаги таъсири;

жалб этилган маблағлар бўйича ўртача ўлчанган фоиз ставкасининг ўсиш суратига нисбатан жойлаштирилган маблағлар бўйича ўртача ўлчанган фоиз ставкасининг ўсиш суръатларининг юқорилигида;

жойлаштирилган маблағлар бўйича ўртача ўлчанган фоиз ставкасининг пасайиш даражасига нисбатан жалб этилган маблағлар бўйича ўртача ўлчанган фоиз ставкасининг пасайиш даражаси юқорилигида.

Фикримизча, банкларда ресурсларни оқилона жойлаштиришда жалб этилган маблағлар бўйича ўртача ўлчанган фоиз ставкасининг ўсиш суръатига нисбатан жойлаштирилган маблағлар бўйича ўртача ўлчанган фоиз ставкасининг ўсиш суръатини камида 20 фоиз бўлишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Фоиз спрэдининг пасайиши, унинг ўсишига тескари бўлган ҳолатларда прогноз қилинади.

Фоиз спрэди қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

ижобий бўлиш, яъни фоизли операциялар даромадлилигини таъминлаш;

жойлаштирилган маблағлар бўйича юзага келиши мумкин бўлган зарарлар учун, шу жумладан олинмаган даромадларни ҳисобдан чиқариш учун захираларни шакллантиришга етарли бўлиши;

актив операцияларни амалга ошириш учун операцион харажатлар даражасини қоплаш.

Фоииз спрэдининг юқорида қайд этилган талабларга номувофиқлиги унинг оширишни талаб қилади, бунга эса комплекс чора-тадбирлар орқали эришилади.

Савдо операцияларининг даромадлилиги (фоизсиз даромадлар) ни бошқариш.

Банкнинг савдо операциялари деганда кейинчалик сотиб олинган нархидан қимматроқ нархда сотиш мақсадида активларни сотиб олиш тушунилади ва бунда актив сотиб олинган фондларнинг қиймати ҳисобга олинади. Савдо операциялари даромадлилигини (нарх-наво таваккалчилиги) бошқаришнинг мақсади активни сотиш ва сотиб олиш нархлари ўртасидаги ижобий фарқни сақлаш ва максимал даражага кўтаришдир. Савдо операциясининг даромадлилиги активни сотиш пайтида олинган натижани йиллик фоиз ставкасига ўтказиш чоғида ҳисобланади. Савдонинг оралик даромадлилиги, активнинг жорий нархини олиш пайтида потенциал савдо натижаларини йиллик фоиз ставкасида рўйхатга олиш чоғида ҳисобланади. Актив нархининг пасайишидан келиб чиқадиган эҳтимолий йўқотишларни чеклаш учун савдо бўйича зарарнинг лимити белгиланади. Бу активнинг рухсат этилган минимал нархи билан ифодаланади. Агар активнинг жорий нархи белгиланган лимитдан пастга тушса, активни сотиш керак бўлади. Савдо операциясининг даромадлилиги актив сотиб олинган фондлар қиймати ва савдо операцияси даромадлилиги ўртасидаги фарқни топиш йўли билан ҳисобланади.

Ликвидлилик ва ГЭПни бошқариш – активлар ва пасивларни тўлаш муддатидаги узилишлардан келиб чиқадиган таваккалчилик ўзгаришини бошқариш. Банк активлари ва пасивларини бошқариш жараёнида

ликвидлилик даражасини ушлаб туриш (актив-пассив операцияларнинг рентабеллигини ҳисобга олган ҳолда) муҳим вазифа ҳисобланади. ГЭП-узилишлари моделлари қисқа муддатда соф фоиз даромадини барқарорлаштириш ёки кўпайтириш мақсадида курилади.

Фоиз ставкаларининг ўзгариши сабабидан таваккалчиликка мойиллик даражаси нуқтаи-назаридан баланснинг барча моддаларини икки гуруҳга бўлиш мумкин:

фоиз ставкаларининг ўзгаришига сезгир;

фоиз ставкаларининг ўзгаришига бефарқ.

Фоизли ГЭП банк активлари ва мажбуриятларини қайта баҳолашдаги вақтинчалик фарқлардан келиб чиқади.

Тадқиқот натижаларига кўра, ликвидлиликни бошқариш жараёнини қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

жорий ликвидлилик ҳолатининг ҳажмини аниқлаш;

ликвидли маблағларга талаб ва таклифнинг прогнози;

прогноз қилинган суюқлик позициясининг ҳажмини аниқлаш;

ортиқча ликвидлиликни ёки етишмовчиликни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режасини тузиш;

ликвидлиликни бошқариш бўйича режалаштирилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

ликвидлиликни бошқариш бўйича чора-тадбирлар режасининг бажарилишини таҳлил қилиш ва лозим бўлса, унга тузатишлар киритиш.

Ликвидли маблағларга бўлган талаб ва таклифларнинг прогнози келгусида банкнинг жорий ликвидлилик ҳолати қанчалик ўзгариши мумкинлигини кўрсатиб беради. Ликвидлилик позицияси ҳажмининг ўсиши қуйидаги ҳолатларда прогноз қилиниши тавсия этилади:

маблағларга бўлган талаблар ўзгармаган ҳолатида мижозлар ва контрагентлар томонидан уларга бўлган таклифларни оширилиши;

маблағларга бўлган таклиф ўзгармаган ҳолда, мижозлар ва контрагентлар томонидан маблағларга талабнинг пасайиши;

дастлабки икки омилнинг биргаликдаги таъсири;

маблағлар таклиф қилиш суръатининг уларга бўлган талабнинг ўсиш суръатларига нисбатан юқорилиги;

маблағлар таклиф қилиш суръатига нисбатан уларга бўлган талабнинг юқори суръатда пасайиб кетиши.

Ликвидлилик позицияси ҳажмининг пасайиши уларнинг кўпайишига тескари ҳолатларда прогноз қилинади. Ликвидлилик позицияси ўзгаришининг прогнози унинг ҳозирги ҳолати билан таққосланади, натижада прогноз қилинувчи ликвидлилик позицияси шаклланади. Тузилган прогноз асосида ликвидлиликни бошқариш бўйича тадбирлар режаси тузилади.

Ликвидлиликнинг ҳаддан ортиқлиги деганда банкнинг қуйидаги миқдорда бой берилган фойдаси тушунилади:

а) Банк ушбу маблағларни кредит-инвестицион портфелини кўпайтиришга йўналтириш орқали олиши керак бўлган, олинмаган фоизли (комиссия, савдо) даромадлар миқдорида;

б) Банкнинг ликвидлиликнинг ҳаддан ортиқлигини молиялаштирувчи мажбуриятлари доирасида тўланадиган фоизлар кўринишидаги Банкнинг самарасиз харажатлари миқдорида.

Банк ликвидлиги ҳаддан ташқари ортиб кетиши банкнинг даромадлилик даражасини пасайтириш мумкин, чунки ликвидлилик даромадлиликка нисбатан тескари кўрсаткич бўлиб, ликвидлилик қанчалик юқори бўлса, банк даромади шунчалик паст бўлади. Шунинг учун банк ликвидлилик-даромадлилик кўрсаткичларини оптимал нуқтасини топиши керак ва уни банкнинг мақсадидан келиб чиқиб таъминлаши керак.

Ликвидлиликнинг ҳаддан ортиқлиги қуйидагича бартараф этилади:

жойлаштирилган маблағлар бўйича фоиз ставкаларини пасайтириш ёки маркетинг тадбирларини амалга ошириш орқали мижозлар ва контрагентлар томонидан маблағларга бўлган талабни рағбатлантириш;

ўз дастурларига тўғридан-тўғри инвестицияларни киритиш;

юқоридаги қайд этилган тадбирлардан комбинацияланган ҳолда фойдаланиш.

Аммо банклар даромадлиликни таъминлаш чоғида ликвидлиликни нормадан пасайиб кетмаслигини ҳам таъминлаши мақсадга мувофиқ, чунки бир томондан, банкларнинг ликвидлилик даражасига Марказий банк томонидан меъёрлар ўрнатилган бўлса, иккинчи томондан банк ликвидлилик орқали мижозлар ва акциядорлар олдида ўз мажбуриятларини бажара олиши зарур.

Ликвидлилик танқислиги – депозит шаклидаги ўз маблағларини Банкдан олишни истаган кредиторларнинг, шунингдек, Банкдан кредит шаклидаги маблағларни олишни истаган қарз олувчилар талабларини қондириш учун жорий ликвид позицияси ҳажми етарли эмаслигини англатади. Ликвидлилик танқислиги қуйидагича бартараф этилади:

жойлаштирилаётган маблағлар бўйича фоиз ставкасини ошириш орқали мижозлар ва контрагентлар томонидан маблағларга бўлган талабни камайтириш;

жалб қилинадиган маблағлар бўйича фоиз ставкасини ошириш ва/ёки маркетинг тадбирларини амалга ошириш орқали мижозлар ва контрагентлар томонидан маблағлар таклиф этишни кўпайтириш;

банкнинг савдо ва инвестиция портфелларини сотиш ёки уни камайтириш;

акциядорлик капиталини кўпайтириш;

қайта ишланмаган активларни сотиш;

юқоридаги қайд этилган тадбирлардан комбинацияланган ҳолда фойдаланиш.

Нарх шароитларини (фоиз ставкаларини) ўзгартириш орқали ликвидлиликни бошқариш фоиз таваккалчилигининг (фоиз спрэдининг пасайиши таваккалчилиги ёки фоиз зарарларини кўриш таваккалчилиги) вужудга келиши ва Банкнинг даромадлилигини пасайиши билан боғлиқ. Шу муносабат билан, фоиз ставкаларини ўзгартиришдан аввал унинг

оқибатларини таҳлил қилиш лозим, яъни фоиз операцияларининг даромадлигининг ўзгариш эҳтимоллари прогноз қилинади.

Бошқа таваккалчиликларни бошқариш (фоиз таваккалчилиги, валюта ва бошқа бозор таваккалчиликлари) таваккалчиликларни бошқариш бўйича ички меъёрий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади. Активлар ва пасивларни бошқаришнинг асосий вазифаларидан бири бу тегишли таваккалчиликларни аниқлаш ва уларни бошқаришдир. Таваккалчиликларни назорат қилишнинг асосий йўналиши қуйидагиларни ўз ичига олади:

бозор таваккалчиликларини бошқариш тамойилларини белгилаш;
лимитлар тизимини ишлаб чиқиш;
таваккалчиликларни баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш;
таваккалчилик позициялари тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлаш ва таҳлил қилиш;
янги маҳсулотлар учун таваккалчилик таҳлилинини ўтказиш;
стресс-тест;
таваккалчиликларни стресс-тестлаш ва баҳолаш моделларини доимий равишда янгилаб туриш.

Трансферт нархнинг белгиланиши – пасивларни шартли равишда сотиб олиш ва банк бўлинмаларининг актив операцияларини ресурслар билан қўллаб-қувватлаш бўйича операциялар амалга ошириладиган, банкдаги ресурсларнинг ички нархини белгилаш тизими. Шу тариқа, банк бошқарув модели тамойиллари ва ёндашувларидан фойдаланиш доирасида маълум вақт оралиғида актив ёки пасив операциялар рағбатлантириш ёки чеклаш амалга оширилади ва ликвидлилик ГЭП узилишларини тенглаштирилади.

Банкларда капитал рискин пасайтириш ва салбий оқибатларини бартараф этишда банклар стресс-тестларни ўтказишда бир нечта сценарийлардан фойдаланади:

- ***умумиқтисодий сценарий*** – умумиқтисодий ва бозор конъюнктураси, шу жумладан мамлакатнинг бутун иқтисодиёти ва айрим тармоқларида ўсишнинг пасайиши билан боғлиқ бўлган риск омилларининг таъсирини

аниқлаш ва баҳолашга асосланган сценарий таҳлили усули;

- **Банк бизнесига хос сценарий** – муайян стресс омиллари, шу жумладан айрим Банк фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг портфелининг тузилиши билан боғлиқ бўлган таъсирини баҳолашга асосланган сезувчанликни таҳлил қилиш усули.

Стресс-тестнинг сценарий ва эҳтимолларини ишлаб чиқишда, банк қўйидагиларни ҳисобга олиши мақсадга мувофиқдир:

- 1) стресс омиллар ва сценарийлар Банкнинг барча салмоқли рискларини ҳисобга олишлари керак;

- 2) стресс-тестни ўтказишда Банк турли ҳил рисклар ўртасидаги боғлиқликларни ҳисобга олади;

- 3) стресс-тестлар ўтмишдаги воқеаларни акс эттирувчи тарихий сценарийларга ва аввал содир бўлмаган воқеалар ривожига оид мантиқий ва асосли тахминларга асосланган гипотетик сценарийларга мувофиқ ўтказилиши мумкин;

- 4) стресс-сценарий учун эҳтимоллар ва тахминларни аниқлашда Банк фаолияти билан боғлиқ эҳтимолини ҳисобга олган ҳолда сценарийнинг тури ва оғирлик даражасига асосланган консерватив ёндашувга риоя қилиш зарур;

- 5) стресс-сценарийларни кўриб чиқилиши капитал монандлигининг ҳозирги даражасига боғлиқ бўлмаслиги керак, шу жумладан:

- мамлакат ялпи ички маҳсулотининг пасайиши;
- фонд бозорларининг мавжуд эмаслиги;
- энергия ресурслари қийматининг ўзгариши;
- мамлакат суверен рейтингининг ўзгариши;
- миллий валютанинг қадрсизланиши;
- бозорда фоиз ставкаларининг ўзгариши;
- инфляцион кутилмаларнинг ўсиши;
- қўчмас мулк бозоридаги инқироз;
- ишсизлик даражасининг ўсиши ва аҳоли даромадининг пасайиши;
- активларнинг бозор қийматининг пасайиши;

- ва бошқа стресс-омиллар.

Стресс-тест натижалари, салбий таъсирни минималлаштириш бўйича таклифлар билан прогноз қилинган рискларнинг банк капиталига таъсири рискларни бошқариш бўлинмалари томонидан консолидация қилиниб, Банк Кузатув кенгаши муҳокамасига тақдим этилиши керак.

Муҳокама натижаларига кўра қабул қилинган бошқарув қарорлари Банкнинг стратегик ва молиявий режалаштириш жараёни, активлар ва пассивларни бошқариш, капитал монандлигини сақлаш жараёнига интеграция қилинади ҳамда ички лимитларни белгилашда қўлланилади.

Капитал монандлигини ташкил этиш ва бошқариш учун Банк Кузатув кенгаши банк капиталининг монандлигини баҳолаш жараёнининг асосий ёндашувлари ва тамойилларини тартибга солувчи ва қуйидагиларни ўз ичига оловчи ички меъёрий ҳужжатни тасдиқлайди:

- 1) Банкнинг риск-аппетит стратегияси;
- 2) капитал монандлигини баҳолаш ва мониторингини олиб бориш жараёнининг ташкилий тузилиши;
- 3) риск профили бўйича ҳам, алоҳида ҳам консолидациялашган стресс-тестларни ўтказиш тартибини ташкил этиш;
- 4) янги маҳсулотлар, хизматлар ва фаолият турлари жорий этилган тақдирда рискларни бошқариш тартиб-таомилларини ташкил этиш;
- 5) Ўзбекистон Республикасининг Марказий банк ва бошқа ваколатли органлари томонидан капитал монандлиги бўйича меъёрлар, лимитлар ва талаблар ўзгарган тақдирда капитал билан боғлиқ рискни бошқариш тартиб-таомилларини ташкил этиш;
- 6) капитал монандлигини ички баҳолаш жараёни учун ўз-ўзини баҳолаш тартиб-таомилларини ташкил этиш.

Учинчи боб бўйича хулосалар

Активлар ва пассивларни бошқариш усулларини такомиллаштириш ва замонавий бошқарув усулларини жорий қилишда математик ва статистик моделлардан, сунъий интеллект имкониятларидан самарали фойдаланиш лозим.

Банк активлари ва пассивларини бошқаришнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар танлаб олиниши мақсадга мувофиқ:

баланс ликвидлилигини етарли даражада ушлаб туриш;

баланснинг етарлича ишончилигини сақлаш;

рентабеллик даражасини максимал даражада ошириш.

Активлар ва пассивларни бошқариш аниқ тамойилларга асосланган бўлиши лозим ва унинг асосий тамойиллари сифатида қуйидагиларни таклиф этиш мумкин:

Кенг қўламлилиқ ва тизимлилиқ.

Холислиқ ва аниқлиқ.

Тезкорлиқ.

Самарадорлиқ.

Таъсир кўрсатувчанлиқ.

Мунтазамлилиқ.

Стратегик ва тактик режалаштиришнинг бирлиги.

Мамлакатимизда тижорат банклари ресурс базаси барқарорлигини таъминлаш, диверсификация даражасини ошириш мақсадида эмиссиявий ва ноэмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш ҳуқуқига эга. Эмиссиявий қимматли қоғозларга акция, облигация, опцион, қимматли қоғозларга доир фьючерс (қимматли қоғозларнинг ҳосилалари). Ноэмиссиявий қимматли қоғозларга депозит сертификатлар киради.

Банк депозит сиёсатини амалга оширишдаги асосий вазифалар этиб қуйидагилар белгиланиши лозим:

а) мижозларга қўшимча қулайлиқлар яратиш орқали жалб қилинган депозит маблағларини узоқ муддат банкда сақланишини таъминлаш;

б) мунтазам равишда депозитларнинг янги, жозибадор турларни яратиш

бориш, шунингдек мижозларнинг депозитлардаги маблағларини уларнинг биринчи талабидаёқ берилишини таъминлаш;

в) миллий ва хорижий валютада депозитларни жалб этишда жами депозитлардаги филиаллар улушини ошириш.

г) банк тизимида аҳолининг ишончини мустаҳкамлаш бўйича мажмуавий чора-тадбирларни амалга ошириш, фуқаролар омонатларини муҳофаза қилинишини кафолатлаш механизминини такомиллаштириш;

д) инфляция даражасини инобатга олиб, юридик ва жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари бўйича фоиз ставкаларини тартибга солиш ишларини амалга ошириш;

е) оммавий ахборот воситаларида кенг кўламдаги реклама-ахборот ишларини олиб бориш ҳамда аҳолининг омонатлари, жисмоний ва юридик шахслар учун омонат сертификатлари бўйича ахборот тахтачаларини мунтазам равишда янгилаш.

Банкларнинг ресурс базаси барқарорлигини таъминлашда капитал билан боғлиқ рискни бошқариш мавжудлиги бугунги кундаги асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Банкларда ресурсларни оқилона жойлаштиришда жалб этилган маблағлар бўйича ўртача ўлчанган фоиз ставкасининг ўсиш суръатига нисбатан жойлаштирилган маблағлар бўйича ўртача ўлчанган фоиз ставкасининг ўсиш суръатини камида 20 фоиз бўлишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

ХУЛОСА

Диссертацияни ёзиш жараёнида тижорат банкларининг ресурс базаси барқарорлигини таъминлаш бўйича қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

1. Банкларнинг молиявий ресурслари, уларни самарали бошқариш, молиявий ресурсларни барқарорлигини таъминлаш борасида хорижлик ва маҳаллий иқтисодчи-олимлар қатор илмий тадқиқотлар олиб боришган ва мавзу долзарб бўлганлиги боис тадқиқотлар хануз олиб борилмоқда. Банкларнинг молиявий ресурслари асосан ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлардан иборат бўлиб, ўз маблағларининг ҳажмини кўплиги банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлайди. Жалб қилинган маблағлар маълум муддатга ёки муддатсиз жалб қилиниши мумкин, аммо улар харажатлар билан боғлиқ.

2. Олиб борилган тадқиқотлар натижаси асосида банкларнинг молиявий ресурсларига қуйидаги муаллифлик таърифини шакллантирдик: тижорат банкларининг молиявий ресурслари - бу уларнинг ихтиёридаги маблағлар йиғиндиси бўлиб, банк балансининг пассив қисмида акс эттириладиган ва улардан актив операцияларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган пул маблағларидир.

3. Кредит ташкилотининг ўз капитали - бу кредит ташкилотини ташкил этиш жараёнида шаклланган ва кейинчалик ички (фойда, мулкни қайта баҳолаш ва бошқалар) ва ташқи манбалар (қўшимча акциялар чиқариш, субординацияланган қарзларни жалб қилиш) ҳисобидан тўлдириладиган капитал. Ўз капитали, қоида тариқасида, муддатсиз кредит ташкилотининг ихтиёрида бўлади.

4. АҚШда депозитларни суғурталаш учун махсус ташкилот ташкил этилган бўлиб, Федерал депозитларни суғурталаш корпорацияси (The Federal Deposit Insurance Corporation (FDIC)) деб аталади. Агарда банк банкротликка учраса ёки молиявий қийинчиликларга дуч келса, FDIC муайян миқдордаги компенсация тўлаб беришга мажбур эди. Дастлаб 1933 йилда суғурталанган депозитларнинг 2500 АҚШ доллари этиб белгиланди ва бу иқтисодий

ҳолатдан келиб чиқиб ошириб борилди. Ҳозирги кунда 250000 АҚШ долларини ташкил этади.

5. Охирги ўн йилликда АҚШда депозитлар миқдори 6,855 трлн АҚШ долларига ёки 63,5 фоизга ошган, банк капитали эса 32,2 фоизга ёки 569 млрд АҚШ долларига ошганлигини кўришимиз мумкин. АҚШда капитал рентабеллиги охирги ўн йилликда кескин ўзгаришларни намоён қилган, 2015 йилда 9,56 фоизни ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб 11,74 фоизни ташкил этган. Энг йирик 10 та тижорат банкларининг капитал рентабеллиги даражаси бўйича JPMorgan Chase & Co. банки 15,15 фоиз билан биринчи ўринни эгаллаб турибди. JPMorgan Chase & Co. банки мажбуриятларининг 60 фоизидан ортиғи банк депозитлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Банкнинг жами акциядорлик капитали охирги беш йилда 25,5 фоизга ёки 66,5 млрд АҚШ долларига ошган ва 2023 йилда 327,878 млрд АҚШ долларини ташкил этмоқда.

6. Мамлакатимиз банк тизими активлари 2022 йилда 444,9 трлн сўмни ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб деярли 1.5 мартага ошган ва 652,2 трлн сўмга етган. Активларнинг рентабеллик даражаси эса 2023 йилда олдинги йилга нисбатан 0,1 фоиз бандга ошиб, 2,6 фоизни ташкил қилганлиги активлардан самарали фойдаланиш даражаси ортганлигидан далолат беради. Жами кредит қўйилмалари эса охирги уч йилликда 1,4 мартага ошган ва 471,4 трлн сўмни ташкил этган. Банклар томонидан жалб қилинган депозитлар ҳажми 1,54 мартага ошди ва 2024 йил бошига 241,7 трлн сўмни ташкил этди. Банк тизими пасивлари таркибида депозитларнинг улуши 44 фоизни ташкил этди.

7. Мамлакатимиз тижорат банклари капитали таркибида устав капиталининг улуши 2022 йилда 76,51 фоиз ёки 54261 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб унинг улуши 6,14 фоиз бандга пасайиб, 70,37 фоизни ташкил этган. Қўшилган капитал сезиларли даражада ошган бўлиб, 2022 йилда унинг улуши 0,95 фоиз бўлса, 2024 йилга келиб эса 1,38 фоиз ёки 1,3 трлн сўмдан ошган. Банк тизимининг захира капитали 2022 йилда 12,62 фоиз ёки 8951351 млн сўм бўлса, 2024 йилга келиб 11,83 фоиз ёки 11483330

млн сўмни ташкил этган. Банкларнинг тақсимланмаган фойда кўрсаткичи 2024 йил бошига келиб 16,42 фоизга етган ва 15944 млрд сўмни ташки қилган.

8. Мамлакатимиз банк тизими депозит базаси таркибида 2022 йилда муддатли депозитларнинг улуши 55,38 фоизни ташкил этган бўлса, 2023 йилда 53,14 фоиз ва 2024 йилга келиб 63,39 фоизни ташкил этган. Талаб қилиб олингунча депозитларнинг улуши пасайиш тенденциясига эга бўлиб, охириги уч йилда 7,08 фоиз бандга пасайиб, 2024 йил бошида 24,67 фоизни ташкил этгани аниқланди.

9. *Saradeq* (Капитал етарлилиги кўрсаткичи) ва *SAR* (Капитал) боғлиқлик коэффиценти -0.805 га тенг. Бу юқори салбий корреляция, *Saradeq* (мустақил ўзгарувчи) ва *SAR* (боғлиқ ўзгарувчи) ўртасида кучли салбий боғлиқликни ифодалайди. Бу натижа, капитал етарлилиги кўрсаткичи юқорилаганда, умумий капитал миқдори камайишини англатади. Бу банклар кўпроқ капитални рискли фаолиятларга йўналтирганда, уларнинг умумий капитали камайиши мумкинлигини кўрсатади, бу эса капитал етарлилиги кўрсаткичини пасайтиради.

10. *ROE* (Капитал самарадорлиги) коэффиценти .017 га тенг бўлиб, бу ўртача ижобий коэффицент, *p*-қиймати (.062) эса чегарали даражада сезиларли. Бу капитал самарадорлиги ортиши билан банкнинг умумий капитали ҳам бироз ошишини билдиради. Бироқ, бу муносабатнинг кучли эмаслиги капиталнинг самарадорлиги фақат қисман капитал ҳажмига таъсир қилишини кўрсатади.

11. Банкларда ресурсларни оқилона жойлаштиришда жалб этилган маблағлар бўйича ўртача ўлчанган фоиз ставкасининг ўсиш суръатига нисбатан жойлаштирилган маблағлар бўйича ўртача ўлчанган фоиз ставкасининг ўсиш суръатини камида 20 фоиз бўлишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

12. Банкларнинг ресурс базаси мустаҳкамлигини аниқлашда стресс-тест ўтказиш муҳим жараён ҳисобланади. Стресс-тест ўтказиш параметри сифатида бошқа банкларга жойлаштирилган депозитлар қолдиғининг 20 фоизи қайтариб

олиниши – пессимистик сценарий, 25 фоизи қайтариб олиниши – критик сценарий ва 30 фоизи қайтариб олиниши ва активларга жойлаштирилмаслиги – катастрофик сценарий деб белгилаш банкларда молиявий ресурслар барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

13. Депозит сертификат сақловчиси сертификатни муддати тугагунга қадар қайтариб беришни талаб қилганда, у банкни омонатни олишни мўлжаллаётган санадан камида бир ой олдин хабардор қилиши ва депозитга талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлар бўйича тўланадиган фоизлар миқдорида тўлаш банкнинг ресурс базаси барқарорлигини мустаҳкамлашга олиб келиши аниқланди.

14. Банк капитали етарлилигини бошқаришда қуйидаги омилларни инобатга олиш зарур:

янги маҳсулотлар, хизматлар ва фаолият турлари жорий этилган тақдирда рискларни бошқариш тартиб-таомилларини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банк ва бошқа ваколатли органлари томонидан капитал монандлиги бўйича меъёрлар, лимитлар ва талаблар ўзгарган тақдирда капитал билан боғлиқ рискни бошқариш тартиб-таомилларини ташкил этиш;

капитал монандлигини ички баҳолаш жараёни учун ўз-ўзини баҳолаш тартиб-таомилларини ташкил этиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.11.2019 й., 03/19/582/4014-сон.

2. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Банклар ва банк фаолияти тўғрисида//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.11.2019 й., 03/21/721/0952-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги//www.lex.uz.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони//ҚХММБ:06/205992/0581-сон. 13.05.2020 й.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги ПФ-5877 – сонли “Инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.11.2019 й., 06/19/5877/4036-сон.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – №36.– 945-модда.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори// ҚХММБ:07/17/3270/0004-сон.25.09.2017 й.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2023 йил 23 августдаги 24/7-сонли қарори. “Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш

тартиби тўғрисида”ги низомни тасдиқлаш тўғрисида//QMMB: 10/23/3460/0742-son 03.10.2023-у.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори. Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 28-сон, 374-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.04.2018 й., 10/18/2696-2/1120-сон.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказининг 2015 йил 22 августдаги 299-В-2, 2015-12-сонли қарори. “Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларини бошқарувчи ва инвестиция консультанти сифатида касбий фаолиятни амалга оширишига оид талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги низом// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 14-15-сон, 105-модда; 2014 й., 9-сон, 95-модда; 2015 й., 38-сон, 503-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.03.2019 й., 10/19/1782-3/2845-сон.

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги 19/14-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 13 августда 2709-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) “Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2015. - №32. – 141-152-б.

12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори. Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 6 июлда 2693-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган)// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.,

27-сон, 360-модда; 2017 й., 27-сон, 632-модда, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.10.2017 й., 10/19/2693-5/2722-сон.

13. “Basel III: A global regulatory framework for more resilient banks and banking systems”. Basel Committee on banking supervision. <http://www.bis.org.publications>.

14. “Basel III: International framework for liquidity risk measurement, standards and monitoring”. <http://www.bis.org.publications>.

15. “Global systematically important banks: assessment methodology and the additional loss absorbency requirement. <http://www.bis.org.publications>.

16. “International convergence of capital measurement and capital standards” (Bazel, iyul 1988-yil.)

II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

17. Faderai, H. (2016). The impacts of adequate financial resource allocation on performance of government owned firms in Ghana. *Journal of strategic management and finance*, 12(4); 109-134.

18. Klingebiel, R. and Rammer, C., 2014. Resource allocation strategy for innovation portfolio management. *Strategic management journal*, 35(2), pp.246-268.

19. Kweh, Q.L., Lu, W.M., Tone, K. et al. Evaluating the resource management and profitability efficiencies of US commercial banks from a dynamic network perspective. *Financ Innov* 10, 19 (2024). <https://doi.org/10.1186/s40854-023-00531-0>

20. Martin N. Mbugua, Margaret Oloko, Jared Deya. (2022) Financial Resources as a Strategic Driver on Performance of Agency Banking in Commercial Banks in Kenya. *International Journal of Innovative Technologies in Social Science*. 4(36). doi: 10.31435/rsglobal_ijitss/30122022/7888

21. Rao, P.M. (2013). Sustaining Competitive Advantage in a High-Technology Environment: A Strategic Marketing Perspective. *Advances in Competitiveness Research*.

22. Rosenberg, V. and Richard, C. (2010). Measuring Results of Microfinance Institutions - minimum indicators
23. Sarker, A.E. (2013). The Secrets of success: the Grameen Bank experience in Bangladesh. Labour and Management in Development Journal. 2(1); 109-128.
24. Бердияров Б.Т. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш масалалари. И.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 73б.
25. Гадоев С.Ж. Тижорат банкларида ликвидлилик riskини бошқаришни такомиллаштириш. И.ф.б.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 47 б.
26. Исаков Ж.Я. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда кредит самарадорлигини ошириш. И.ф.д. илм. дар. ол.уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2016. – Б. 28.
27. Жураев И.И. Ўзбекистон республикаси тижорат банклари депозит базасини мустаҳкамлаш. иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 26 б.
28. Раҳимов А.М. Тижорат банклари депозит базаси ва уни кенгайтириш йўллари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. 08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит. Тошкент 2019 йил. 23-бет..
29. Ортиқов У.Д. Тижорат банкларининг молиявий ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация автореферати. –Т.: 2023, БМА, 56 б.
30. Ходиев С.М. “Совершенствование депозитной политики коммерческих банков в условиях либерализации экономики”. автореферат дис. ... канд. экон. наук. 08.00.07– Ташкент, 2010. – 19 стр.
31. Мажидов Ж.К. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активлар портфелларининг сифатини ошириш йўллари. И.ф.б. ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – Б. 22.
32. Холмаматов Ф.К. Тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш. И.ф.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2019. - Б. 25.

33. Холмаматов Ф.К. Банк тизими барқарорлигига банк капиталининг таъсири таҳлили // «Агроиктисодиёт» журнали, №2, 2023. – Б. 144-147.

34. Обиджонов Ж., Азизов У. Молиялаштиришни такомиллаштириш йўлида // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2000. -№4. –Б.12-14.

35. Аверьянова Ю.Г. Теоретические аспекты финансовой безопасности коммерческого банка//Экономические науки. – Москва, 2011. – №4. – С. 220-225.

36. Altman E. Financial Ratios, Discriminant Analysis and the Prediction of Corporate Bankruptcy//The Journal of Finance. – 1968. – Vol. 23(4). – P. 589–609.

37. Ermolova M., Penikas H. PD-LGD Correlation Study: Evidence from the Russian Corporate Bond Market//Model Assisted Statistics and Applications. – 2017. – Vol. 12(4). – P. 335–358.;

III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар

38. Dess, G., Lumpkin , T., & Eisner, B. (2010). Strategic Management: Creating Competitive Advantages. 5th ed. New York: McGraw-Hill Irwin.

39. Ivatury, G. & Timothy, L. (2006). Use of Agents in Branchless Banking for the Poor: Rewards, Risks, and Regulation. Washington D.C: Prentice Hall.

40 Барро Дж.Р., Салаи-и-Мартин Х. Экономический рост. Пер. с англ. – М.: БИНОМ, 2010. – С.118.

41. Белоглазова Г.Н.Банковское дело Организация деятельности коммерческого банка. Учебник. Москва. Высшее образование.2009.-с.141.

42. Вайн С. Оптимизация ресурсов современного банка. – М.: Альпина Паблишер, 2013. – С.150-151.

43. Жан Матук. Финансовые системы Франции и других стран. Том I. Пер. с англ. – М.: «Финстатинформ», 1994. С. 25.

44. Коробова Г.Г. Банковское дело. Москва. Экономистъ.2003.-с.213.

45. Крис Дж. Барлтрон и Диана МакНотон. Банковские учреждения в развивающихся странах. Материалы ИЭР. Том II. Всемирный банк. Вашингтон, Д.С., 1992.С.101.

46. Лаврушин О.И. Банковское дело: современная система кредитования. - М.: КНОРУС, 2008. – С.36-37.
47. Мишкин Ф.С. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых циклов. 7-е изд. Пер. с англ. – М.: ООО «И.Д.Вильямс», 2013. – С.295.
48. Панова Г.С. Кредитная политика коммерческого банка. – М.: ИКЦ «ДИС», 1997. – С. 194.
49. Полфреман Д. Форд Ф. Основы банковского дела. Пер. с англ. – М.: ИНФРА-М, 1996. – С. 110.
50. Родэ Э.М. Банки, биржи, валюты современного капитализма. - М.: «ФиС», 1986. С.42
51. Соколинская Н.Э. Проблемы менеджмента кредитного портфеля в современных условиях//Банковское дело. – Москва, 1999. - №9. – С. 18-19.
52. Усокин В.М. Современный коммерческий банк. – М.: ИПЦ «Вазар-Ферро», 1994. - С. 106-109.
53. Устойчивость банковской системы и развития банковской политики. Монография. Под ред. Проф О.И. Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2016. – С. 131-140
54. Ш.Абдуллаева, Омонов А. Тижорат банклари капитали ва уни бошқариш.Т.:, «Иқтисод - Молия»2006,10-бет
55. Эдвин Дж. Долан и др. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. – СПб.: “Санкт-Петербург Оркестр”, 1994. – С. 90-93.81. www.bankofamerica.com – Банк оф Америка (АҚШ).
56. www.stat.uz– Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.
57. www.cbu.uz – Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки.
58. www.aloqabank.uz – АТ “Алоқабанк”